

СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ҲАВЗАВИЙ БОШҚАРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ

УДК: 626.81: 351.79

Салохиддинов А.Т.

Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш ва режалаштириш

Ўкув қўлланмаси. Тошкент. ТИҚҲММИ. 2018. 141 б.

Масъул муҳаррир:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти кафедраси мудири, т.ф.д., проф. Мирсаидов М.М.

Тақризчилар:

- Сув хўжалиги вазирлиги “Сув кадастри ва сувни тежайдиган технологияларни ривожлантириш” бошқармаси бошлиғи, Қўчкоров Ш.
- Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти лаборатория мудири, т.ф.д., проф. Икромов Р.К.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти Илмий Кенгаши томонидан олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичи талабалари учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилган.

Ушбу ўқув қўлланмаси Марказий Осиё минтақавий экологик маркази томонидан амалга оширилаётган ва АҚШ халқаро ҳамкорлик агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилган “Сув, таълим ва ҳамкорлик” лойиҳаси доирасида, унинг молиявий ёрдамида тайёрланган.

Ўқув қўлланмасида сув ресурсларини сув хўжалиги мажмуасининг қатнашчилари, яъни манфаатдор томонлар иштирокида сув объектлари ҳавзалари даражасида бошқариш ва режалаштириш асослари ёритилган. Ўқув қўлланмаси олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган. Мазкур ўқув қўлланмасига киритилган маълумотлар, шунингдек илмий ходимлар, маҳсус фан ўқитувчилари ҳамда Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари билан қизиққан мутахассисларнинг кенг доираси учун хам мўлжалланган.

В учебном пособии представлены основы бассейнового планирования и управления водными ресурсами на уровне бассейнов водных объектов с exfcnbtv отдельных участников водохозяйственного комплекса, т.е. заинтересованных сторон. Учебное пособие рассчитано для студентов высших учебных заведений. Материалы, включенные в учебное пособие, также могут быть полезными научным работникам, преподавателям, а также широкому кругу специалистов, интересующихся проблемами рационального использования и устойчивого управления водными ресурсами в Центральной Азии.

The textbook provides basics of on basin level water resources planning and management with active participation of stakeholders. The textbook designed for students of higher education institutions. Materials and information included into the textbook also useful for researchers, faculty members and wide range of specialists interested in problems of sustainable water resources management and its sustainable use in conditions of the Central Asia.

МУНДАРИЖА

	Мундарижа.....	4
	Асосий атамалар ва таърифлар	6
	Кириш.....	9
I-Боб	Сув ресурсларини бошқариш турлари ва даражалари.....	10
1.1.	Сув ресурсларини бошқариш тушунчаси.....	10
1.2.	Сув ресурсларини бошқаришдан мақсад	12
1.3.	Сув ресурсларини бошқаришнинг гидрологик жихатлари	20
1.4.	Сув ресурсларини бошқаришнинг сиёсий жихатлари	22
1.5.	Сув ресурсларини бошқариш турлари, даражалари ва эволюцияси	26
1.6.	Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чоралари	30
II -Боб	Ҳавзавий ташкилотлар ҳамда уларнинг сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш режаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдаги роли.....	33
2.1	Сув ресурсларини бошқаришда иштирок этувчи ҳавзавий ташкилотлар, уларнинг ташкил этиш зарурияти ва роли.....	34
2.2	Ҳавзавий ташкилотларнинг ташкил этилиши ва ривожланиши	37
III -Боб	Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш.....	57
3.1	Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг моҳияти ва афзалликлари.....	57
3.2	Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иктисодий, экологик асослари ва имкониятлари.....	72
IV -Боб	Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиши. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришни режалаштириш цикли.....	83
4.1	Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришни режалаштириш жараёни: Режалаштириш цикли.....	83
4.2	Стратегик назар. Стратегик назарни ишлаб чиқиш босқичлари.....	86
4.3	Мавжуд вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш.....	87
4.4	Мақсад ва вазифаларни аниқлаш.....	93
4.5	Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш режаси (Ҳавзавий режа) матнини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.....	96
4.6	Ҳавзавий режаларни муҳокама қилиш ва уларни амалга оширишда ҳавзавий ташкилотларнинг ўрни.....	97
4.7	Ҳавзавий режаларни амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш.....	98
4.8	Узоқ муддатли стратегик режалаштириш.....	99
4.9	Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш ва режалаштириш жараёнида баҳсли вазиятлар ва уларни бошқариш йўллари.....	104
V -Боб	Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишда иқтисодий барқарорликни таъминлаш.....	128
5.1	Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишда зарурий ҳаражатлар.....	128

5.2	Хавзавий режаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда эҳтимолий манбалар.....	130
5.3	Хавзавий режаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда молиявий манбаларни жалб этишнинг муқобил усул ва йўллари.....	134
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	140

Асосий атамалар ва таърифлар

антропоген юклама – Инсон ва халқ хўжалигининг атроф муҳитга умуман ёки унинг алоҳида компонентларига (ландшафтлар, тупроқлар, атмосфера, сув муҳити, биота ва б.) бевосита ва билвосита таъсирининг ўлчови;

ҳавзавий туман (сув хўжалиги тумани) – сув объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида бошқарувнинг асосий бирлиги бўлиб, дарё ҳавзалари ва улар билан боғлиқ бўлган ер ости сувлари объектлари ва денгизлардан ташкил топади. Ҳавзавий туманларнинг чегаралари уларнинг таркибиغا киритилган гидрографик бирликлар чегаралари ва ички денгизларнинг уларга туташган чегаралари ва мамлакат территориал денгизлари чегаралари бўйича белгиланади;

Йирик дарё – ҳавзаси бир неча географик ҳудудларда жойлашган ва гидрологик режими ҳар бир географик зонадаги дарёларга хос бўлмаган дарё;

Сув обьекти – сувлар доимий равишда ёки вақтинча тўпланадиган ва сув режимининг ўзига хос шакллари ва белгилари бўлган табиий (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар) ҳамда сунъий (очиқ ва ёпиқ каналлар, шунингдек коллектор-дренаж тармоқлари) сув оқимлари, табиий (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари) ва сунъий (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) сув ҳавзалари, шунингдек булоқлар ва бошқа обьектлар;

Сув хўжалиги обьекти — сув ресурсларини тўплаш, бошқариш, етказиб бериш, улардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилиш, ажратиб бериш ва муҳофаза қилиш мақсадида сув хўжалиги фаолияти амалга ошириладиган сув обьекти;

Сув режими – Сув обьектлари ва тупроқ-грунтда сув сатҳи, тезлиги, сарфи ва ҳажмининг вақт бўйича ўзгариши;

Сув ресурслари – Сув обьектларида мавжуд бўлган ва унинг миқдори ва сифатини вақт ва маконда бошқариш йўли билан фойдаланилган ёки фойдаланиш мумкин бўлган ер усти ва ер ости сувлари;

Сув муҳофазаси зonasи – Денгизлар, дарёлар, сойлар, канллар, сув омборлари, кўллар ва бошқа сув обьектлари қирҳоқларига туташган ва унда сув обьектларининг ифлосланиши, лойка босиши, сув ресурсларини барвақт камайиб кетиши ҳамда сув биологик ресурслари ва бошқа хайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш мақсадида хўжалик фаолиятини юритишнинг маҳсус режими ўрнатилган ҳудуд;

Сув истеъмоли (сувни истеъмол қилиш) — юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув

объектидан белгиланган тартибда олган ҳолда фойдаланиш;

Сув истеъмолчиси — ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув объектидан сув ресурсларини белгиланган тартибда олувчи юридик ёки жисмоний шахс;

Сувдан фойдаланиш — юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

Сувдан фойдаланувчи — сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

Сувларнинг заарли таъсири — сув тошиши, сув босиши, зах босиши ва сувларнинг ўзга таъсиrlари натижасида айрим табиий-хўжалик объектлари ва ҳудудларнинг ювилиши, бузилиши, лойқа чўкиши, ботқоқланиши, шўрланиши ва бошқа салбий ҳодисалар;

Сув хўжалиги мажмуаси — мавжуд сув ресурслари билан атроф муҳит ва барча ҳалқ хўжалик тармоқларини сувга бўлган талабини оптималь равишда қаноатлантириш имкониятини берувчи, сув ва сув билан боғлиқ табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни амалга оширувчи тадбирлар ва иншоатлар мажмуаси;

Сув хўжалиги мажмуаси қатнашчилари — бир сув ҳавзасининг сув ресурсларини биргалиқда истемол қилувчи ва улардан фойдаланувчи ҳалқ хўжалигининг турли тармоқлари;

Сув хўжалиги баланси – Сув хўжалиги мажмуи қатнашчиларининг дарё, ирригация тизимлари, сув хўжалиги туманлари ҳавзасида йилнинг турли сувлилик шароитларида сувга бўлган талабарининг мавжуд сув ресурсларига солиширилган ҳолда бажарилган ҳисоблари;

Сув хўжалиги районлаштирилиши – сув хўжалиги балансларини ишлаб чиқиш мақсадида гидографик бирликларни сув хўжалиги туманларига бўлиниши;

Сув хўжалиги тизими – сув объектлари ҳамда сув ресурсларидан рационал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни таъминлашга мўлжалланган сув хўжалиги иншоатлари мажмуаси;

Сув хўжалиги участкаси – дарё ҳавзасининг сув объектидан сув ресурсларини олиш лимитларини ва сувдан фойдаланишнинг бошқа параметрларини ўрнатиш имкониятини яратувчи характеристикага эга бўлган қисми;

Гидографик районлаштириш – мамлакат ҳудудини гидографик бирликлар – дарё, ирригация тизимлари ҳавзалари ва субҳавзаларга бўлиниши;

Гидографик бирлик – дарё, ирригация тизимлари ҳавзаси ёки дарё

ҳавзасининг асосий дарёсига қўшилувчи субҳавзаси;

Сув объектларининг давлат мониторинги - Давлат, турли ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар тассаруфида бўлган сув объектларининг ҳолатини ўзгаришини кузатиш, баҳолаш ва башорат қилиш тизими;

Давлат сув реестри – Давлат, турли ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар тассаруфида бўлган сув объектлари, улардан фойдаланиш ҳолати, дарё ҳавзалари ва ҳавза туманлари тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотлар тўплами;

Сувларнинг барвақт камайиб кетиши – ер усти ва ер ости сувлари захираларининг доимий камайиб ва сифатини ёмонлашиб бориши;

Сув сифати – сувнинг муайян мақсадларга яроқлилигини қўрсатувчи таркиби ва хоссалари характеристикаси;

Трансчегаравий сув объектлари — икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган сув объектлари;

Трансчегаравий сувлар — икки ва ундан ортиқ давлатлар чегараларини кесиб ўтадиган ёки шундай чегараларда жойлашган ҳар қандай ер усти ёки ер ости сувлари»

КИРИШ

Назарий жиҳатдан қарабанд сув ресурслари туганмасдир, чунки уларнинг умумий миқдори (сифатини эътиборга олмагандан) мавжуд талабларга нисбатан анча катта ҳамда чучук сувлар ресурслари сувнинг табиатдаги айланма ҳаракати жараёнида тикланиб, янгиланиб туради. Аммо сувни истеъмол қилиш шундай жадал суръатлар билан ўсмоқдаки, инсоният бугунги сув ресурслари тақчиллиги ва уларнинг сифатини ёмонлашиб бориши шароитида, ўзининг келажакдаги сувга бўладиган эҳтиёжларни қандай таъминлаш кераклиги ҳақидаги чуқур ўйга толмоқда. Бугунги кунга келиб сув ресурсларини барқарор бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш – дунёда бутун бошли минтақалар ва мамлакатларнинг барқарор иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи масалалардан бирига айланди. Мазкур масала сув ресурслари чекланган, иқтисодиёти ва ахолиси тез ўсиб бораётган (демак сувга бўлган талаби ортиб бораётган), иқлим ўзгариши таъсирлари тобора кўпроқ сезилаётган (яъни сув билан таъминланиш шароити мураккаброк бўлган) Марказий Осиё минтақасидаги янги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик реалликлар шароитида ўта долзарб ва янада муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Чекланган сув ресурсларидан хам иқтисодий ва хам экологик талаблар барқарорлигини таъминлаган холда фойдаланиш самарадорлигини ошириш замоннинг долзарб муаммосидир.

Истикболдаги ривожланиш имкониятлари кўп жиҳатдан мавжуд сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш даражасига, жамиятнинг сувдан фойдаланишга бўлган муносабатига бевосита боғлиkdir. Яқин келажакда сувга ўсиб бораётган талабларни - сув ресурслари бошқарувини такомиллаштириш, улардан фойдаланишни оқилоналаштириш ва ички захираларни топиш ҳисобига қондириш мумкин.

Таъкидлаш лозимки сув ресурсларини барқарор бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш ўзига хос мураккаб йўналиш бўлиб, нафакат давлат ташкилотлари балки жамиятнинг барча ва хар бир аъзосини доимий эътиборини талаб этади. Бугунги кунда мукобили бўлмаган энг муҳим хаётий ресурс хисобланган сув ресурсларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири - уларнинг “умумфойдаланувчи ресурс” эканлигидир. Яъни сувдан фойдаланиш жараёнида бир вактнинг ўзида миллионлаб сув истеъмолчилари иштирок этадилар. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг умумий самарадорлигини таъминлашга эришиш учун факат сув хўжалиги ёки унга тегишли бўлган ташкилотларнинг самарали фаолиятигина эмас, балки хар бир соҳада ва хар бир сувдан фойдаланувчи томонидан сувдан юқори самара билан фойдаланишга эришилиши муҳим аҳамият касб этади.

Сув хўжалигининг асосий вазифалари- ҳалқ хўжалигининг барча тармок ва соҳаларининг, шунингдек, атроф муҳитнинг талабларидан келиб чиқсан ҳолда уларни зарурий миқдордаги ва сифатдаги сув билан таъминлаш, шунингдек сув билан боғлик сальбий оқибатларни олдини олишни ўз ичига олади. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни бошқариш турли механизмлар жумладан техник, иқтисодий, ташкилий ва ижтимий механизмлар ёрдамида амалга оширилади.

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши, сув ресурслари ва сувга бўлган талабларни барқарор бошқариш, сув хўжалиги мажмуаси қатнашчилари, яъни халқ хўжалиги соҳаларида самарасиз сув истеъмоли микдорини қисқартиришга йўналтирилгандир. Мазкур масалада иккинчи йўналиш – сувдан фойдаланишнинг барча босқичларида катта микдордаги сув йўқотилишларига барҳам беришдан иборатдир. Бугунги кунда сув йўқотилиши ҳолати сув хўжалиги мажмуасининг барча қатнашчилари тизимларида хам учрайди. Сув ресурсларини бошқариш зарурияти қуидаги ҳолатлар билан белгиланади:

- мавжуд сув ресурсларининг чекланганлиги ва нотекис тарқалганлиги;
 - сувга бўлган талабнинг кескин ортиб бориши;
 - сув ресурслари микдорининг, уларнинг шаклланиш шароитлари ва манбаларига боғлик равишда вакт давомида ўзгарувчанлиги ва ўзгариш амплитудасининг катталиги;
- табиий ва антропоген омиллар таъсирида сув ресурсларининг ифлосланишининг кучайиб бориши;
- сув обьектларининг табиатга ва халқ хўжалиги обьектларига салбий таъсири (сув тошқини, сув босиши ва б.).

БМТ томонидан қабул қилинган ва 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган барқарор тараққиёт соҳасидаги ривожланиш Кун тартибини амалга оширишда сув ресурсларини интеграл бошқариш (СРИБ)га эришилиши муҳим аҳамият касб этади. СРИБнинг асосий мақсади барча мамлакатларнинг барқарор ривожланиши учун чучук сувга бўлган этиёжини қондиришдан иборат. СРИБ хар бир алоҳида ҳолатда ўзига хос хусусиятларга эга жараён сифатида кўрилади. СРИБнинг асоси сувдан фойдаланишнинг барча турларини ўзаро боғлиқлигини тан олишдан иборат. СРИБда сув ресурслари тақсимоти ва бошқаруви бўйича қабул қилинадиган ва барча манфаатдор томонлар томонидан мақбулланадиган қарорларда, сувдан фойдаланишнинг хар бир турини бошқасига бўлган таъсири ҳамда ҳавзаларнинг ижтимоий-иктисодий ва экологик ривожланиш мақсадлари хисобга олинади.

Шу тариқа СРИБнинг асосий мақсади – барча даражада сув ресурсларини барқарор бошқариш ва ривожлантиришдир. Ҳавзавий режалаштиришни қўллаш эса СРИБ таъминлашнинг энг муҳим шакли бўлиб, ушбу қўлланманинг асосини ташкил этади.

I- боб. Сув ресурсларини бошқаришнинг турлари ва даражалари

1.1 Сув ресурсларини бошқариш тушунчаси

Сув ресурсларини бошқариш тушунчаси остида сув ресурсларини вакт ва худудлар бўйича қайта тарқатиш, экологик барқарорлик талабларини ҳисобга олган ҳолда атроф мухит барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодиёт соҳаларининг сув ресурсларига бўлган (табиатнинг экологик ва жамиятнинг иқтисодий) талабларини оптимал равишда қондириш учун сув ресурсларини керак бўлган жойга, талаб этилган миқдор ва сифат билан зарур бўлган вактида етказиш тушунилади. Яна ҳам қисқароқ қилиб, сув ресурсларини бошқаришни - сув ресурсларининг вақт ва маконда табиий тарқалиши ҳамда сифат кўрсаткичларини режимини истеъмолчиларнинг талабларига мослаштириш жараёни деб талқин этилиши мумкин.

Кўпинча сув ресурсларини бошқариш - бу сувни имкон даражасида керакли вақтда ва керакли миқдорда керакли нуқтага етказищдан иборат деган содда тушунчага дуч келамиз. Аммо, сув ресурслари ҳамда уларга бўлган талабларнинг шаклланиши бўладиган табиий ва антрогопен, ташқи ва ички омиллар таъсиrlар оқибатида дунёда шаклланаётган тенденцияларни инобатга оладиган бўлсак хозирги даврда сув ресурсларини бошқариш анча мураккаб жараёндир. Шундай қилиб “Сув ресурсларини бошқариш” – табиат ва жамиятнинг зарурий сифатдаги ва миқдордаги сувга бўлган эҳтиёжларини доимий тарзда, барча вақт даврлари (оператив, йиллик, кўпийиллик ва истиқболли) бўйича таъминлаши лозим. Бошқача қилиб айтганда сув ресурсларини бошқариш сув ресурслари ва сувга бўлган талаблар ўртасидаги доимий мувозанатни таъминлашдан иборатdir.

Мазкур мувозанат юзаки қараганда жуда содда ва чукурроқ қараганда жуда мураккаб бўлиши мумкин. Ушбу мураккаб тизимда қуйидагиларни алоҳида ажратиб таъкидлаш мумкин:

- табиий сув ресурслари (ёғинлар, ер усти ва ер ости сувлари оқимлари), ҳамда инсониятнинг атропоген таъсиrlари остида вужудга келувчи қайтувчи сувлари. Мазкур ресурслар иқлиминг ўзгаришлари оқибатида таъсирида ўзгаришлари мумкин;
- иқтисодиёт тармоқларининг сувга бўлган (уларнинг қайтmas сув истеъмолини ҳисобга олган холдаги) талаблари;
- экологик шароит ва талаблар;
- ижтимоий мухит ва иқтисодий тараққиёт;
- сиёсий мухит.

Шу билан бирга қуйидагиларни назарда тутиш лозим:

- мавжуд сув ресурслари сувга бўлган талаблар билан мос келмайди;
- турли истеъмолчиларнинг сув истеъмоли муддатлари турлича бўлиб, бир бирга мос келмайди (масалан сугориш ва энергетика; рекреация ва балиқчилик ва ҳ.о.);
- сув сифатини ёмонлашуви. Мазкур ҳолат амалда жамият учун мавжуд тоза сув ресурсларининг миқдорини кескин камайтиради.

Энг мухими шундаки, сув ресурслари - бошқарувда алоҳида, ўзига хос

ресурс бўлиб, уларнинг хоссалари сувга бўладиган хар қандай таъсирлар ёки ундаги ўзгаришларни барча ўзаро боғлиқ бўлган мухитлар ва соҳаларга вақт ва маконда тарқалишига олиб келади.

Албатта, сув ресурсларини барқарор бошқаришда сувга бўлган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва экологик талаблар, бошқарувда аввалдан қўлланиб келинган декларациялар хамда бошқаришни ташкил этишининг қатый тартибига асосан барча сув ресурсларни жалб этиш, уларнинг шаклланиш шароитларини яхшилаш, бир вақтни ўзида сув ресурслари билан бирга сувга бўлган талабларни бошқариш имкониятларини кенгайтиришда катта роль ўйнайди. Сув ресурслари тизимидағи мураккаб ўзаро боғликларнинг барча жиҳатлари ўзаро узвий бирлиқда кўрилганда муаммолар нисбатан енгилроқ ечилади. Шунинг учун хар бир мамлакат доирасида сув ресурсларини бошқариш билан боғлиқ харакатларни мувофиқлаштириш, бирлаштириш ва боғлаш бўйича зарурият туғилади. Инсон ва табиат ўргасидаги рақобатни олдини олиш ва барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун қўйидаги ишлар амалга оширилиши зарур. Жумладан:

- вазиятни, трендлар ва потенциални баҳолаш учун:
 - маълумотлар ва уларнинг таҳлили
- ресурслар ва эҳтиёжларни башорат қилиш учун:
 - маълумотлар ва уларнинг таҳлили
- сув ресурслари маҳсулдорлигининг потенциал техник даражасига эришиш бўйича тадбирларни режалаштириш бўйича:
 - техник база;
 - техник ечимлар
 - молиявий ресурслар
 - бошқарувни ташкилий амалга ошириш бўйича
 - хуқуқий база
 - потенциал ташкилий тузилмалар
 - сув учун тўлов тизими, ресурслар
 - сувнинг ифлосланиши
 - сув истеъмолчиларининг иштироки
 - сувни тежамкор ишлатишдан моддий манфаатдорлик

Умуман сув ресурсларини бошқариш бўйича барча ҳаракатлар мамлакат миқёсида ва ҳавза даражасида барча гидрографик бирликлар доирасида мувофиқлаштирилиши лозим. Айнан шундай тизим Испанияда (1926 йилдан), Францияда, Голландияда ва дунёнинг бошқа қатор ривожланган мамлакатларида мавжуд. Бундай тизим 1926 йилдан Марказий Осиёда Зарафшон дарёси ҳавзасида хам мавжуд эди. Аммо яқин ўтган даврда мазкур тизим ўзгаририлиб, охир оқибат маъмурий худудий вилоят тизимига айлантирилган эди. Кейинги даврда эса минтақа мамлакатларида аста секин гидрографик ҳавзвавий тамойилга ўтиш тенденцияси кузатилмоқда.

1.2 Сув ресурсларини бошқаришдан мақсад

Сув ресурслари табиий мухитнинг ажralmas қисми ва инсоннинг физиологик эҳтиёжларини қондиришнинг тенгсиз манбаси ҳисобланади. Сув

ресурсларидан фойдаланиш инсоннинг яшашга бўлган хуқуқининг бир қисми бўлиши билан бирга у - инсон фаолиятининг барча турлари учун зарур ресурсдир. Ундан коммунал-маиший мақсадлар, шахар ва қишлоқларни сув билан таъминлаш, энергетика, саноат, хом ашё олиш ва қатор бошқа мақсадлар учун фойдаланилади. Сувдан шунингдек, транспорт, ҳаракат ва ёғоч оқизиш, спорт, тиббиёт-соғломлаштириш ва бошқа қатор мақсадлар учун ҳам фойдаланилади. Сув ресурсларига хос яна бир муҳим жиҳат уларнинг кўп сонли хосса ва хусусиятларга эга бўлиши ҳамда кўп сонли мақсадлар ва кўп сонли истеъмолчилар томонидан фойдаланиувчи ягона, муқобили бўлмаган умумфойдаланиувчи ресурс эканлиги билан боғлиқдир. Дунёдаги умумий сув захиралари қарийб 1,5 миллиард km^3 бўлгани ҳолда унинг 2% га яқин қисминигина чучук сувлар ташкил этади. Инсоният ўз эҳтиёжлари учун ишлатиши мумкин бўлган чучук сувлар ресурслари эса олимлар ҳисобларига кўра атиги 41 минг km^3 ни ташкил этади. Дунёдаги мавжуд чекланган чучук сув ресурслари – уларнинг тақчиллигини ортиши ва сифатининг ёмонлашиб бориши билан ҳам характерланади. Дунёда чучук сув тақчиллиги жиддий глобал муаммога айланиб улгурди ва оқибатда табиий мухит ҳолатининг ёмонлашуви, тирикчилик учун зарур воситаларнинг камайиши ва аҳоли касалланиши ҳолатларини ортишига сабаб бўлмоқда. Бугунги қунда асосий истеъмол маҳсулоти ҳисобланган сувнинг етишмовчилигидан дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида истиқомат қилувчи 2 миллиарддан ортиқроқ киши азият чекмоқда.

Сув билан боғлиқ энг асосий муаммо - мавжуд чекланган сув ресурсларининг тобора ошиб бораётган талабларга мос келмаслиги билан боғлиқдир. Дунёда сув хўжалик муаммоларининг асосий келиб чиқиши сабабларини:

1. Планетада чучук сув захираларини ўта чегараланган микдорда эканлиги;
2. Чегараланган чучук сув ресурсларининг қитъалар бўйича худудий жиҳатдан ўта нотекис таркалганлиги (бунинг оқибатида серсув ва камсув минтақалар ҳосил бўлиши);
3. Мавжуд, чегараланган, чучук сув ресурслардан нотўғри фойдаланиш оқибатида (антропоген омиллар) уларнинг ифлосланиши, яъни яроқли ҳолатдан яроқсиз ҳолатга ўтиб қолиши билан изоҳлаш мумкин.

Сув ресурсларидан бир вақтда миллионлаб истеъмолчилар ўзларининг турли туман эҳтиёжлари учун фойдаланадилар. Сувнинг турли фойдали хосса ва хусусиятларидан фойдаланишда нафақат кишилик жамиятининг иқтисодий ва атроф-муҳит барқарорлиги учун зарур бўлган экологик эҳтиёжлари ўртасида, балки алоҳида истеъмолчилар ва ҳатто мамлакатлар манфаатлари ўртасида зиддиятлар юзага келади. Зиддиятлар сувнинг миқдори, сифати ёки режими (сувнинг керакли микдорда ва зарур сифат кўрсаткичларида мавжуд бўлиш вақти ва муддати) кўрсаткичлари бўйича юзага келиши мумкин. Тарих бундай зиддиятларнинг жуда кўпларига шоҳид бўлган.

Чекланган сув ресурслари танқислиги эса сувга бўлган талаб ортиб борган сари кескинлашиб бориши табиий. Сув билан боғлиқ муносабатларнинг

ривожланиш таърихига эътибор қаратилса унинг асосан икки даврни ўз ичига олганлигини кўриш мумкин. Уларнинг биринчиси тахминан XX-асрнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз чига олади. Бу давр асосан мавжуд сув ресурсларига нисбатан уларга бўлган эҳтиёжни камлиги (аҳоли сони кам – 2.5 млрд киши, иқтисодиёт ривожланмаган), инсониятда фақат ўша давргагина тўғри келувчи "сув ресурслари чексиз, у тугалланмас табиий ресурс, бу худонинг инсонларга инъоми, ундан хохлаганча фойдаланиш мумкин, у тугамайди, дарё сувини олиб ишлатиш унинг микдорига таъсир этмайди, сувни сифати хам узгармайди, чунки у етти маротаба думаласа яна тоза булиб колади" деган нотўғри (ёки айнан ўша, сув ресурслари сувга бўлган талаблар микдоридан анча катта бўлган давр учунгина тўғри) фикр ёки тушунча одамлар онгидан ўрин олишига асос бўлган эди. Сув билан боғлик муносабатларни ривожланиш тарихининг иккинчи босқичи эса XX-асрнинг ўрталарида, яъни 2-нчи жаҳон урушидан сўнг тинч хаётни бошланиши, катта-катта майдонларни ўзлаштирилиши, саноатни ривожланиши, аҳоли сонини кескин ошиб бориши натижасида сув ресурсларига бўлган талабнинг кескин ортиши билан характерланади, Мавжуд сув ресурслари деярли тўлиқ ўзлаштирилиб, энди келажакни кайси сув ресурслари хисобига таъминланади деган савол кун тартибига кириб кела бошлади. Сув ресурсларини халк хўжалигида катта микёсда ишлатилиши сув балансини ўзгартириди ва сув объектларини ифлосланишига олиб келди. Инсоният томонидан кичик майдонларни ўзлаштирилиши ва суғориш учун сув олиниши ёки бошка ишлаб чиқариш максадлари учун кичик хажмда сув ишлатилиши билан боғлик бўлган таъсирларни ва XX-асрнинг эллигинчи йилларидан кейинги даврда катта майдонларни ўзлаштириши хамда халк хужалик тармокларини кенг микёсда ривожланиши билан боғлик атроф-мухитга таъсири окибатларини билан таққослаб бўлмайди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёдаги барча касалликларнинг 80 фоизи сув туфайли ёки сув орқали тарқалади. Шундай килиб, сув ресурсларини барқарор бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш заруриятининг биринчи сабаби илмий техник тараққиёт, халк хўжалиги тармокларининг интенсив ривожлантириши бўлса, унинг иккинчи сабаби - озиқ-овқат муаммосидир. Юқорида таъкидланган сувга бўлган муносабатларнинг ривожланиш тарихининг иккинчи босқичи даврида ҳам сувга биринчи босқичидаги муносабатларга таянган ҳолда "Табиатни инсон измига буйсиндириш" жараёнида қўйилган ҳатолар оқибатида планетада бугунги кунга келиб сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммоларини чамбарчас боғловчи чучук сув муаммоси пайдо бўлди. Бугунги кунда чучук сув муаммоси ўзида сув, тинчлик ва хавфсизлик шартларини мужассам этган, нафақат алоҳида мамлакатлар балки бутун бошли минтақаларнинг барқарор тараққиётини белгилаб берувчи муаммога айланди. Шунинг учун янги шароитларда умумий ва чекланган сув ресурсларидан биргаликда барқарор бошқариш, улардан самарали фойдаланиш, уларга бўлган муносабат масаласига муносиб эътибор қаратиш зарурияти – ўзаро чамбарчарс боғлик сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммосини ўзида мужассамлаштиради.

Марказий Осиёning умумий чекланган сувлари масаласига ўтсак аввало таъкидлаш лозимки Орол денгизи ҳавзаси деб номланувчи бизнинг минтақамиз айнан чучук сув ресурсларининг қитъалар бўйича худудий жиҳатдан ўта нотекис таркалиши (табиий омил) оқибатида шаклланган чекланган сув ресурсларига эга берк ҳавза ҳисобланади. Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурслари табиий холда шаклланадиган ва кайта тикланиб турадиган ер усти ва ер ости сув ресурслари хамда қайтариладиган сувлардан ташкил топган. Орол денгизи ҳавзасининг умумий ўртача кўп йиллик сув оқими 115.6 км^3 ни ташкил этади, шу жумладан Амударё буйича - 78.5 км^3 ва Сирдарё буйича - 37.1 км^3 га тенг. Мавжуд умумий сув ресурслари минтақада яшувчи 60 миллиондан кўпроқ аҳолининг ҳаётий неъмати, минтақа барқарор тараққиётининг мухим асосларидан бири ҳисобланади. Трансчегаравий сув объектлари мақомига эга бўлган Амударё ва Сирдарё дарёларининг ўртача кўп йиллик сув оқим микдори катта диапазонда ўзгариб турибди. Умумий чекланган сув ресурслари минтақа мамлакатлари томонидан биргаликда иқтисодий ва экологик эҳтиёжлар учун фойдаланилади.

Сувга бўлган эҳтиёж ахоли зичлиги ва бу сувни олиш учун талаб этиладиган харажатларнинг микдорига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Сувга эҳтиёж сувга бўлган талабдан фарқ қиласи. Сувга бўлган талаб белгиланган ва ўзгармайди, ва сувнинг мавжуд микдори ва нархига боғлиқ бўлмайди. Масалан, ўсимликлар учун талаб этилган сув одатда ўсимликларнинг яшashi учун зарур бўлган сув микдорига тўғридан-тўғри боғлиқ. Сувга бўлган эҳтиёжлар – хар қандай мамлакатда устун бўлган хукуқий тизим, инстуционал чекловлар, урф-одатлар ва анъаналар, дин, иқтисодий ва молиявий афзалликлари каби қатор ижтимоий-иктисодий омилларга боғли ҳолда ўзгариб туриши мумкин. Иқлим - сувга бўлган эҳтиёжга таъсир кўрсатувчи бошқа омил. Масалан қурғоқчил зоналар намарчилик катта бўладиган зоналарга нисбатан кўпроқ сув талаб этади. Нихоят, сувга бўлган эҳтиёжга сувнинг сифати ҳам таъсир кўрсатади. Таркибида кўп микдорда туз бўлган сувдан майший ёки қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилмайди. Суғориш мақсадлари учун сувга бўлган эҳтиёж микдорига тупроқнинг зичлиги, структураси, сув ўтказувчанлиги, унумдорлиги, минераллашуви, дренаж ва топографияси каби характеристикалари ҳам ўз таъсирини ўтказади. Сув ресурслари иқтисодий тараққиёт ва экологик барқарорликка тўғридан-тўғри таъсир этади. Мавжуд сув микдорининг унга бўладиган истиқболли эҳтиёжларни қондириш учун етарли бўлишини таъминлашга уч омил ёрдам беради. Булар, сувдан фойдаланиш унинг йуқотишларини камайтириш хисобига яхшиланиши мумкин, иккинчидан сувнинг қайта тарқатилиши ва ниҳоят янги сув лойихалари, янги сув манбаларини яратилиши ва очилиши сувнинг адолатли тарқатилиши ва иқтисодий тараққиётга ёрдам бериши керак.

Сув ресурсларини бошқаришнинг максади - мавжуд сув ресурслари ва уларга жамиятнинг, табиатнинг талабларини хажм, сифат ва вақт бўйича доимий мувозанатига эришиш ҳисобланади.

Сув ресурсларини бошқариш – кенг мазмунда сув тақсимотини таъминлаш билан боғлиқ барча - сиёсий, хукуқий, ижтимоий-иктисодий,

техник-технологик ва бошқа функциялар спектрини, яъни сув ҳокимияти (бошқаруви, қарорлар қабул қилиш) ва сув ресурсларини бошқариш (тор мазмунда) тушунчаларини ўз ичига олади. Сув ресурсларини бошқаришни айнан сув ҳокимияти босқичида сув хўжалиги мажмуасининг турли иштирокчиларини фаол демократик иштироки таъминланади ва қабул қилинган қарорларнинг барқарор бўлишига хизмат қиласди. Иккинчи босқичда эса, яъни сув ресурсларини бошқариш (тор мазмунда) босқичида қабул қилинган қарорларнинг ижроси таъминланади. Шундай қилиб сув ресурсларини бошқариш (кенг мазмунда) икки босқичдан, яъни сув ҳокимияти (биринчи босқич) ва сув ресурсларини бошқариш (тор мазмунда – иккинчи босқич) ни ўз ичига оловчи жараёндан иборатdir.

Сув ресурсларини бошқариш – тор мазмунда сув ресурсларининг тарқатиш ҳамда сув хўжалиги тизимларини ишчи ҳолатни таъминлашга қаратилган техник, технологик, молиявий ва ташкилий тадбирларни режалаштириш ва амалга оширишни ўз ичига оловчи фаолиятdir. Буни «эксплуатация» сўзининг синоними сифатида ҳам қаралади.

Сув ресурсларини бошқариш турлари (кенг мазмунда)

Сув ресурсларини (таклифни) бошқариш – вазифаси институционалга нисбатан кўпроқ инженерлик масаласи ҳисобланади. Сув ресурсларини бошқариш – сув хўжалиги инфратузилмасини (тўғонлар, сув омборлари, каналлар, коллекторлар ва бошқ.) яратиш ва модернизация қилишга кўпроқ урғу бериладиган тузилмавий (техник) ёндашув билан характерланади. Сув хўжалиги ривожининг дастлабки босқичларида иқтисодий тизимнинг туридан қаттий назар одатда кўпроқ сув ресурсларини бошқаришга урғу берилади.

Сувга бўлган талабни бошқариш – вазифаси нисбатан кўпроқ институционал масала ҳисобланади. Сувга бўлган талабни бошқариш фаолияти мақсадга эришишнинг ноструктуравий, яъни техник объекtlарга эмас балки инсон компонентига воситаларига таяниши билан характерланади. Сувга бўлган талабни бошқариш - бир томондан сувга бўлган талабни шакллантиришда иштирок этувчи (фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа эгалари ва бошқа сув истеъмолчилар) ва иккинчи томондан сув ресурсларини бошқаришда иштирок этувчи (сув хўжалиги ташкилотлари ходимлари) одамларга таянади.

Сув ҳокимияти ва унинг функционал даражалари

Сув ҳокимиятининг (руководство водой –water governance) қўйидаги функционал даражаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Конституциявий (ташқи сув ҳокимияти)
- Ташкилий (ички сув ҳокимияти)

Ташқи сув ҳокимияти – қонунлар қабул қилиш, мулкчилик ҳуқуқларини тартибга солиш, бозор муносабатларини жорий этиш (сув хизмати учун тўлов), инвестициялар, субсидиялар, солиқлар бўйича имтиёзлар бериш каби механизмлар воситасида амалга оширилади.

Ички сув ҳокимияти – молиявий ресурсларни тарқатиш, сув лимитларини белгилаш, ташкилотларнинг тузилмасини, штатларни, маошларни тасдиқлаш,

йўриқнома ва кўрсатмаларни жорий этиш механизмлар воситасида амалга оширилади.

Масалан магистрал каналлар даражасидаги сув ҳокимияти функциялари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Канални бошқаришнинг истиқболли ривожлантириш режаларини мувофиқлаштириш;
- Сув тарқатиш режаларини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш
- Ифлослантириш лимитларини мувофиқлаштириш
- Таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш режаларини мувофиқлаштириш
- Бюджет ва штатни мувофиқлаштириш
- Канал бошқармаси бошқарувчиси лавозимига номзод(лар)ни киритиш
- Сув хизматлари харажатлар, сув хизматлари учун тўловлар ҳамда тўловлар йигими мониторингини мувофиқлаштириш
- Канал бошқармаси ва сувдан фойдаланувчилар, ҳамда сув истеъмолчилари ўртасидаги бахсли масалалар ечимини топиш (бахсли масалаларни канал бошқармаси еча олмаган ҳолларда)

Магистрал каналлар даражасидаги сув ресурслари бошқаруви функциялари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Сув тақсимоти режаларини тузиш ва уларни корректировка қилиш;
- Сувдан фойдаланиш режаларини амалга ошириш;
- Канал бошқармаси бюджетини ишлаб чиқиш;
- Инфратузилмани эксплуатация қилиш ва унга техник хизмат кўрстаиш
- Сув тақсимотини баҳолаш ва мониторинг қилиш;
- Канал бошқармаси ва сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилари ўртасидаги бахсли масалаларни ҳал қилиш.

Магистрал каналлар даражасида сув ҳокимияти ва сув ресурсларини бошқариш органлари қўйидагилардан иборат:

Сув ҳокимлиги органлари:

1) ташқи ҳокимлик: Президент, Парламент, Хукумат (Вазирлар Маҳкамаси).

2) ички ҳокимлик: Вазирлик, Бош бошқарма, ИТҲБ, Кенгаш.

Сув ресурсларини бошқариш органларига мисоллар тариқасида ЖФКБ, АМКБ ва х.о.ларни келтириш мумкин.

Умуман жамиятни давлат ва фуқаролик жамиятига ажратиш шартли характерга эга. Конкрет ҳолатларда бир хилдаги шахслар ва ташкилотлар ҳам давлатнинг ҳам фуқаролик жамиятининг вакиллари сифатида фаолият кўрсатишлари мумкин. Давлат ва жамиятнинг роллари нисбати бошқарув жараёнида ички (жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва руҳий тараққиёти даражаси) ва ташқи омиллар (хавфсизлик даражаси) билан уйғунлашган бўлиши лозим. Сувдан фойдаланиш муаммоларини муаммоларини фуқаролар жамияти ва давлатнинг (давлат тор маънода) ўзаро муносабатлари муаммоларидан айро кўриб бўлмайди. Давлат (тор маънода) – инсониятнинг

тариҳий ривожланиши давомида фуқаролик жамиятини бошқариш учун пайдо бўлган жамият устидаги хокимлик тузилмалари (сиёсий ва маъмурий институтлар) кўринишидаги устқурмадир. Бундай уйғунликнинг бузулиши масалан «демократиянинг ҳаддан ошиб кетишига», хукumatни заифлашиб кетишига ва натижада асосий мақсад бўлган – самарали бошқарув ва мос равишда барқарор ривожланиш мақсадларига эришилмай қолишига олиб келиши мумкин. Худди шунингдек «кучли хокимият – заиф фуқаролик жамияти» ривожланишда турғунликка олиб келиши мумкин.

Сув ресурсларини бошқариш икки йўналишда амалга оширилади:

- сув ресурслари микдорини бошқариш;
- сув ресурслари сифатини бошқариш.

Сув ресурслари микдорини бошқараётганда истеъмолчилар томонидан ўрнатилган доира ва ўлчамларнинг ўртача хажмларини хисобга олиш, шунингдек, хар бир истеъмолчи характеристикасини, у ёки бу тадбирни ўтказиш заруриятини асослаган холда ўрганиш лозим бўлади.

Сув ресурслари сифатини бошқараётганда эса истеъмолчилар талабларига асосланиш керак. Амалда турли истеъмолчилар сувнинг сифатига риоя қилиниши шарт бўлган белгиланган талабларни қўядилар.

Сув ресурсларини бошқаришнинг оддий ва мураккаб кўринишлари мавжуд.

Оддий бошқарув тушунчаси остида шундай бошқарув тушуниладики, бунда сув ресурсларини сифат ва миқдор жихатидан сув иншоотлари ва техник воситалар ёрдамида вақт мобайнида қайта тарқатишни амалга оширмасдан истеъмолчига етказилади ёки йўл-йўлакай сув объективининг алоҳида фойдали хосса ва хусусиятларидан фойдаланилади. Сув ресурсларининг сифатини оддий бошқариш – бу шундай бошқарувки, бунда истеъмол қилишдан олдин сув, ундаги муаллак заррачалар ва сузуб юрувчи юрувчи моддалар чўкиши учун тиндириллади, заарсизлантирилади ва кейин турли иншоотлар ёрдамида истеъмолчига етказилади.

Мураккаб бошқарув тушунчаси остида сув ресурсларини истеъмолчига етказишдан олдин уларни тайёрлаш талаб этиладиган бошқарув ётади. Иншоотлар ёрдамида (сув омборлари, ер ости сифимлари) сув ресурсларининг вакт давомида қайта тарқатилиши амалга оширилади ҳамда сув микдори ва сифати ўзгаришининг режими сув истеъмоли жадвалига бўйсундирилганидан кейингина турли иншоотлар ва техник воситалар ёрдамида (каналлар, лотоклар ва б.) истеъмолчига етказилади.

Сув ресурслари сифатини мураккаб бошқарилишида сув сифатини яхшилашнинг маҳсус усувлари каби комплекс тадбирлар амалга оширилади: сувдан унинг таркибидаги ортиқча микдордаги туз ва газларни йўқотиш; сувни юмшатиш, темирсизлантириш, фторсизлантириш, марганецни чиқариш, кремний кислотасини чиқариш; сувнинг органолептик хусусиятларини яхшилаш ёки унинг таркибидаги микроэлементларни кўпайтириш максадида сувга у ёки бу тузларни қўшиш (фтор ва б.).

Сув ресурсларини, жумладан ер усти сувларни - сув омборлари ва каналлар қуриш, оқимни бошқа худудга ўтказиш ва бошқа услублар билан, шунингдек ер ости сувларини - ер ости сифимларидан фойдаланиш билан

бошқариш мумкин ва зарур. Дунё амалиётида атмосфера ёғинларини бошқариш бўйича ҳам катта тажриба тўпланган.

Марказий Осиёдаги сув ресурслари муаммоласининг кескинлиги минтаقا мамлакатлари томонидан ортиб бораётган сув танқислиги билан боғлик бўлган тангликнинг олдини олишга қаратилган. Сувдан фойдаланишиниadolatli ва барқарор бошқариш стратегик ёндошувни талаб килади. Сув Марказий Осиёнинг умумий ресурси хисобланади. Ирригация, гидроэнергетика сув таъминоти ва санитария тармоқларидаги сув хўжалиги инфраструктураси сувдан фойдаланишининг институционал, молиявий ва бошқарув тизимлари соҳаларидаги муайян сиёсатга боғлик равишда ўзгаради.

Бахоланмаган сув ресурслари кўпинча ноаниқ таксимланади, самарасиз бошқарилади ва йўқотилади. Капитал маблағлар киритишнинг асосланмаган дастури ва соҳани норационал бошқариш тақчил ресурсларнинг нопропорционал ишлатилишига олиб келиши мумкин. Сув ресурсларига миллий ва тармоқ микёсларида бир томонлама қарашлар ва сув ресурсларининг ошиб бораётган танқислиги ҳозирги кунда ортиб бораётган мураккаб муаммолар хисобланади. Айникса ижтимоий ва сиёсий баҳслар, дарё ҳавзаларининг турли қисмида жойлашган мамлакатлар учун иқтисодий муаммоларни келтириб чиқараётган муаммо хисобланади. Марказий Осиёнинг барча давлатлари сув ресурсларини бошқариш бўйича умумий муаммолар мавжуд, жумладан:

- Хукукий ва бошқариш меъёрларининг, шунингдек тежамли, ижтимоий йўналтирилган ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларига барқарор муносабатда бўлган ва сув ресурсларини барқарор бошқаришга қодир бўлган институтларнинг етишмаслиги;
- Сувдан фойдаланиш бўғини реал иштирокчиларининг сув ресурсларини бошқариш жараёнида ва масъулиятида етарли иштирок этмаслиги;
- Инфраструктуранинг катта қисми ўзининг иқтисодий ва манан эскириш даврига етиб келганлиги сабабли сув хўжалиги соҳасида тизим ҳолатининг ёмонлашуви, оператив самарадорликнинг пастлиги, инфраструктурага ва сув таксимотига кетадиган харажатларининг тез ортиб бориши;
- Йўқотишлар ва сув танқислигига олиб борувчи сув ресурсларини номутаносиб бошқариш ҳолатлари;
- Дарёларнинг қути ва юқори оқимларидаги мамлакатлариаро ҳамда тармоқлараро қарама-қаршиликлар;
- Сув ресурсларининг тўғрисидаги маълумотлардаги ноаниқликлар (метеорология, сизот сувлари захираси, гидрологик башоратлаш масалалари)

Шундай қилиб, сув ресурсларини бошқаришнинг замонавий таърифи қўйидагича:

Сув ресурсларини бошқариш - жамият ва табиатниниг керакли сифат ва миқдордаги сувга бўлган эҳтиёжини барча макон ва вакт кесимларида мунтазам қондириши (оператив, йиллик, кўп йиллик ва

истиқболли миқёсларда) дан иборат. Бошқача сўз билан айтганда, сув ресурсларини бошқариши- сув ресурслари ва унга бўлган эҳтиёжларининг мувозанатини мунтазам сақлашидир.

1.3. Сув ресурсларини бошқаришнинг гидрологик жиҳатлари

Назарий ва амалий жиҳатдан маълумки сув хўжалиги соҳасининг барча мутахассислари барча турдаги сув ресурсларини - моддаларнинг харакатланиши ва мувозанати қонунига асосан гидрографик ҳавзалар доирасидаги гидрологик цикларга боғликлигини яхши билишади. Аммо уларни барчалари хам буни ўз фаолиятларида инобатга олмайдилар. Сув ресурслари гидрографик ҳавзалар доирасида шаклланади, харакат қиласи, қайтади ва қайта фойдаланилади. Бу жараёнларнинг барчаси узвий ўзаро боғликларда кечади.

Хар бир гидрографик ҳавза ўзининг асосий дарё ўзани, унинг дарёгача етиб борувчи ва етиб бормайдиган ирмоқлари, ер ости сувларининг динамик захиралари ҳамда шаклланадиган қайтувчи сув ресурсларига эга. Дарёнинг табиий сувлилиги унинг ҳавзасига ёғувчи ёғингарчилик ва мазкур ҳавзадан амалга ошадиган буғланиш, оқим модули шаклланиши, музликлар ва қор қатламларидан шаклланадиган оқимлар ҳамда ер ости сувлари оқимларига боғлик бўлади.

Ҳавза ҳудудида мавжуд бўлган сув ресурсларининг умумий баланси сувнинг табиий оқиб келадиган ва оқиб кетадиган оқимлари ҳамда инсон томонидан табиатга қайтарилаётган оқимнинг антропоген ташкил этувчи қисмларидан иборат бўлади. Сув балансининг мазкур ташкил этувчилари шу қадар турли даражадаки уларни санаб ўтиш мушкул, бироқ уларнинг бари мавжуд ва улар ўзлари билан боғлиқ мухитларга таъсир этади.

Уларни тизимлаштиришга ҳаракат қиласиз:

Ўзгариш, натижа, оқибат:

- сув йиғилиши ҳавзасида ўрмонларнинг кўпайиши (ёки камайиши)
- грунт сувлари сатхининг пасайиши (кўтарилиши)
- сув ҳажми ва оқимининг йил давомидаги тарқалишининг ўзгариши;
- эрозиянинг кўпайиши (ёки камайиши);
- сув ресурсларининг шаклланиш зонасида дехқончилик, шу жумладан суғорма дехқончилик, миқёснинг катталашуви;
- ерлар маҳсулдорлигини ошиши;
- сув лойқалигини ортиши;
- пастки горизонтларга сув оқимини ортиши ва қуйида жойлашган ерларда ер ости сув сатхининг кўтарилиши;
- суғориш ва бошқа мақсадлар учун ер усти сувларини олишни кўпайиши;
- сув олиш нуқталаридан пастда сув оқимининг камайиши;
- дарёда сув сифатини ёмонлашиши;
- қайтувчи сувларни шаклланиши;
- грунт сувлари оқимини кўпайиши ва уларнинг сифатини ўзгариши;
- тупроқ сифатини ўзгариши;
- дельтага етиб борувчи ер усти сувларнинг камайиши;

- дельтага етиб борувчи ер усти сувларнинг камайиши – грунт сувлари сатхини пасайиши;
- инфильтрацион ёғинлар миқдорини ортиши;
- оқим модулининг ўзгариши;
- аэрация зонаси ва сув истеъмоли ҳажмининг ортиши;
- ифлосланган сувларни дарёларга ташланиши – дарёларда сув сифатини ёмонлашуви;
- тўғонлар қурилиши – сув ҳавзалари сатҳидан буғланиш миқдорини ортиши;
- сув ҳавзаларида сувни туриб қолиш ҳодисалари;
- лойқа босиши;
- дарёда сув лойқалигининг камайиши;
- сув оқими режимини ўзгариши;
- дарёларнинг қишики режимини ёмонлашуви;
- грунт сувларига оқимни ортиши;
- сув босган зоналарни ҳосил бўлиши;
- каналларда сув билан ювилиш ҳодисасининг кўпайиши.

Бироқ, чув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилишда гидроэкологик барқарорлик шартидан келиб чиқиб, аниқ мезонлар ишлаб чиқилса ва унга амал қилинса, юкорида санаб ўтилган ўзгариш ва таъсирларнинг барчасини муайян даражада тартибга солиниши мумкин. Бунда:

- дарё ва уни тўйинтирувчи сув йигилувчи худуд ўртасида сув ва туз алмашинуви минимумга интилиши лозим;
- аэрация зонаси ва грунт сувлари ўртасида сув ва туз алмашинуви нолга интилиши лозим;
- дарёдан олинадиган жами сув ресурслари миқдори, уларнинг табиат талабларга (дарё дельтаси, сув ботқоқли худудлар ва х.о.) зарар етказмайдиган лимитидан ортиб кетмаслиги лозим.

Мазкур барча мезонларга нафақат ўртача сувли, балки кам сувли ва кўпсувли йилларда хам амал қилиниши маълумотлар, башорат ва моделларнинг аниқлигини, шунингдек ҳавза ва унинг алоҳида қисмларида сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланишда қатъий тартибни талаб этади. Афсуски амалда кўпинча ҳатто алоҳида мамлакатлар миқёсида ҳам мақсадли равища дисбаланс ва сув таъминотининг ўзгариши холатлари вужудга келмоқда.

Табиий ва антропоген ноаниқликлар параметрлари ҳавзаларни гидрографик бошқаришда сезиларли даражадаги мураккабликлар келтириб чиқармоқда. Амалда гидрографик ноаниқликнинг учта тури мавжуд:

- оқимнинг табиий ўзгарувчанлиги;
- билимларнинг етарли эмаслиги, маълумотлардаги ноаниқликлар ёки уларнинг етишмаслиги туфайли йўл қўйилган хатоликлар;
- моделларнинг етишмаслиги ва улардаги хатоликлар миқдори;
- ўлчов тизимининг ривожланмаганлиги, улардаги хатоликлар, апроксимацияда қўлланилган нотўғри формалар ва х.о.;

- дарё ёки унинг ҳавзасини бошқариш бўйича қабул қилинган қарорлардаги дарё ёки ҳавзанинг бошқа бўлимларидағи ўзгаришларга, жумладан ер усти ёки ер ости сувларидағи ўзгаришларга олиб келувчи ноаниқликлар.

Сўнгги даврда минтақада информацион таъминот даражаси ҳатто миллий миқёсларда хам бир оз пасайди. Ҳатто йирик дарёларда ҳам гидрометеорологик постлар сони камайди. Сув сифати тўғрисидаги маълумотлар эса жуда кам. Маълумот алмашинуви нафакат мамлакатлар ўртасида балки мамлакатлар ичида хам етарли эмас. Буларнинг барчаси бошқарувдаги ноаниқликларни ошишига сабаб бўлмоқда. Натижада минтақада 2000 йилги қурғоқчиликни (кам сувлиликни) олдиндан аниқлаш имкони бўлмади ва Сирдарё ва Амударё ҳавзаларининг айрим худудларида катта заарлар кўрилди.

1.4. Сув ресурсларини бошқаришнинг сиёсий жиҳатлари

Барча мамлакатларнинг, шу жумладан Марказий Осиёдаги беш мамлакатнинг конституцияларида иқтисодиёт ва жамиятнинг сувга бўлган талабини қондириш давлатнинг мажбурияти эканлиги таъкидланган. Бу тушунарли албатта, чунки сув озиқ овқат маҳсулотлари каби инсоннинг ҳаёт фаолиятини таъминловчи асосий омилдир. Шундай бўлсада мамлакатларнинг сув ресурсларини бошқариш масалаларига ёндашувларида ўзига хос фарқлар мавжуд. Сув ресурсларини бошқаришнинг айрим сиёсий жиҳатлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Сув ресурсларининг шаклланиши, уларни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш, шунингдек сув ресурсларини мамлакат миқёсдаги тақсимотини амалга ошириш шубҳасиз давлат органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалардир. Шу билан бирга давлат яна бир қатор сув ресурсларини бошқариш билан боғлиқ бошқа асосланган сиёсий функцияларни ҳам амалга ошириши лозим.

Сув ресурсларини бошқариш бир неча иерархик даражаларда амалга оширилади ва бу даражалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- миллий даражада;
- вилоят, ҳавзвавий ёки субҳавзвавий даражада;
- туман тизими даражаси;
- сув истеъмолчилари, сув истеъмолчилари уюшмалари ва сувдан фойдаланувчилар даражалари.

Сув ресурсларини бошқаришдаги биринчи тамойил маъмурий-худудий деб номланади ва у барча мамлакатларда маълум даражада мавжуд. Мазкур тамойилнинг асосий камчилиги ҳавзалар чегараларининг маъмурий чегараларга мос келмаслиги билан боғлиқ. Мазкур тамойил асосида ҳавза даражасида сув ресурсларини бошқариш ҳамда аниқ режалаштириш имкониятлари йўқ. Бу эса ўз навбатида сув ресурслари тақсимотини нотекис амалга оширилиши ва сув ресурсларини самарали бошқарилмаслигига, жумладан ташкилий сув исрофларининг ошиб кетишига олиб келади.

Сув ресурсларини бошқаришдаги иккинчи тамойил гидрографик-ҳавзвавий тамойил деб номланади. Мазкур тамойил бўйича сув ресурсларини бошқариш бўйича қарорлар ҳавза ва тизимлар бўйича қабул қилинади ва амалга

ошишилади. Бу жараёнда вилоятлар ва туманлардаги сув истеъмолчилари ўз вакиллари орқали сув ресурсларини бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишда демократик асосларда иштирок этишади. Ушбу тамойил ҳозирда бутун жаҳонда тан олиниб кенг қўлланилмоқда. 2003 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳам сув ресурсларини бошқариш маъмурий-худудий тамойилдан гидрографик-ҳавзвавий тамойилга ўтказилди. Бунда давлатнинг асосий ролларидан бири мамлакат даражасида сув ресурсларини бошқариш билан боғлиқ масалаларнинг асосини белгилаш ва сув ресурсларини барқарор бошқариш бўйича қулай сиёсий мухитни яратишдан иборат бўлади.

Давлатнинг сув хўжалигини молиялаштиришдаги роли жуда муҳимdir. Хеч бир ривожланган мамлакат сув ресурсларини бошқариш билан боғлиқ молиялаштириш юки оғирлигини тўлалигича сувдан фойдаланувчилар елкасига юкламайди. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин:

- АҚШ тажрибаси. Сув ресурсларининг муҳофазаси, йирик сув хўжалиги тизимларини бошқариш, сув ресурсларининг шаклланиши ва уларни бошқариш ҳамда молиялаштириш масалалари “дистрикт”лар (бу тахминан бизнинг шароитимиздаги ирригация тизимлари бошқармасига тўғри келади) даражасигача АҚШ Мелиорация Бюроси, штатлар хизматлари, АҚШ табиатни муҳофаза қилиш агентлиги ҳамда штатлараро ташкилотлар воситасида давлат томонидан амалга оширилади. Сув истеъмолчилари сув ва ирригацион “дистрикт”ларга бирлашадилар ҳамда сув хизматлари учун уларнинг худуди доирасида тўловни амалга оширадилар;

- Канада тажрибаси. Худди юқоридагига ўхшаш тажриба. Канада тажрибаси АҚШ тажрибасидан фермер ва бошқа сув истеъмолчиларининг сув хўжалигини янгилашга йўналтирилган капитал қўйилмаларни 25 фоизи доирасида тўловдаги иштироки билан фарқ қиласи;

- Голландия тажрибаси. Сув хўжалигини бошқариш, ривожлантириш ва реонструкция қилиш ишлари сув таъминоти ва дехқончилик соҳасида сув истеъмолчилари даражасигача бўлган бўғинда давлат томонидан амалга оширилади;

- Ҳиндистон тажрибаси. Сув хўжалигини бошқариш, ривожлантириш ва реонструкция қилиш ишлари фермерлар ва уларнинг уюшмаларигача бўлган бўғинда давлат томонидан амалга оширилади. Фермерлар ва уларнинг уюшмалари ўзларининг ўзини ўзи таъминловчи тизимлари доирасида суғоришнинг янги техникаларини қўллаш ва унинг электр таъминоти эҳтиёжлари учун давлатдан сезиларли даражадаги дотациялар оладилар.

Сув ресурсларини бошқаришнинг гидрологик ва сиёсий жиҳатларини уйғунлаштиришга фақат “Сув ресурсларини ҳавза даражасида интеграллашган ва адаптив бошқариш тизимлари”ни амалга ошириш йўли билан эришиш мумкин.

Сув ресурсларини бошқаришда “қулай сиёсий мухитни яратиш” тушунчасига қўйидагилар киради:

- сув хўжалигининг давлат мақсадларидаги устиворлиги ва сиёсий қўллаб қувватлашни амалга ошириш;
- хукumat сув ресурсларини бошқаришнинг турли иерархик даражаларида

масъулиятни белгиловчи ва тарқатувчи сифатида фаолият кўрсатади;

Парламент:

- сув-экологик қонунчилик ривожлантиради ва унга амал қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади.

Ҳукумат:

- мамлакат миқёси даражасида барча сув хўжалиги фаолиятларини бошқариш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органини белгилайди ва уни назорат қиласди;
- миллий сув сиёсатини шакллантиради;
- мамлакат ичидаги сув ресурслари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажарилишини таъминловчи тартиб, қоида ва муносабатларни белгилайди;
- сув ресурсларини бошқариш иерархик тузилмаларини бошқариш принципини (маъмурий ёки гидрографик) танлашни таъминлайди;
- иерархиянинг бошқа даражаларида бошқариш масалалари учун масъул бўлган органларни белгилайди ва тасдиқлади;
- сув ресурслари маълумотлар базасини ташкил этади ва унга бошқа манфаатдор органларни боғланишини таъминлайди;
- бошқарувчи ва хизмат кўрсатувчи вазифаларини ажратади, хусусий секторнинг сув ресурслари бошқаруви жараёнида, айниқса уни иерархиясининг қўйи бўғинларида иштирокини қўллаб қувватлайди ва тартибга солади;
- трансчегаравий сувларда ҳамкорликни таъминлайди;
- сув хўжалиги тизимининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида уни давлат манбаларида молиялаштириш тизимини таъминлайди;
- сув ресурсларини бошқаришда зарурий ташкилий тузилмаларни яратишни қўллаб қувватлайди;
- миллий сув сиёсатига мос равишда сув хўжалигига инвестицияларни таъминлайди.

Сув ресурсларини бошқариш тизими элементлари:

Мақсадлар. Сув ресурсларини бошқаришда мақсадларни гарчи одамлар шакллантирса хам, уларнинг асосида объектив шартлар бўлиши керак. Сув ресурсларини бошқариш амалиётида иктисолид, ижтимоий, экологик ва бошқа максадлар ётади. Кўпинча бир максаднинг ўзи комплекс бўлади.

Функциялар. Мураккаб ишлаб чиқаришда Сув ресурсларини бошқаришни алохидаги бўлимлар - функцияларга ажратишга тўғри келади.


Тузилма. Сув ресурсларини бошқаришнинг алохидаги функцияларини бўлим, қисмлар ёки бошқаришнинг алохидаги органларига бирлашган одамлар бажариши мумкин, яъни бошқарув тузилмалари ташкил этилади.

Бошқарув усуллари. Маъмурий, гидрографик, иктисолид, ижтимоий ва бошқа усулларни ўз ичига олади.

Бошқарув механизмлари. Бу бошқарувнинг турли усулларининг комплекс таркибидир.

Бошқарув жараёни. Бошқарув жараёни асосийси - хар бир бўғин нима қилиши керак, ким қилиши керак, қайерда, қандай ва кимнинг олдида хисоб бериши кераклиги ҳақидаги кўрсатмаларни ўз ичига олган турли бошқарув

қарорларини қабул қилиш, амалга ошириш ва ташкил этишдир. Қарор қабул қилиш учун қуидаги ишларни амалга ошириш лозим - керакли маълумотларни тўплаш, уларни тахлил килиш, хulosса чиқариш ва хал этиш йўлларини топиш.



1.1-расм. Сув ресурсларини бошқаришда қарор қабул қилишга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг боғлиқлиги

Сув ресурсларини бошқариш жараёни нимадан ташкил топишига эътибор қаратайлик. Биринчи қараганда гўё оддийдек, аммо чукурроқ қаралса, жуда мураккаб тизим эканлигини кўриш мумкин. Бу мураккаб тизимда қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

* табиий сув ресурслари (ёғинлар, ер усти ва ер ости сув оқимлари), шунингдек, антропоген таъсир остида хосил бўладиган қайтувчи сувлар. Бу ресурслар иқлимининг ташки ўзгаришлари таъсири остида ўзгариши мумкин;

* иқтисодиёт соҳалари бўйича сувнинг қайтмас тарзда ишлатилишини хисобга олган холда сувга бўлган талаблар хам турлича;

* экологик шароитлар ва талаблар;

* ижтимоий мухит ва иқтисодий тараққиёт;

* нихоят, энг мухим таркибий қисм-сиёсий мухит.

Шунингдек сув ресурсларини бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишда қуидагиларни хисобга олиш зарур:

- ресурслар мавжуд бўлган ҳудудлар уларни истеъмол қилиш ҳудудлари билан мос келмайди;
- турли истеъмолчиларнинг сувга бўлган эхтиёжлари турли вақт интервалларига эга эканлиги билан характерланади (масалан суғориш ва энергетика; рекреация ва балиқчилик ва б.);
- сув сифатининг ёмонлашуви моҳияттан жамият учун яроқли сувнинг микдорини кескин камайиб кетишига олиб келади.

Сув ресурслари – бошқарувнинг алоҳида маҳсулидир, чунки унинг хамма ерга кириб бориши хусусиятлари, ундаги хар қандай ўзгаришилар ва таъсирларни ўзаро боғлик бўлган турли муҳитларда тарқалувчан қилиб қўяди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг интенсив тараққий этиши, ахоли сонининг ўсиши, янги ҳудудларнинг ўзлаштирилиши ва шу жараёнлар билан боғлик бўлган сув истеъмолининг кескин ортиши сув ресурсларининг гидрологик тартиби ва холатига жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бугунги кунда ўтказилаётган тадбирлар кўпгина халқ хўжалигидаги соҳаларнинг келажакда ривожланиш тенденцияларини белгилаб беради. Сув хўжалигига узоқ келажакка мўлжалланган сиёsatнинг асосий воситаси – бу истиқболли башпоратлардир.

1.5. Сув ресурсларини бошқариш турлари, даражалари ва эволюцияси

Дастлабки ирригацион тизимлар Осиё мамлакатлари ва Мисрнинг қурғоқчили ҳудудларида эрамиздан аввалги 3000-чи йилларда қурилган. Бундай тизимлар дарёлардан узокда жойлашган далаларни суғориш тизими сифатида қўлланилган каналлар ва сув хавзаларини ўзида акс эттиради. Суғориш жараёнини автоматлаштириш ва сувни керакли баландликка кўтариш мақсадида турли хилдаги механик воситалар, масалан «архимед винти» каби воситалар қўлланилган. Шундай қилиб сув ресурсларини бошқаришнинг эволюцион ривожланиши қадимги даврлардан бошлаган ва уни қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин.

- сув ресурсларини ибтидоий (энг содда усуулларда) бошқариш босқичи;
- сув ресурсларини мухандислик-технологик бошқариш босқичи. Мазкур босқичда сув ресурсларини бошқариш бўйича барча ҳал қилувчи қарорлар асосан мухандислик-технологик фикрлар негизида қабул қилинган (ҳозирда ҳам кенг қўлланилмоқда ва аста-секин кейинги босқичга ўта бошланди);
- сув ресурсларини бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишда экологик, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларни ҳам эътиборга олинадиган сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш босқичи (замонавий, аста-секин тарқалиб бораётган);
- юкорида келтирилганлардан ташқари иқлим ўзгариши, сув тизимларининг заифлиги ва қарорлар қабул қилишдаги ноаниқликларни ҳам хисобга олинган ҳолда қарор қабул қилиш асосида сув ресурсларини адаптив бошқариш (истиқболли).

Византия даврида Прокопий - ирригация жараёнини «хамкорликда

суғориш ўртоқлиги» деб атаган ва унга қуйидагича таъриф берган: «Дарё тоғлардан тушиб, текисликларга етади. У ерни ахоли хошишларига мувофиқ суғоради, чунки улар сув харакатини ўзлари учун энг фойдали деб, хисоблаганлариңек бошқарадилар. Инсонлар дарё сувлари оқадиган кўплаб каналлар барпо этадилар. Дарёнинг бир қисми ер остидан ўтади, кейин яна юзада пайдо бўлади, ва ўз сувларини бир оқимда бирлаштиради. Шу тарзда текисликнинг катта қисмида дарё каналларни тусиклар билан тўсадиган, уларни очиб, сувдан ўз хошишларига кўра фойдаланадиган инсонлар ихтиёридадир».

Сув ресурсларини сунъий бошқаруви Марказий Осиё давлатлари халқлари учун биринчи даражали ахамиятга эга.

Ер шарининг дехкончилик учун яроқли ерларининг катта қисмида намлик етишмайди, шунинг учун қадим замонлардан инсонлар табиий омиллар мутаносиблигидаги диспропорцияни туғрилаш ва ерларнинг сув таъминотини яхшилашга интилиб, катта куч сарфлаганлар.

Марказий Осиё, айникса, икки дарё оралиғи (Сирдарё ва Амударё) цивилизация, маданият ва суформа дехкончиликнинг энг қадимий ўчоғи бўлган. Эрамизнинг 6-7 асрларидаёк мазкур минтақани араблар, уни «эътиқодли мусулмонлар халифасининг боғи» деб атаганлар, чунки минтақа ҳудудининг деярли 50% у пайтда боғ ва узумзорлардан ташкил топган эди. Бутун тарих мобайнида Марказий Осиё ахолиси суформа дехқончилик билан бир қаторда яйлов чорвачилиги, боғдорчилик ва шу кабилар билан шуғулланган.

Марказий Осиё минтақасида сув хўжалиги тарихи 4 босқичга бўлинади:

1. Сув хўжалигини Россия истилосидан аввал асосан халқона усул билан, ахолини қурилиш ва тиклаш ишларига жалб этиш йўли билан ривожлантирилиши даври;
2. Сув хўжалиги тизимларининг иншоотлари ва тизимларини мухандислик қурилиши ва қайта жойлаштирилиши даври;
3. Сув хўжалиги иншоотлари ва тизимларининг мухандислик қурилиши ва қайта қурилиши. Минтақада ягона сув хўжалик тизимиning яратилиши даври;
4. XX асрнинг 50-80-йилларида қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожлантирилиши сабабли сув хўжалик шароитлари ва экологик муаммоларнинг мураккаблашуви даври;
5. Ягона сув хўжалиги тизимидан миллий сув хўжалиги тизимларига ўтиш босқичи.

Минтақанинг сув хўжалиги тарихи – бу Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий-иктисодий тарихи билан чамбарчарс боғланиб кетган дехқонларнинг сув учун қўп асрлик курашларидир. Қадим ўтган замонлардаёк минтақадаги дехқонлар дарёлар тартибини узоқ вақт кузатиш натижасида дарёлардаги сув сатхининг кўтарилиш ва тушиш даврларини яхши ўрганганлар. Йирик дарёларнинг тошқини календари мавжуд бўлган: Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, дарё оқимида юз бераётган ўзгаришларнинг белгилари, вақти ва давомийлиги аниқ кўрсатилган дарёлар тошқини хар йиллик календари мавжуд бўлган.

Сув ресурсларини бошқариш учун миңтақа деҳқонлари маҳсус сув хўжалиги обьектлари қуришган. Ўзбекистон, Жанубий Козогистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон худудларида қурғоқчил ва сувсизлик йилларида сув тўплаш учун қурилган кичик сув омборлари, каналлар ва туғонларнинг қолдиқлари топилган. Миңтақа сув хўжалиги тарихининг ўтмишида ибратли воеалар жуда кўп, айниқса, сув ресурсларини тақсимлаш принципи, қишлоқ хўжалигини йилнинг сувлилигини хисобга олган холда тартиб билан олиб бориш ва б..

Ўрта Осиё худудини сунъий суғориш қадим замондан бошланган. Ўтрок ахоли деҳқончилик учун мақбул шароитларни тоғ олди худудлари, Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари ва уларнинг ирмоқлари хавзасидаги кичик дарёлар юқори қисмидаги воҳалар худудларида топиб суғорма деҳқончиликни амалга оширган. Таракқиётнинг ўша босқичида Ўрта Осиё халқлари тез оқимлар, қирғоқларнинг емирилиши (айниқса, йирик дарёларда) билан самарали курашишга қодир эмас эдилар. Булар суғориш каналларига сув олишдаги асосий тўсиқлар эди.

Кейинроқ деҳқонлар унумдор ерларни, кўпроқ Амударё ва Сирдарё ўрта оқими ва қуий қисмидаги ерларнинг улкан майдонларини суғориш ва ўзлаштиришни бошлашди.

Ирригация давлат бирлашмаларининг ҳосил бўлиши ва жамиятнинг синфларга ажralиши билан бирга ривожланади. Асрлар давомида Ўрта Осиё худудидаги давлат формацияларининг тараққиёти ва таназзули ўзгармас тарзда деҳқончилик ва чорвадорлик асоси сифатида сунъий суғоришнинг ривожланиши ва таназзулга юз тутиши билан содир бўлган.

Кучли давлат қурилиши даврларида янги суғориш тизимлари, тугон, сув олиш ва қирғоқни химоя қилиш дамбалари, тоннеллар, йирик сув тақсимловчилари, акведуклар кўринишидаги йирик ирригация иншоотлари қурилган, суғориш майдонлари кенгайтирилган. Ирригация иншоотлари қурилишида минглаб деҳқонлар қатнашган. Каналлар бўйида воҳа ва манзилгоҳлар ҳосил бўлган.

Сакланиб колган тарихий хужжатларда Хоразм ирригацион иншоотлари ва майдонлари ўша давр учун юкори даражали техникага эга бўлган энг кадимий суғориш зонаси сифатида ажralиб туради. Хоразмнинг ўнг қирғоқ ерларини Султонуизтоғ тепалигигача суғориш учун Амударёдан чиқарилган Гаухуаре каналининг қурилиши даври эрамизгача бўлган биринчи минг йиллик ўртасига тўғри келади. Эрамизнинг биринчи асрода Султонуизтоғ тоғолди ерларини суғориш учун Тупроққалъя каналидан катта шахобча қурилган. Ғазнобод-Чермен-Яб каналидан суғориладиган ерлар майдони анча кенгайган. III-асрда Узоқ-Ғарбий Қиёт канали барпо этилди, VI асрда Гулдурсун ва Бургутқалъя каналлари атрофидаги воҳаларда деҳқончилик тикланди. IX асрда Амударёнинг қуий дельтасидаги Гурганжа худудининг (Куня-Урганч) ирригацион ўзлаштирилиши, Газнобод канали қуий қисмларида деҳқончиликнинг тикланиши бошланди, ўша пайтда Шовот (Шоҳообод) Буве каналлари қурилган. X асрда Амударёнинг чап қирғоғида Хиванинг Хеканис каналидан иккита канал чиқарилган.

XII –XIII асрларда Хоразмда ирригацияниниг жонланиши кузатилган; Газнобод канали (Газовот) Чермен-Яб ариғи бўйлаб Шохсанамгача, Гирё канали Кваткал ҳудудигача етказилган. Кейинроқ, иншоатлар бузилиши билан бу ҳудудлар сувсиз, одамсиз қолиб қум остида қолди. Ҳозирги вактгача фаолиятда бўлган йирик қадимий каналлардан Ўрта Осиёдаги энг йирик Тошсоқа шахобчаларига айлантирилган Шовот, Полвон ва Газовотларни мисол келтириш мумкин.

Тошкент вохасида суғориш тизимлари Чирчик ва Ангрен дарёларида қурилган. Грек тарихчилари Тошкент атрофидаги йирик каналлар эрамизгача III-II асрларда мавжуд бўлганлигини таъкидлашган. Араб географлари томонидан Шош давлати (Тошкент вохаси) батафсил тарифланган ва 50 та ахоли пунктлари ҳақида хабар берилган. Улардан баъзилари бизнинг давримизгача сақланиб колган, масалан, Бискент (Пскент). Ферикент (Паркент) Зерикент (Заркент) ва бошқалар. Шахарлар, қишлоқлар ва қадимий Тошкентда ахоли зич жойлашган, уларни улкан узумзорлар ўраб турган. Шош маданият вохаси шимолий-гарбдан кўчманчи қабилалар босқинидан Бўзсув ариғи ва араблар томонидан қурилган катта девор билан ҳимояланган. Мазкур девор излари Камирдевол номи остида ва катта Бузсув ариғи ҳозир хам сақланиб қолган. Ҳозирда хам мавжуд бўлган айрим қадимий каналлар ислом динига кадар бўлган номлари билан аталади, масалан, Зах, Салар.

Фаргона водийсида деҳқончилик маданияти Чотқол ва Фарғона тоғ тизмаларидан оқиб тушадиган ва Сирдарёга қўшиладиган Норин ва Қорадарёга қўйиладиган майда ирмоқларда ривожланган. Тоғ дарёларининг суви эрамизгача X- асрдаёқ ерларни суғориш учун фойдаланилган. Дарё ва сойларнинг қирғоқларида йирик қишлоқлар - Косонсойда Косонсой ва Аксикент, Марғилонсойда Марғилон, Исфарасойда Ифара, Хужаободсойда Хужанд, Оқбура дарёсида қирғоқларида эса Ўш ва бошқалар шахарлар қад кўтарган. Сўх дарёсидаги Қўқон (200 йил аввал) Намангансойдаги Наманганд (350 йил аввал) шахарларининг пайдо бўлиши анча кечроқ даврда юз берган. Асрлар давомида халқ усталари маҳсус илмларни, гидравлика конунларини билмай туриб, механизм ва мураккаб асбобларга эга бўлмай туриб ўз тажриба идрокларига таяниб суғориш каналлари, ирригация тизимларини қуришган ва ажойиб гидротехник иншоатлар барпо этишган.

Сув ресурслари минтақа ҳудуди бўйлаб ўта нотекис тарқалган. Интенсив ҳўжалик фаолияти натижасида сув ресурслари танқислиги йилдан йилга ошиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ва яқин истиқболда чучук сув танқислиги сув истеъмолини камайтириш йўли билан сувни тежаш хисобига пасайиши мумкин, масалан саноатни айланма сув таъминотига, алоҳида соҳаларида эса сувсиз технологияларга ўтиш; суғоришнинг янги прогрессив усусларини кўллаш, суғориш тизимлари фойдали иш коэффициентларини ошириш; ер ости ва ер юзи сувларини вактда қайта тақсимлаш; сув ресурсларини маконда қайта тақсимлаш; шўр ва шўрроқ сувларни чучуклаштириш; музлик ва тоғ кўлларидаги сув ресурсларининг 100 йиллик захираларини ишлатиш; ёғинлар хосил бўлиши жараёнларга фаол таъсир ўтказиш ва б. Шундай қилиб сув танқислиги шароитларида сув ҳўжалиги масалалари ресурслар каби талабларга

хам таъсир ўтказиш йўли билан ҳал қилинади.

Сув ресурсларига таъсир ўтказишни асосан техник усуллар билан амалга оширилади (оқимни бошқариш, кўчириш, кўшимча махаллий ресурслардан фойдаланиш).

Талабга таъсир ўтказишни (сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва тежаш) сувларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қонунларига, шунингдек меъёрий хужжатлар талабларига мос равиша амалга оширилади. Бундай хужжатлар таркибига стандартлар, кўрсатмалар, қоидалар, меъёрлар, чекловлар, рухсатнома ва лицензиялар, маъмурий (ягона, регионал ва махаллий сув хўжалиги бошқаруви тизимларини яратиш), иктиносидий (сув учун ва оқава сувлар чиқариш учун тўлов, оқава сувларни чиқаришнинг белгиланган меъёрларининг бузилганлиги учун жарималар, ифлосланган сув билан етказилган зарар ўрнини қоплаш, оқава сувларни тозалаш бўйича тадбирларига дотация ва субсидиялар ажратиш, ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини тадбик этиш учун фонд ажратиш ва баъзи бошқа усуллар) кўрсатмаларни киритиш мумкин.

1.6 Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чоралари

■ минтақа мамлакатларининг сув ресурсларига ҳақиқий талабларини таъминлай оладиган янги, самарали ишлашга қодир бошқарув органлари ва уларнинг ташкилотларини яратиш йўли билан ҳавзада сув ресурсларини бошқаришнинг ташкилий структурасини яхшилашни давом эттириш;

■ хозирги шароитларда минтақа мамлакатлари ўртасида сув ресурслари режалаштириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, Орол денгизи ҳавзасида иктиносидий барқарорликни таъминлаш масалалари бўйича мавжуд битимларни яхшилаш ва такомиллаштириш;

■ сув хўжалигини бошқаришнинг миллий ташкилий тузилмасини мунтазам такомиллаштириш;

■ сув ресурсларини бошқаришнинг барча поғоналарида – дарё ва магистрал каналлардан бошлаб хўжалик ички каналлари, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларига - сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш;

■ Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш ва режалаштириш усулларини кенг қўллаш.

Ташқи таъсирларга жавоб тариқасида сув ресурсларини барқарор бошқариш ўз ичига бошқаришга адаптив ёндошувини ҳам олиши керак. Бошқа ёндошув, - превентив, иктиносидёт ва оптималлаштириш соҳасида сув ресурсларини бошқаришда фойдаланиладиган қарорларни қабул қилишнинг амалдаги қоидаларини қайта кўриб чиқиши талаб этмайдиган ишончли лойиха ёки стратегияларни излаш орқали эҳтимолий варианtlарнинг янада мақбул диапазонини шакллантиришни кўзда тутади. Сув ресурсларини интеграцияланган бошқаруви борган сари адаптацияланаётган бир вактда янада фаол кўп секторли ҳамкорликка яъни ҳавзавий бошқариш ва режалаштиришга бўлган эҳтиёж орта боради.

Аввал таъкидланганидек сув ресурсларини замонавий бошқариш жуда мураккаб жараён. Сув ресурсларини бошқаришнинг энг муҳим белгиловчиларидан бири сув ресурслари ва уларнинг истеъмолини мохирона мослаштириш хисобланади. Дунёдаги истиқболдаги сув таъминоти дестабилловчи қатор омилларни жумладан аҳоли сонининг ортиши, иқтисодиётни ўсиши, ифлосланишнинг ортиши кабиларни хисобга олиши билан бирга иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган сув микдорнинг камайиши эҳтимоли кабиларни хам эътибордан қочирмаслиги лозим.

Шундай қилиб сув ресурсларини бошқариш жамият ва табиатнинг сувга бўлган эҳтиёжларини керакли сифат ва микдорда барча вақт даврларида – оператив кўп йиллик ва истиқболдаги эҳтиёжларни қондиришни таъминлаши зарур.

Сув ресурсларини интеграциялашган тарзда бошқариш (СРИБ) сув, ер ва улар билан боғлиқ бўлган ресурсларни ҳаётий экотизимлар барқарорлигига зарар етказмасдан жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигини максималлаштириш мақсадида мувофиқлаштирилган ривожлантириш ва бошқаришга ёрдам берувчи жараён сифатида шаклланади. Айнан барча сувларнинг ўзаро боғликлиги улардан фойдаланишни интеграциялашга чорлайди.

Интеграция ўзаро боғланишнинг иккита базисли категориясини кўзда тутади - сув ресурслари эҳтимоли ва сифатининг критик белгиловчиси бўлган табиий тизимлар хамда сув ресурсларидан фойдаланиш улуши, сув олиш тизими, ресурсларни ифлосланишдан химоялаш ва ижтимоий барқарорликнинг ёмонлашувини белгиловчи ижтимоий тизим. СРИБ вақт ва макондаги ўзгаришларни ва бу категориялар орасидаги боғланишларни эътиборга олади. Шунингдек сув хўжалиги фаолиятини маҳсус ёпиқ тизим сифатида сақлашдан фарқли равишда, сув ресурсларини бошқариш ишини улардан фойдаланувчилар иштироқидаги жамоат ишига айлантириш СРИБни анъанавий фрагментар ёндашувдан ажратиб туради. СРИБ ёндашувларидан фойдаланиш, сув ресурсларини бошқарувчиларига сувга бўлган эҳтиёжга жамият муносабати қандай таъсир кўрсатаётгани ва бундан келиб чиқиб сув ресурсларини анъанавий бошқарувини сув тежовчи бошқарувга ўзгартиришга ёрдам беради. Бунда сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш ва режалаштириш энг муҳим механизм сифатида хизмат қиласи.

Назорат саволлари

1. Сув ресурсларини бошқаришнинг турлари ва даражалари
2. Сув ресурсларини бошқариш тушунчаси
3. Сув ресурсларини бошқаришнинг гидрологик жихатлари
4. Сув ресурсларини бошқаришнинг сиёсий жихатлари
5. Сув ресурсларини бошқаришнинг экологик жихатлари
6. Сув ресурсларини бошқаришдан мақсад
7. Бошқарув тизими элементлари
8. Сув ресурсларини бошқариш турлари, даражалари ва эволюцияси

9. Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чоралари
10. Сув ресурсларини бошқаришнинга гидрографик-ҳавзавий принципи
11. Сув ресурсларини бошқаришда маъмурий-худудий принципи
12. Сув ресурсларини бошқаришда “муътадил сиёсий муҳит” тушунчаси

II –Боб. Ҳавзавий ташкилотлар ҳамда уларнинг сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш режаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдаги роли

Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш ва режалаштиришни жорий этишнинг асосий шартларидан бири ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳавзавий ташкилотларни ташкил этишдир. Ҳавзавий ташкилотлар атамаси барча турдаги ҳавзаларни бошқаришда иштирок этувчи ташкилотларни характерловчи умумий атама сифатида фойдаланилади. Бу жуда катта ёки кичик расмий ташкилотлар ёки оддий кишиларнинг норасмий гурухлари ҳам бўлиши мумкин. Ҳавза ташкилотлари уларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда ваколатлари ва уларнинг қонуний асосларига кўра турлича бўлишлари мумкин.

Сув ресурсларини бошқарувчилар дуч келаётган муаммолар ва мураккабликлар

Сув ресурсларини ва улардан фойдаланишда рўёбга келувчи ҳам ижобий ва ҳам салбий жиҳатларни эҳтиборда тутиш мухим. Бир томондан сув инсоният, ҳавонот ва ўсимликлар дунёси ҳаёти учун ўта мухим ресурс. Масалан, сув ресурслари самарали ишлаб чиқариш фаолияти, қишлоқ хўжалиги, гидроэнергетика, санот, балиқчилик, туризим, транспорт ривожи учун асос ҳисобланди. Бошқа томонда сув ресурслари ўта вайронкор, касалликлар тарқалиши ва катта ҳудудларни сув босишини сабаби бўлиши ҳам мумкин. Сув тақчиллиги ёки узоқ давом этган қурғоқчилик катта миқдордаги ўлимлар ва иқтисоди инқирозни келтириб чиқариши мумкин. Сув шунингдек миллий ёки бир ёки бир неча мамлакатлар бирга фойдаланувчи трансчегаравий ҳавзаларда яшовчи аҳоли ўртасидаги мўжароларни келтириб чиқариши ёки унинг кескинлашувига олиб келиши мумкин. Кўпгина, айниқса ривожланаётган мамлакатларда чучук сув ресурслари ҳолатини, сифати ва миқдори жиҳатидан сув экотизимларини ёмонлашиб бораётганини кўриш мумкин. Бу эса сув ресурсларидан фойдаланишда фойдадан кўра кўпроқ сув билан боғлиқ таваккалчилик ва хавфларга йўл қўйилаётганини кўрсатади.

Бугунги қунда, аҳоли сонининг ўсиши, демографик ўзгаришлар, иқтисодий тараққиёт ва иқлимининг ўзгариши каби омиллар сув ресурсларига киритик таъсир этмоқда. Бирдек, сув ресурслари ишлаб чиқариш ва иқтисодий тараққиётга, аҳоли саломатлиги ва ҳаёт даражасига ҳамда миллий хавфсизликка сезиларли таъсир кўрсатади. Сувга бўлган таъсирлар ортгани сари, бизнинг янгиланиб турувчи сув ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланишимиз зарур. Бироқ, сув ресурсларини бошқариш мураккаблашиб бормоқда. Кўпгина минтақаларда иқлим шароитлари ўзгаришларидағи ноаниқликлар ва табиий шароитлар туфайли сув ресурсларини бошқариш асосий муаммога айланиб улгурди. Иқлим ўзгариши туфайли бу мураккабликлар ортиб бормоқда. Айрим минтақаларда ёғингарчиликни ва дарё

оқимларини камайишига олиб келса, бошқа мінтақаларда аксінча күроқ сув босиши ҳолатларини көлтирб чиқармокда. Бундай үзгаришлар - ахоли ва иқтисодиёттің үсиши, урбанизация ва озиқ овқатта талабнинг ортиши (демак сувга талабнинг ортиши, сув танқис бўлган худудлардаги манбалар ва ер ости сувларининг дегредациясини ортиши) туфайли янада кучайиши кутилади.

Бугунги кунга келиб ҳавзаларни бошқарувчилари сув ресурсларининг соғлом бошқаруви ва иқтисодий тараққиёт мутаносиблигини таъминлашда жуда катта босим, таваккалчилик ва муаммоларга учрамоқдалар. Ҳукуматлар ва ҳавза бошқарувчилари олдида турган мураккаб вазифа тараққиёт ва барқарорлик ўртасидаги мувозанатни таъминлашдир. Бу ҳар бир ҳавзада сув ресурсларини ривожлантириш ва бошқаришнинг янада аниқроқ йўлларини ҳамда оқибатларга мутаносиб услубларни топиш заруриятини кўрсатади.

Сув ресурсларини бошқарувчилари олдида турган кўпгина мураккабликалр янги пайдо бўлган эмас. Аммо муаммолар ўзининг миқёси ва характеристи бўйича бир ҳавзадан бошқа ҳавзага ўзгариб туради ва уларни ечими ҳам турлича бўлади. Мазкур муаммоларнинг ечими одатда икки мухим томонни: яъни маълумотларни тўплаш, инфраструктура ва уларнинг эксплуатацияси каби структуравий муаммоларни (структуравий интервенция) ҳамда ҳамда институционал (кўпинча “юмшоқ” интервенция деб номланувчи), қарорлар ва нархлар ёки билимлар ва маълумотлар каби омилларни қамровчи тадбирлар масаласини ўз ичига олиши лозим.

Структуравий интервенция одатда хизматларни таъминловчи ва кўзга кўринувчи бўлгани учун сиёсий жихатдан маъқулроқ ва қимматроқ ҳисобланади. Улар кўпроқ эътибор тортадилар. Институционал интервенция эса арzon бўлиб, айрим ҳолларда сиёсий ва ижтимоий жихатдан камроқ эътибор тортади.

2.1 Сув ресурсларини бошқаришда иштирок этувчи ҳавзавий ташкилотлар, уларнинг ташкил этиш зарурияти ва роли

Сув ресурсларини интеграл бошқариш ва ҳавзавий режалаштиришнинг асосий тамойилларидан бири - ҳавза даражасидаги сув ресурсларини бошқариш режаларини ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган муайян ташкилотларнинг ташкил этилиши ҳисобланади.

Амалда “бутун ҳавза даражаси”га асосланган ёндашув таъсирларни тизимли даражада баҳолаш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда ҳавзавий ёндашув асосида миллий қонунлар, халқаро келишувлар ва трансчегаравий сувлар бўйича мінтақавий конвенцияларнинг талаб ва қоидаларини миллий ҳавзаларга қўлланилади. Натижада мамлакат ичидаги сув ресурсларини бошқариш ва ҳавза даражасида сув ресурсларини бошқариш жараёнлари янада динамик характерда бўлиб, турли ўзгарувчан оқибатларга (экологик, ижтимоий ёки иқтисодий) мослашувчанроқ бўлади.

Дунёда ҳавзавий ташкилотлар сифатида кўрилувчи институционал тузилмаларнинг турли кўринишлари мавжуд. Айрим ҳолларда бундай ташкилотлар маслаҳат органларини ифодаловчи норасмий ташкилотлар сифатида ташкил этилган бўлса, бошқа ҳолларда расмий ҳавза

ташкilotларидан иборат бўлади. Ҳозирги даврда илмий адабиётларда бундай ҳавзаний ташкilotларнинг 8 та тури мавжудлиги асосланган. Қуйидаги 2.1-жадвалда ҳавзаний ташкilotларнинг турлари ва хусусиятлари келтирилган.

Ҳавзаний ташкilotларининг турлари

2.1-жадвал

Ҳавзаний ташкilotларининг турлари	Таркибий хусусиятлари ва функционал вазифалари
Тур 1: Кўмиталар	Кўмитага аъзо бўлган мамлакатлар вакиллик гурухларидан ташкил топган консултатив –маслаҳат мақомли органлар. Функционал вазифалари: сув ресурсларини бошқариш бўйича умумий тамойилларни ишлаб чиқиш ва ҳавзадаги муайян ўзига хос ёки умумий характердаги долзарб масалалар мухокамасини ўtkазиш. Кўмитанинг ишчи ҳодимлари штати кўзда тутилмаган
Тур 2: Сув хўжалиги ташкilotлари	Ҳавза доирасида барча ишларни бажариш бўйича ваколатли орган. Қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш барча аъзо мамлакатлар учун мажбурийдир. Ташкilotда доимий ишловчи штат бирликлари кўзда тутилган
Тур 3: Уюшмалар	Жамоат ташкilotлари бўлиб, уларнинг функционал вазифалари: ҳавза бўйича умумий бўлган масалалар бўйича манфаатдор томонларни хабардор қилиш ва уларга тегишли таълим беришдан иборат.
Тур 4: Комиссиялар	Ваколатли орган бўлиб, унинг аъзолари иштирокчи бўлган мамлакатлар томонидан сайланади. Комиссиянинг функционал вазифаларига ҳавзадаги барча ишларни мувофиқлаштириш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, шунингдек, халқаро шартномалар бўйича барча мамлакатларнинг мажбуриятларини бажарилишин таъминлаш киради. Комиссия ўз ҳодимлари штатлари ва техник котибиятига эга бўлади.
Тур 5: Кенгашлар	Кенгаш манфаатдор томонларни ва жамоатчиликни ўз таркибига жалб этувчи, тармоқлараро вакиллик гуруҳи ҳисобланади. Унинг функционал вазифалари доирасига ҳавза даражасидаги долзарб масалаларни мухокама қилиш ва мувофиқлаштириш, ҳавзаний режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини мониторинг

	қилиш киради. Амалда кенгашлар суб-ҳавзалар ёки гидрографик туманлар даражасида тузилади. Молиявий имкониятлар бўлганда ўз секретариатига эга бўлиши мумкин.
Тур 6: Корпорация /Акционерлик жамияти	Ҳавзадаги барча ишларни тижорат асосида бажариш учун тузилган юридик шахс ҳисобланади.
Тур 7: Трибунал /арбитраж	Ҳавзани бошқариш масалалари бўйича суд органи ҳисобланади. Функционал вазифалари: сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги бахсли ва мунозарали масалаларни ҳал этишдан иборат.
Тур 8: Федерация	Федерация бу - турли манфаатдор томонлар вакилларининг умумий позицияларини мувофиқлаштириш, ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш, ишларни бажариш ва мониторинг ўтказиш, аҳборот алмашиш ва энг яхши амалий тажрибаларни кенг жорий қилиш йўлидаги бирлашуви ҳисобланади.

Ҳозирда бутун дунёда 108 га яқин дарёларнинг ҳавзавий ташкилотлари фаолият юритмоқдалар, шулардан 68 таси ҳалқаро ёки трансчегаравий ташкилотлар ҳисобланади. Амалда ҳавзавий ташкилотлар таркибий хусусиятлари ва функционал вазифалари билан бир бирларидан фарқ қиласидилар. Ҳавзавий ташкилотларининг энг кенг тарқалган турлари - Қўмита, Комиссия, Сув хўжалик ташкилотлари ва Кенгашлар ҳисобланади.

Ҳавзавий ташкилотларининг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, муайян шароитларда қўллаш учун мақбул бўлиши мумкин. Бошқарувдаги даражаси ва вазифасига қараб бир дарё ҳавзаси учун турли хилдаги ҳавзавий ташкилотлар тузилиши мумкин. Қуйида дунёning турли қисмларида фаолият кўрсатаётган ҳавзавий ташкилотларни бир неча кўринишларини таҳлил қиласиз.

Ҳавзавий ташкилотларининг “Ҳавза Кенгашлари” турини ташкил этиш замонавий амалиётда сув ресурслариниadolatli, иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик жиҳатдан барқарор бошқариш ҳамда сув хизматларини кўрсатишни таъминлашнинг мақбул воситаси сифатида қабул қилинаётган сув ресурсларини бошқаришга интеграллашган ҳолда ёндашув(СРИБ)нинг муҳим таркибий қисми сифатида қаралмоқда. Мазкур орган сув объектлари масалалари билан шуғулланувчи - сув ва ер ресурсларини бошқариш, табиатни муҳофаза қилиш, ичимлик сув сифатини таъминловчи органларнинг, турли тоифадаги сув истеъмолчиларининг ва жамоат ташкилотларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун зарурий ижтимоий асосни

таъминлайди. Бироқ хорижий мамлакатлардаги ҳавзаний кенгашларнинг ҳақиқий ва ҳуқуқий мақомлари мамлакатдан мамлакатга нисбатан қаралганда сезиларли даражада фарқ қилишини кўриш мумкин.

Мухияти бўйича ҳавзаний кенгашлар сув фондини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича ихтисослашган орган ҳисобланади. Назарий жиҳатдан ҳавзаний кенгашлар мазкур соҳадаги ҳар қандай долзарб масалаларни кўришлари мумкин. Бироқ, амалда уларнинг ваколатига кирувчи масалалар кўлами ҳавзаний кенгаш мақомини белгиловчи ҳужжатлар билан чегараланади. Энг аввало бу муайян ҳавзаний кенгашнинг Низоми ва бошқа ички ҳужжатларига тегишилдири. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки мазкур органнинг фаолият доиралари тегишли ҳавзаний келишувлар билан шакллантириб берилиши мумкин. Аксарият ҳолларда ҳавзаний кенгашлар ҳавзаний келишувларни амалга оширилишини таъминловчи орган ролини ўйнайдилар.

2.2 Ҳавзаний ташкилотларнинг ташкил этилиши, вазифалари, ваколатлари ва ривожланиши

Ҳавзаний ташкилотларнинг энг машҳур ва кенг тарқалган турларидан бири бу франсуз моделидир. Франсуз модели асосида ҳавзаний ташкилотлар мамлакатнинг барча олтига гидрографик ҳавзаларида тузилган ҳавзаний комитетлардан иборат. Яъни ҳар бир ҳавза ўз ҳавзаний комитетига эга. Бу ўзига хос сув масалаллари бўйича тузилган маҳаллий парламент бўлиб, муайян ҳавзанинг сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқади. Айни вақтда сув обьектларини техник бошқаруви ҳамда ҳавзаний комитет томонидан ишлаб чиқилган дастурларнинг ижроси учун ҳавзаний агентлик масъул ҳисобланади. Умуман моҳияти жиҳатидан франсуз модели бўйича ҳавзаний комитет – бу маҳаллий, вакилликка асосланган, сув масалаларига ихтисослашган ҳамда гидрографик ҳавза доирасида ўз ваколатини юритувчи қонун чиқарувчи органдир.


Бугунги кунда муваффақиятли фаолият юритиб келаётган ҳавзаний ташкилотларнинг яна бир яққол мисоли АҚШдаги Колорадо дарёси ҳавзаси шароитида фаолият кўрсатаётган ҳавзаний ташкилотdir. Мазкур дарё ҳавзасида ташкил этилган ҳавзаний ташкилот Ҳавзаний Кенгаш тарзида тузилган бўлиб, у функцияси жиҳатидан сув сифатини назорат қиласи. Қуйида мазкур кенгаш билан боғлиқ хусусий маълумотларни кўриб чиқамиз.

АҚШдаги, Колорадо дарёси ҳавзасини бошқариш ва стратегик режалаштириш

Колорадо дарёси ҳавзаси шимолий Америкадаги ҳавзанинг майдони 629 000 км², узунлиги эса 2330 км бўлган энг катта ва энг ранг баранг дарёлардан бири ҳисобланади. Дарё баланлиги 4300 м гача бўлган қояли тоғлардан бошланиб, Мексика бўйлаб оқиб ўтади, сўнгра Калифорния кўрфазига қуилиб, ўз делтасини ҳосил қиласи.

Колорадо дарёси ҳавзаси хар қайсиси йирик суб-ҳавзаларни ташкил этувчи еттига катта минтақаларга бўлинган. Бу етти минтақанинг ҳар бири учун тегишли концепциялар, қоидалар ва сув ресурсларини бошқаришнинг тартиб – қоидалари ишлаб чиқилган. Бундай катта ҳавзани бошқариш - маҳсус ҳавзавий тузилмани, ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш эса муайян қоидаларга риоя қилишни талаб этади.

Бутун ҳавза ҳудуди бўйлаб 9 та Минтақавий Кенгашлар тузилган бўлиб, улар давлат томонидан мутасадди этиб белгиланган туман маъмуриятлари билан узвий ҳамкорликда иш олиб боради. Ҳар бир минтақавий кенгашлар сув сифати стандартларини ўрнатиш, оқава сувларни чиқариш учун рухсатнома бериш ва бу рухсатномаларга риоя этилишини назорат қилиш, рухсантномаларга риоя этилмаган холларда тегишлиchorаларни кўриш бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатига эга.



Колорадо дарёси ҳавзасидаги сув сифати масалалари бўйича тузилган ҳар бир минтақавий кенгашнинг маҳсус веб-сайтлари мавжуд бўлиб, унда ҳар қандай манфаатдор томонлар учун сув сифати бўйича турли ҳилдаги маҳсус маълумотларни олиш имкониятлари яратилган.

Бутун Колорадо дарёси ҳавзаси бўйича умумий бўлган расмий Ҳавзавий Режа мавжуд эмас. Бироқ ҳар бир ҳудудий кенгашларда, ҳавзанинг сув сифатини бошқариш бўйича «стратегик режалар» ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур режалар доирасида Колорадо дарёси ирмоқларини бошқариш бўйича ташаббуслар ишлаб чиқилади.

Стратегик режаларни ишлаб чиқишнинг асосий принциплари - иқтисодий ва бошқа манфаатлар билан мувофиқлаштирилган ҳолда табиий ресурсларни интеграл бошқариш дастурларини амалда қўллашдан иборат.

Шундай қилиб, Колорадо дарёси ҳавзасида ҳавзавий режалаштириш комплекс жараён бўлиб - у мониторинг, минтақалар ва суб-ҳавзалар ҳудудларида сув ресурслари бошқаришнинг устивор масалаларини аниқлаш,

стратегик мақсадларни ишлаб чиқиш ва конкрет тематик масалалар бўйича тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади.

Бироқ тъкидлаш лозимки, юқорида санаб ўтилган Минтақавий Кенгашлардан ташқари Коларадо дарёси ҳавзасида махсус ҳавзвавий ташкилотлари ташкил этилмаган. Сув ресурсларини бошқариш бўйича асосий мутасаддилар - ҳар бир штатда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш агентлиги билан яқин ҳамкорликда иш олиб борадиган маъмуриятлар ҳисобланадилар.

Россияда эса мазкур мамлакатнинг федератив тузулиши билан боғлиқ ҳолда ҳавзвавий кенгашларни барпо этишнинг бошқача тажрибаси шаклланди. Яъни айнан улар федерал марказ ва сув объекти ҳавзаси худудида жойлашган алоҳида иқтисодиёт соҳалари ва федерация субъектлари ўртасидаги ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришда ҳамда уларнинг манфаатларини тартибга солишда муҳим ролни бажарадилар. Шу билан бирга Россия федерацияси Сув кодекси сув истеъмолчилари ва жамоатчилик вакилларининг ҳавзвавий кенгашларда иштироки имкониятини кўзда тутади. Россиядаги ҳавзвавий кенгашларнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ ўзига хослик унинг “Табиий ресурслар федерал вазирлиги ҳамда сув объекти ҳавзасида жойлашган Россия федерацияси субъектлари ижро ҳокимияти ўртасида тузиладиган тегишли ҳавзвавий келишув” билан бевосита боғланганлигидадир. Бунда Россия Федерацияси Сув кодексининг 120 бандида ҳавзвавий кенгаш ҳавзвавий келишув доирасида субъектларнинг муайян сув объектини қайта тиклаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган ҳамкорликдаги фаолиятларини мувофиқлаштирувчи орган сифатида ташкил этилиши белгилаб берилган.

Шундай қилиб, россия тажрибасида ҳавзвавий кенгаш кўпроқ сув масалаларида соҳалараро ва минтақалараро мувофиқлаштириш масалаларига йўналтирилган ҳамда турли субъектларнинг ҳавзвавий келишув доирасида олган мажбуриятларини амалга оширишни таъминловчи орган ҳисобланади.

Тайланд шароитида ҳавзвавий кенгашларнинг аналоги ҳисоблаган ҳавзвавий комитетлар энди шаклланиш босқичида турибди. Аммо тъкидлаш лозимки уларга сув объектларини техник бошқариш ваколати берилган.

Марказий Осиёда ҳам ҳавзвавий ташкилотлар мавжуд, бироқ улар асосан сув ресурслари тақсимоти жараёнларига жалб қилинган ва бутун ҳавза бошқаруви масалалари билан деярли шуғулланмайдилар. Бу борада энди дастлабки қадамлар кўйилмоқда. Сув ресурсларини интеграл бошқариш ва ҳавзвавий режалаштириш билан шуғуллана оладиган ҳавзвавий ташкилотлар сони ҳозирча кам. Бироқ, шундай бўлсада минтақада бугунги кунга келиб ҳавзвавий ташкилотларни ташкил этиш бўйича бир мунча тажрибалар тўпланди. Ҳозирда мавжуд ҳавзвавий ташкилотларнинг шакллари турлича, турли хил даражаларини қамраб олади, лекин улар келгусида ҳавзвавий ташкилотларни кўпайтиришнинг моделлари бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Марказий Осиё давлатларида Собиқ иттифоқ даврида сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги сиёсатни (сув сиёсатини) давлат томонидан белгилаб берилган. Бунда мунтазам равиша “Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шаклий лойиҳалари (СРМФвАМҚ шаклий лойиҳаси)” ишлаб чиқилган ва бу ҳужжатга қонун мақоми берилиб, барча томонидан риоя этилиши мажбурий этиб белгиланган. Бу ҳужжат сув ресурсларини ҳавзаний бошқаришни режалаштириш бўйича энг тўлиқ ва классик ҳужжат ҳисобланган. Ҳозирда ҳам бу ҳужжат айрим мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда ишлаб чиқилади ва сув ресурсларини барқарор бошқарилишини таъминлашда муҳим асос ҳисобланади.

Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар ичида сўнгги давр ичида ҳавзаний ташкилотларини ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларида нисбатан каттароқ тажрибага эга бўлган давлат Қозоғистон ҳисобланади. 2006-2007 йилларда Қозоғистонда йирик гидрографик ҳавзалар бўйича 8 та ҳавзаний кенгашлар ташкил этилган. Мазкур масала бўйича минтақада кўпроқ ривожланган Қозоғистон тажрибасига кенгроқ тўхталиб ўтамиз.

Таъкидлаш лозимки, Қозоғистонда ҳавзаний кенгашларга ҳавзаний сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари раҳбарлик қилсаларда, улар ҳавзаний сув хўжалиги бошқармаларининг ёрдамчи органлари ҳисобланмайдилар. Амалда мамлакат Сув кодексида ҳавзаний кенгашларда вилоятлар, Алмати ва Астана шаҳарларининг ҳокимлари ҳамда маслаҳатлари, иқтисодиёт соҳаларининг ҳудудий бўлимлари ва турли сув истеъмолчиларининг вакилларини иштирокларига бирдек аҳамият берилади. Умуман, ўзининг таркиби бўйича ҳавзаний кенгашлар Қозоғистонда – ваколатли давлат органлари, сув истеъмолчилари, сув хўжалиги ва турли манфаатдор жамоатчиликнинг вакиллари ўзларининг ўзларининг манфаатларини ифода этувчи, ҳавзаний келишувларнинг бажарилишини кўриб чиқувчи, ҳамда унинг иштирокчилари учун тавсияларни биргаликда ишлаб чиқишида иштирок этувчи консультатив-маслаҳат органи ҳисобланади. Бошқа томондан мазкур орган муайян даражада мустақил юридик шахс мақомига эга бўлмаган тармоқлараро органдан иборат.

Ҳавзаний кенгашларни ташкил этилиши ва фаолияти билан боғлиқ энг умумий ҳолатлар Сув кодексининг 43 моддаси билан тартибга солинади. Сув кодексида қисқа талқинда бўлғуси ҳавза кенгашларини ташкил этишининг ҳуқуқий асоси ва уларнинг ҳуқуқий мақоми, таркиби ва фаолиятини ташкил этиш тартиби бўйича умумий талаблар ҳамда умумий ҳолда уларнинг компитенциялари белгилаб берилган. Ҳавзаний кенгашларга оид батафсил ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлар Сув ресурслари давлат қўмитасининг 2004 йил 21 апрелдаги 71-сонли “Ҳавзаний кенгашлар ҳамда Ҳавзаний келишувларни тайёрлаш ва тузиш бўйича намунавий Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи билан белгилаб берилган. Мазкур буйруқка асосан ҳавзаний сув хўжалиги бошқармаларига:

1) Ҳавзаний кенгашларни тузиш ва намунавий Низом асосида уларнинг низомини тасдиқлаш;

2) Тегишли ҳавза ҳудудида жойлашган маҳаллий ижро органлари ва бошқа субъектлар билан ҳамкорликда сув обьектларини қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳавзаний келишувларни ишлаб чиқиш ва имзолашни ташкил этиш вазифалари юклатилган.

Бундан ташқари Ҳавзаний кенгаш тўғрисидаги намунавий Низом тасдиқланиб, унинг асосида Қозогистоннинг 8 та асосий гидрографик ҳавзаларининг ҳар бири бўйича индивидуаль низомларни тасдиқлаш тавсия этилган. Аммо Сув ресурслари Қўмитасининг мазкур буйруғи ўрнатилган тартибда норматив-хуқуқий ҳужжат сифатида расмийлаштирилмаганлиги туфайли тармоқнинг ички мъёрий ҳужжати ҳисобланади ва бошқа давлат органлари ҳамда хуқуқ субъектлари учун тавсия характеристига эга.

Сув кодексининг 43 моддасида ҳавзаний кенгаш «ҳавзаний келишув» доирасида тузулиши белгиланган. Ҳавзаний келишувлар кўп томонлама ва икки томонлама шаклларда тузилиши мумкин. Мазкур юридик ҳужжат юридик ихтиёрий асосда турли субъектларнинг ҳавзадаги сув ресурсларидан рационал фойдаланиш бўйича ихтиёрий равишдаги ҳамкорликдаги ҳаракатларини белгилаш имконини беради. Ҳавзаний келишувлар кўп томонлама шаклда ҳавзадаги асосий бошқарувчилар ва сув истеъмолчилари ўртасида, икки томонлама шаклада масалан ҳавза сув хўжалиги бошқармаси ва муайян сув истеъмолчиси ўртасида тузилиши мумкин. Шунингдек ҳавзаний келишувлар ҳалқаро шаклда трансчегаравий сув ҳавзаси шароитида мамлакатларнинг давлат органлари ва сув истеъмолчилари асосида тузилиши мумкин. Шундай қилиб ҳавзаний келишув берилган муайян ҳавзаний кенгаш учун фаолият предметини белгилаб берувчи муҳим юридик ҳужжат бўлиб, амалда ҳавзадаги томонларнинг мажбуриятлари билан мустаҳкамланган сув хўжалиги тизимини экологик барқарор ривожлантириш шароитида сув сифати ва сувнинг зарурий ҳажмига эришиш йўлидаги ҳаракатлар дастури ҳисобланади.

Ҳавзаний кенгашни ташкил этишидан мақсад ва вазифалар

Кенг маънода ҳавзаний кенгашнинг мақсади сув ресурсларини интеграл бошқаришни амалга оширишнинг зарурий ташкилий асосларини таъминлашдан иборат. Мазкур таъриф Сув ресурслари бўйича давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган Намунавий Низомда берилиб, унда ҳавзаний кенгашларни тузишдан мақсад сифатида давлат ва нодавлат субъектлари ўртасида сув ресурсларини бошқариш бошқариш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалрида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда ҳаракатларни мувофиқлаштириш деб белгиланган.

Намунавий Низом асосида Ҳавзаний кенгашларнинг асосий вазифалари қаторига қўйидагилар киритилган:

- ҳавзанинг сув фондидан самарали фойдаланиш ва уни муҳафаза қилишнинг долзарб муаммоларини биргаликда муҳокама қилиш;
- сув фондини бошқариш, ундан самарали фойдаланиш ва уни муҳафаза қилиш масалалари бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

- майян сув хўжалиги ҳавзасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари ва режалари бўйича таклифлар тайёрлаш;
- мутасадди органлар ва донорлар кўриб чиқиши учун муайян ҳавзада инвестицион лойиҳалар пакетини тузган ҳолда молиялаштириш ва тарифларни белгилаш вариантларини тайёрлаш;
- сув ресурсларини интеграл бошқариш ҳамда сув муаммолари ечимиға жамоатчиликни жалб этиш лойиҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- сев ресурсларининг интеграл режалаштириш ва бошқаришда сув пратнерлиги даражасини кўтариш, давлат органлари, сув истеъмолчилари ҳамда жамоатчили ўртасида маълумот алмашинувини таъминлаш;
- сув объектларини қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш масалаларида бирлашиш, фаолиятларни мувофиқлаштириш ҳамда ҳамкорликдаги тадбирларни амалга ошириш бўйича ҳавзани келишувларни тайёрлаш.

Таъкидлаш лозимки, турли ҳавзани кенгашларнинг вазифалари фарқ қилиши мумкин. Жумладан, трансчегаравий ҳавзаларда сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни амалаг ошириш билан боғлиқ вазифалар кўзда тутилиши лозим. Ҳавзани ташкилотларнинг вазифаларига сезиларли таъсир этувчи омил тегишли ҳавзадаги сувда фойдаланиш тузилмаси ҳисобланади. Умуман, вазифалар ҳавзани келишувлар иштирокчилари ёки муайян кенгаш учун низомни тасдиқловчи орган ёки ташкилотлар томонидан белгиланади.

Ҳавзани ташкилотларнинг таркиби

Таҳлиллар кўрсатадики ҳавзани кенгашлар таркиби асосан амалдаги низомлар асосида шаклланади. Ҳавзани кенгашлар кирувчи иштирокчиларнинг қуидаги тоифаларини кўрсатиш мумкин:

1) масалан, Қозогистон мисолида Сув кодексида белгиланган – гидографик ҳавза ҳудудида жойлашган ҳавзани сув хўжалиги бошқармалари ҳамда вилоятларнинг ҳокимият ва маслаҳатлари (Астана ва Олмаота шаҳри) нинг раҳбарлари;

2) сув фондидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги компитенциялари асосида белгиланадиган марказий тармоқ вазирликларининг (министрлик, комита, агентлик) ҳудудий бўлимлари раҳбарлари;

3) сув истеъмолчиларининг вакиллари;

4) жамоат бирлашмаларининг вакиллари;

5) бошқа ташкилотлар вакиллари.

Биринчи гурухга киритилган иштирокчилар учун ҳавзани кенгашларда фаолият кўрсатиш қонуний асосда ўрнатилган мажбурият ҳисобланади. Берилган гидографик ҳавза ҳудудида жойлашаган вилоятларнинг ижро ҳокимияти органлари (Астана ва Олмаота), мажбурий тарзда ҳоким ёки унинг ўринбосари мисолида ҳавзани ташкилотлар ишида иштирок этишлари лозим, вакиллик органлари эса сессия раиси ёки маслаҳат секретари мисолида

иштирок этади. Ҳавзавий сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи шахсан иштирок этади ва сув кодекси талабига кўра ҳавзавий кенгаш ишига раҳбарлик қиласди.

Иккинчи гурухга киритилган иштирокчилар ичидан муайян ҳавза учун уларнинг ув фондидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги компитенциялари бўйича энг муҳимларини аниқлаб олиш лозим. Умуман мазкур гурухни қуйидаги тармоқлар давлат органлари ҳисобига шакллантириш тавсия этилади:

- табиатни муҳофаза қилиш соҳасида давлатнинг ваколатли органи;
- аҳолининг санитар-эпидимиологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлатнинг ваколатли органи;
- ер қаъри бойликларидан фойдаланиш соҳасида давлатнинг ваколатли органи;
- фавқулодда вазиятлар соҳасида давлатнинг ваколатли органи;
- гидроэнергетика соҳасида давлатнинг ваколатли органи;
- ўрмон хўжалиги соҳасида давлатнинг ваколатли органи;
- балиқ хўжалиги соҳасида давлатнинг ваколатли органи;
- бошқа марказий тармоқ вазирликлари.

Ҳавзавий кенгашларда юқорида кўрсатиб ўтилган соҳалар уларнинг мазкур сув ҳавзасида жойлашаган ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ёки уларнинг муовинлари мисолида иштирок этишлари лозим. Таъкидлаш лозимки, мазкур гурухдаги потенциаль иштирокчилар сони жуда қўп бўлиши мумкин. Тузилаётган ҳавзавий кенгаш ишини фаолляштириш учун уларнинг сонини энг муҳимларини танлаш ҳисобига чеклаш лозим.

Сув кодекси талабига кўра ҳавзавий кенгашда албатта сув истеъмолчилари вакили иштироки таъминланиши лозим. Бунда муҳим омиллардан бири турли манфаатлар (қишлоқ хўжалиги, гидроэнергетика, ичимлик сув таъминоти ва х.о.) балансини таъминлаш ҳисобланади. Манфаатдор томонлар ҳавзавий кенгаш таркибида нафақат сув истеъмолчилари балки жамоат ташкилотлари вакиллари сифатида ҳам қатнашиши мумкин, лекин уларнинг игтироқи шарт этиб белгиланмаган.

Ҳавзавий ташкилотларнинг тузилиши

Ҳавзавий кенгашларнинг тузилиши унинг иштирокчилари томонида мустақил равишда белгиланади. Масалан Қозоғистон мисолида ҳам Сув кодексида ҳавзавий кенгашлар тузилишига оид асосан иккита талаб қўйилган:

- Ҳавзавий кенгаш ишига муайян ҳавзавий сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи раҳбарлик қиласди;
- Ҳавзавий сув хўжалиги бошқармаси кенгаш ишини ташкил этади, яъни амалда секретариат ролини бажаради.

Шундай қилиб, ҳавзавий ташкилотлар тузилмасини белгилашда ҳалқаро тажрибага таяниш мумкин. Ҳалқаро тажрибада ҳавзавий ташкилотларнинг турли шу жумладан анча мураккаб тузилмалари учрайди. Жумладан, Францияда ҳавзавий қўмиталар тўрта коллегиядан (сув истеъмолчилари коллегияси, депутатлар коллегияси, Франциянинг иқтисодий ва ижтимоий

кенгашлари вакиллари коллегияси, давлат маъмуряти вакиллари коллегияси) иборат. Коллегиялар аъзоларининг умумий миқдори айрим ҳавзалар бўйича 61-114 кишини ташкил этади. Бу органлар моҳияти бўйича сув масалалри бўйича маҳаллий парламент ҳисобланади. Аммо ҳар бир ҳавзада ҳам бундай мураккаб ва қатъий тузилмага эга кенгашлар бўлиши шарт эмас. Чунки бу анча қиммат ва ишини ташкил этишда мураккабликлар келтириб чиқаради. Масалан ҳавзавий кенгашлар қарорлари маслаҳат мақомига эга бўлган Қозоғистон тажрибасида сув хўжалиги бошқармаси ходимлари ҳисобидан ҳавзавий кенгаш котиби тайинланади. Кенгаш котиби кенгаш мажлисларини ўтказишида ташкилий масалаларга масъул этиб тайинланади. Бироқ бошқа вариантлар ҳам танланиши мумкин. Қозоғистон тажрибасига кўра алоҳида қатнашчилари гурухи учун 20 фоизли квота белгиланган ва ҳавзавий кенгашларнинг самарали фаолияти уларнинг аъзолари сони 10-25 киши бўлганда таъминланган.

Қонунчиликда ҳавзавий кенга аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш уларнинг ички иши деб қўрсатилади. Одатда кенгашнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун кенгаш аъзоларига қўйидаги ҳуқуқлар берилади:

- регламент асосида ҳавзавий кенгаш қарорларини муҳокама ва қабул қилишда қатнашиш;
- ҳавзавий кенгаш мажлисларида муҳокама қилиш учун масалаларни тайёрлаш;
- ҳавзавий кенгаш фаолиятига оид ҳужжатлар ва маълумотлар билан танишиш;
- ҳавзавий кенгаш мажлислари ўтказиладиган вақти, жойи ва унинг кун тартиби тўғрисида ўз вақтида маълумот олиш;
- ҳавзавий кенгаш мажлисларини ўтказиш ва унинг фаолияти тартибига оид эътиroz ва таклифларни киритиш;
- ҳавзавий кенгаш томонидан тузиладиган ишчи гурухларда иштирок этиш;
- ҳавзавий кенгаш мажлисларига эксперталарни, мутахассисларни, турли давлат органларии, ташкилотлар ва манфаатдор жамоатчилик вакилларини таклиф этиш бўйича таклифлар киритиш;
- ҳавзавий кенгаш фаолиятини режалаштиришда иштирок этиш;
- қонунчилик ва ҳавзавий кенгашнинг ички меъёрий ҳужжатлари асосида бошқа ҳуқуқий фаолиятларни амалга ошириш.

Ҳавзавий кенгаш аъзоларига қўйидаги мажбуриятлар юкланади:

- орган ишида шахсан иштирок этиш;
- ҳавзавий кенгаш мақсад ва вазифаларининг бажарилишига амалий ёрдам қўрсатиш;
- ҳавзавий кенгаш мажлисларида ва кун тартиbidаги масалалр муҳокамасида фаол иштирок этиш;
- ҳавзавий кенгаш мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмагандан ўз вақтида огоҳлантириш;

- ҳавзавий кенгашнинг Низоми, регламенти ва бошқа ички хужжатлари талабини бажариш;
- ўз ташкилотининг ҳавзавий кенгашда амалга оширилаётган ишлар ва қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида хабардорлигини таъминлаш;
- манфаатлар тўқнашуви талабларини бажариш.

Ҳавзавий кенгаш регламенти

Ҳавзавий кенгашларнинг асосий иши мажлислар кўринишида ташкил этилади. Шунинг учун уларни ўтказишнинг аниқ шароитлари ва тартибини ўрнатилиши мазкур органнинг ишини очик ва манфаатдор жамоатчилик учун тушунарли бўлишини таъминлайди. Мазкур масалалар ҳавзавий кенгашнинг ўзи томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган маҳсус регламент доирасида тартибга солинади. Улар турли ҳавзавий ташкилотларда турлича бўлиши мумкин. Жаҳондаги ҳавзавий ташкилотлар фаолияти таҳлили асосида ҳавзавий кенгашларнинг регламенти мазмuni ва тузилмасига қуйидаги бўлимларни киритиш тавсия этилади:

- умумий масалалар;
- мажлисга тайёргарлик ва уни ўтказиш тартиби;
- масалаларни ҳавзавий кенгаш мухокамасига олиб чиқиш тартиби;
- қарорларни қабул қилиш тартиби;
- ҳавзавий кенгашнинг ёрдамчи органлари;
- кузатувчилар ва таклиф этилган шахсларни кенгаш мажлисидаги иштироки;
- бўлғуси фаолиятни режалаштириш.

Регламентнинг умумий масалалар бўлимида ҳавзавий кенгашнинг ҳуқуқий мавқеи ва фаолиятидаги асосий, жумладан унинг жамоатчилик учун очиқлиги ва қарорларни коллегиаль характерда қабул қилиниши каби принципларни белгилаб қўйилиши муҳим ҳисобланади. Мажлисларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш бўлимида уларни ўтказиш формаси ва тили, муддати ва улар орасидаги вақт ва бошқа умумий шароитлар кўрсатилади. Умуман регламентга киритилган масалалар ўхшаш бўлиб, бундай ташкилотлар учун деярли бир хил бўлади. Ҳавзавий кенгашларнинг ишида стабил характерни таъминлаш мақсадида унинг ишини режалаштириш лозим бўлади. Режалаштириш жараёнида кенгаш аъзолари фаол иштирок этишлари лозим.

Сўнгги йилларда минтақада биринчилар қаторида ташкил этилган ҳавзавий ташкилотларга мисол сифатида “СРИБ – Фарғона” лойихаси доирасида Фарғона водийсида ташкил этилган “Канал Сувдан Фойдаланувчилари Иттифоқи (КСФИ)”ни келтириш мумкин. Мазкур ҳавзавий ташкилот Сув ресурсларини бошқариш (СРИБ)га ўтишда ўша даврда худудда мавжуд бўлган ва пилот-каналларини бошқаришнинг маъмурий худудий тамойилига асосланган ташкилий тузилмага муқобил

вариант сифатида, ўзининг тузулмавий бўлинмаларга эга жамоатчилик органи сифатида ташкил этилган эди. Дастреба бу янги тузилма фақатгина жамоатчилик органи бўлиши режалаштирилган, бироқ бундай ёндашув минтақа шароитида қатор муаммоли масалаларга олиб келганлиги туфайли амалдаги қонунчилик тартиби асосида пилот-каналнинг “Канал Сувдан Фойдаланувчилари Иттилоғи (КСФИ)”си номидаги юридик шахс мақомини олган ташкилотга айлантирилган.

КСФИнинг ташкилий тузилмаси қуйидаги тарзда ифодаланган:

- КСФИнинг умумий йиғилиши – КСФИнинг олий органи;
- КСФИнинг кенгаши – КСФИнинг ижро органи;
- КСФИ кенгашининг бошқаруви – КСФИ кенгашининг жорий фаолиятларига жавоб берувчи ижро орган.

КСФИ канал ҳавзасидаги барча мафаатдор томонларни жалб этиш асосида сувни тақсимлаш масалаларини ечишнинг намунаси ҳисобланади. КСФИ таркибига сув ресурсларидан фойдаланишдан манфатдор бўлган сувдан фойдаланувчиларнинг вакиллари, сув хўжалиги ташкилотлари, хокимиятнинг махаллий органлари ва бошқа ташкилотлар киритилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳавзавий ташкилотларнинг ривожланиши ўйлидаги яна бир қадам Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Марказий Осиё минтақавий экологик маркази (МОМЭМ) томонидан амалга оширилаётган, АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги томонидан молиялаштирилган «Марказий Осиёда сув, таълим ва ҳамкорлик (Smart Waters), лойиҳаси ҳамкорлигида қўйилди. 2018 йилнинг 20 июлида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Подшоатасой дарёси ҳавзасида Подшоатасой дарёси ҳавзасида жойлашган турли сув хўжалиги мажмуаси қатнашчилари ва МОМЭМ вакиллари иштирокида ўтказилган таъсис мажлисида Подшоатасой дарёси ҳавзасида кичик ҳавзавий кенгаш тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мажлис қарорига қўра кичик ҳавзавий кенгаш алоҳида юридик шахс эмас балки расмий ташкил этилган маслаҳат-кенгаш платформаси бўлиб хизмат қиласи. Кичик ҳавзавий кенгаш (КҲК) нинг раиси этиб Норин-Сирдарё Ирригация тизимлар ҳавза бошқармаси бошлиғи ўринбосари С.Мехмонов сайланган. Подшоот дарёсининг Ўзбекистон қисми бўйича тузилган мазкур КҲК аъзолари Подшоота дарёсининг сув ресурсларини бошқариш ва муҳофаза қилиш бўйича шу дарёning Қирғизистон қисми бўйича аввалроқ ташкил этилган КҲК билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирган.

Шунингдек сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳавзавий ташкилотларнинг яна бир ўзига хос тури Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти (ГИЗ) ҳамкорлигида Европа ҳамжамиятининг “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш” лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Қашқадарё вилоятидаги “Оқсув” ва Андижон вилоятидаги “Шахрихонсой” дарёлари ҳавзаларида “Ишчи гурух” кўринишида ташкил этилган мазкур ҳавзавий

кенгашларнинг тузилиши ҳам 2018 йилга тўғри келади. Мазкур ёш ҳавзаний ташкилотлар дастлабки иш тажрибаларини йиғиб бормоқдалар.

Маълумки Сув ресурсларини интеграл бошқариш (СРИБ) принципларини жорий этишнинг энг катта афзалликларидан бири минтақанинг барқарор тараққиёти учун мухим бўлган вазифаларни амалга ошириш, жумладан сув ресурсларини барқарор бошқариш ва улардан самарали фойдаланишида ҳавзаний кенгашларни ташкил этиш асосида тармоқлараро мувофиқлаштириш механизмни яратиш имконини беради. Бундай ёндашув бошқарувнинг барча даражаларида ҳаракатларни мувофиқлаштириб, уларнинг синергизмини таъминлайди.

СРИБнинг биринчи принципи – сув ресурсларини ҳавза даражасида гидографик чегаралар асосида бошқариш – сув истеъмолчиларининг қайерда жойлашганлигидан (оқим бўйича юқори ёки пастда) қатъий назар уларнинг турғун ва teng ҳуқуқли сув билан таъминланиши кафолати ҳисобланади. Жамоатчиликнинг режалаштириш жараёнида, жумладан жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар асосида фаол иштирок этиши барча сув истеъмолчилар манфаатларини эътиборга олиш имконини беради. Бугунги кунда сув ресурсларини муҳофаза қилиш, сақлаб қолиш ва сувдан фойдаланиш маҳсулдорлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича манфаатдорликни жорий этиш зарурияти тўғрисида жамоатчилик фикрини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳавзаний ташкилотларнинг ташкил этилиши ва ривожланиши

Сув ресурсларини интеграл бошқариш асосида ётувчи асосий принципларнинг бири мазкур соҳада бошқарув жараёнига кенг манфаатдор жамоатчилик вакилларини жалб этишдан иборат. Сўнгти ўн йилликларда чоп этилган халқаро илмий адабиётлар шарҳидан ҳам сув ресурсларини самарали бошқариш ва барқарор тараққиётга эришишнинг зарурий шарти жамоатчилик иштирокини таъминлаш бўлади деган холоса келиб чиқади.

Юқорида таъкидланганидек моҳияти жиҳатидан ҳавзаний кенгашлар ўзида жамоат кенгашларини ифода этади ва давлатнинг сув ресурсларини барқарор бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларида жамаатчилик билан маслаҳатлашувининг энг илғор ва мақбул маслаҳатлашви механизмларидан бири ҳисобланади. Ҳавзаний кенгашларнинг фаолиятида ижобий натижаларни таъминловчи ўзига хосликлардан бири (масалан Франция ва Қозоғистон тажрибаси мисолида) уларни давлатнинг сув ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланиши ташкил этиш тизимига интеграллашганли ва қонунчили асосида мустаҳкамланганлигидир. Яъни улар давлат органларнинг жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлигини таъминлаш учун маҳсус тузилган шунчаки тузилма эмас. Мазкур ҳолатда сув истеъмолчилари ва нодавлат ташкилотларининг вакилларини давлатнинг сув ресурсларини бошқариш ташкилотларидан бирида тўла ҳуқуқли (консультатив-

маслаҳат мавқеида бўлса ҳам) аъзоси бўлиши кўзда тутилган. Амалий жиҳатдан жамоатчиликнинг ҳавзавий кенгашларнинг ишида муваффақиятли иштирок этиш формалари турли мамлакат, ҳавза ва минтақалар шароитларида турлича бўлиши мумкин. Аммо жамоатчиликнинг қарорлар қабул қилишда муваффақиятли иштирок этишларида зарурӣ ва асосий шарт маълумотга эга бўлишларини таъминлаш ҳисобланади. Мазкур масаланинг яна бир муҳим жиҳати ҳавзавий кенгашларда аъзо бўладиган сув истеъмолчилари ва жамоат ташкилотлари вакилларини аниқлашга тўғри ёндашишдир. Уларнинг конкрет ҳавзадаги шаклланган сувдан фойдаланиш тузилмасини тушунишлари ва кенг спектрли манфаатларни кўзлашлари жуда муҳим. Алоҳида олинган ҳавзаларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг манфаатлари каттароқ бўлса бошқаларида саноат тармоқлари ёки бошқа сув хўжалиги мажмуаси қатнашчиларининг манфаатлари катта бўлиши мумкин ва бу ҳолатлар ҳар бир ҳавзавий кенгаш таркибини шакллантиришда эътиборга олиниши лозим. Бошқа томондан айрим ҳолларда ҳавзавий кенгаш таркибини шакллантиришда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг манфаатлари уларнинг вакиллари сифатида сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан ифодаланиши қулай ва самарали бўлса, саноат соҳаси вакиллари учун ҳавзавий кенгашда аъзо сифатида қатнашиш жуда катта ҳал қилувчи аҳамият касб этмаслиги ҳам мумкин. Албатта ҳавзавий кенгашга сув истеъмолчилари ва нодавлат ташкилотлар ўз вакилларини ўзлари юборишлари идеал вариант бўларди. Бироқ буни амалга ошириш турли сабаблар (ташкилий, молиявий..) туфайли мураккаб бўлади, шунинг учун ҳавзавий кенгаш таркибида турли сув истеъмолчилари ва жамоатчилик сектори вакилларининг бўлишларини таъминлашга эътибор қаратиш лозим. Бунда турли сув истеъмолчилари ва жамоатчилик сектори вакиллари иштирок этган ҳолларда ҳам, ҳавзавий кенгашнинг иши унда иштирок этмаётган манфаатдор томонларнинг вакиллари учун очик ва тушунарли бўлиши керак. Буни айниқса ҳавзавий кенгашнинг низомини, регламентини ва бошқа ички ҳужжатларини ишлаб чиқишида, масалан, уларга мажлисларни очик тарзад ўтказилиши, кўриб чиқилаётган ҳужжатлар ҳамда қабул қилинаётган қарорлар текстининг очиқлиги, кенгаш мухокамасига таклифлар киритиш мумкинлиги каби талабларни киритиш орқали эътиборга олиш жуда муҳим. Бундай қадамлар жамоатчилик томонидан ҳавзавий кенгаш фаолиятига юқори даражада бўлишини таъминлайди, ҳамда унинг ишида иштирок этувчи манфаатдор томонлар кўламини камайишини олдини олади. Умуман ҳавзавий кенгаш кўринишидаги органнинг бўлиши қабул қилинаётган қарорларда, масалан сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича дастурий ва меъёрий ҳужжатларни, турли хўжалик қарорлари лойиҳаларини кўриб чиқишида жамоатчиликнинг иштирокини таъминлашда яхши институционал асос яратади. Бу эса миллий қонунчилик ва халқаро конвенцияларнинг жамоатчилик иштирокини таъминлаш талабларини бажариш бўйича харажатларни сезиларли даражада камайтиради, кўрилаётган масалаларнинг ҳавзанинг сув обьекти ҳолатига таъсир этувчи турли жиҳатларини чуқурроқ кўриб чиқиш имконини беради.

Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолад ҳавзанинг кенгашларни шакллантириш жараёнини ҳар бир ҳавзанинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олувчи бир неча босқичларга бўлиш мумкин. Ҳавзаний кенгашлар ҳавзанинг сув ресурсларини самарали бошқарищдан манфаатдор бўлган барча томонларнинг вакиллигига асосланган орган бўлиши лозим, шунинг учун унинг шаклланишини дастлабки кунлариданоқ манфаатдор томонларнинг хабардорлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Ташаббускор (иши) гурух шаклланиши

Амалда ҳавзаний кенгаш тузилиши жараёни ташаббускор (иши) гурухнинг тузилишидан бошланади ва унинг аъзолари дастлабки даврданоқ унинг ташкил этиш билан боғлиқ тадбирларда фаол иштирок этадилар. Мазкур гурухнинг шаклланиши жараёнини ҳавзаний сув хўжалиги бошқармаси ташаббуси билан бошланади. Масалан Қозогистон тажрибасида бунинг учун ҳавзаний сув хўжалиги бошқармаси раҳбарияти ҳавзаний кенгашни тузиш бўйича ҳамкорлар доирасини аниқлаб олади. Бунинг учун маҳсус услубий тавсияномада фойдаланиш мумкин. Ташаббусни амалга оширишда зарур бўладиган мобиллик ва харажатларни эътиборга олиб ташаббускор гурухни таркиби бўйича ихчам тузиш тавсия этилади. Амалда ҳавзаний сув хўжалиги бошқармаси жойлашган шаҳардаги ташкилотлар билан ишлаш қулайроқ. Ҳавзада кенгаш тузилишида манфаатдор бўлиши мумкин бўлган ҳалқаро ва донор ташкилотлар ҳамда сув истеъмолчилари билан информацион ва техник ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Сўнгра ҳавзаний сув хўжалиги бошқармаси ҳавзаний кенгаш тузиш масаласи бўйича ташаббускор гурухга жалб этиш режалаштирилган турли давлат ва бошқа турдаги ташкилотлар вакиллари билан мулоқотга киришуви зарур. Бу ишни қуидаги бандлар киритилган турли информацион расмий хатлар тайёрлашдан бошлаш мумкин:

- берилган гидрографик ҳавза бўйича кенгаш тузиш мақсади, унинг ҳуқуқий асослари ва тайёргарлик ишларини бошланганлиги ҳақидаги ахборот;
- таклиф этилаётган ташкилотнинг ҳавзаний кенгаш ишидаги иштирокининг муҳимлиги ва аҳамияти, айрим ҳолларда амалдаги қонуний асосларнинг талабларини ёритиш;;
- айнан қайси мансабдор шахс (мансабдор шахслар) таклиф этилаётган ташкилот номидан ҳавзаний кенгашда қатнаashiши ваколати мавжудлиги ва қандай ҳолларда ваколатини бошқага опшириши мумкинлигини кўрсатиб ўтиш;
- ҳавзаний кенгашни тузиш бўйича тайёргарлик ишларида қатнашиш учун масъул шахсни белгилаш сўралган расмий таклифнома.

Имкон даражасида бундай хизмат хатларини мазмуни бўйича мос бўлган сув хўжалиги вазирлиги номида берилган хат билан қўшиб юборилиши мақсадга мувофиқ.

Расмий хатлар юборилгандан сўнг ташаббускор гурух таркибига таклиф этилган ташкилотлар раҳбарлари билан ҳавзаний кенгаш тузулиши бўйича

шахсий учрашувларни ўтказиш мақсадга мувофиқ. Дастраси босқичда берилган тушунтиришлар таклиф этилган ташкилот томонидан қўллаб қувватлаш хоҳишини олиш имконини оширади. Шундан сўнг ҳавзаний кенгаш тузиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатларнинг конкрет режаларини ва таклиф этилган ташкилотнинг конкрет вакилининг иштирокини муҳокама қилиш мумкин.

Мазкур учрашувлар вақтида ҳавзаний сув хўжалиги ташкилотининг маҳаллий хокимият ва вакиллик органларининг тегишли розиликларига эга бўлиши жуда муҳим ҳисобланади. Якунда ҳавзаний кенгаш тузиш бўйича одатда бир неча кишидан иборат бўлган кичик ташаббускор гурухни тузиш лозим. Ҳавзаний кенгашни тузиш бўйича навбатдаги босқич ишлари шакллантирилган ташаббускор гурух доирасида олиб борилади.

Ташаббускор гурухнинг тайёргарлик ишлари

Ташаббускор гурух ўз фаолиятини ўзи бажариши лозим бўлган вазифалар доирасини аниқлашдан бошлади. Яъни ташаббускор гурух ҳавзаний кенгашнинг потенциаль аъзолари рўйхатини аниқлаши, ҳавзаний кенгаш фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилувчи мъёрий хужжатлар (Низом ва регламент) лойиҳасини ҳамда ҳавзаний кенгашнинг дастлабки иш режасини ишлаб чиқиши зарур. Мазкур фаолият эса ташаббускор гурухнинг ҳамкорликдаги учрашувлари, алоҳида масалаларни ишчи сув хўжалиги бошқармалари вакиллари билан ишчи тартибда ўтказиладиган маслаҳатлар, маълумотлар алмашинуви ва бошқа воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Тайёргарлик босқичида молиявий имкониятларга боғлиқ ҳолда ташаббускор гурух ҳавзаний кенгашнинг ташкил этилиши билан боғлиқ маълумотларни, унинг барча потенциаль аъзоларига ҳамда сув истеъмолчилари ва манфаатдор жамоатчиликка етказиш тадбирларини ҳам ўтказиши мумкин. Информацион кампания семинарлар, давра сұхбатлари, ташаббускор гурух аъзоларини гидрографик ҳавза доирасида жойлардаги сайёр учрашувларни ўтказиш йўли билан ташкил этилиши мумкин. Мазкур тадбирларнинг асосий мақсади - манфаатдор томонларни ташкил этилаётган ҳавзаний кенгашнинг мақсад ва вазифалари, унинг ишида иштирок этишнинг афзалликлари билан таништириш ва бошқалардан иборатдир. Информацион кампанияни ўтказишида маҳсус тайёрланган буклет ва материаллардан фойдаланиш мумкин.

Ҳавзаний кенгашнинг низоми намунавий низом асосида ишлаб чиқилади. Бунда ҳавзаний кенгашнинг мақсад ва вазифалари, кенгаш томонидан кўриб чиқиладиган хужжат ва материаллар, тузиладиган консультатив-маслаҳат органининг таркиби ташаббускор гурух томонидан муайян ҳавзанинг ўзига хос шароитлари ва талабларидан келиб чиқсан ҳолда қайта ишлаб такомиллаштирилади. Низомнинг ҳавзаний кенгаш иш тартиби ва мажлисларини ўтказиш билан боғлиқ бўлимлари ҳам тегишли гидрографик ҳавза шароитларига мосланиб батафсил ёритилади. Ҳавзаний кенгашнинг регламенти эса унинг Низомига нисбатан ташаббускор гурух томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилади. Бу ишга маҳсус юрист жалб этилиши ҳам мумкин.

Тайёргарлик ишлари давомида ташаббускор гурух томонидан ташкил этилаётган кенгаш аъзоларининг дастлабки рўйхати шакллантирилади. Таъкидлаш лозимки, кенгаш таркибига мажбурий тарзда биринчи навбатда берилган гидрографик ҳавзада жойлашган ҳавза сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, вилоятлар ва вилоят кенгашлари раҳбарлари киритилиши лозим. Ваколатли вазирликлар ва бошқа соҳаларнинг худудий бўлинмалари раҳбарлари эса уларнинг гидрографик ҳавза бўйича тузилган тузилган дастлабки рўйхати (агар у жуда катта бўлса, унинг мувофиқ равишда қисқартирилган версияси) асосида киритилади. Энг мухим сув истеъмолчилари ва жамоатчилик бирлашмалари учун маҳсус рўйхат тузилади (рўйхат жуда катта бўлса, улар ҳавзанивий кенгашга вакилини юборувчи уюшмаларга бирлаштирилади). Шунинг учун

Кенгашнинг потенциаль аъзоларини танлаш меъзонлари белгиланади. Масалан, ҳавза даражасидаги вакиллилик, профессионализм, компитентлик, иштимоий фаоллик, қатнашишдан манфаатдорликнинг мавжудлиги каби меъзонлардан фойдаланиш мумкин. Бу сув истеъмолчиларива жамоат ташкилотлари рўйхатини керакли миқдоргача камайтириш имконини беради.

Шунингдек ҳавзвавий кенгаш фаолиятига мазкур гидрографик ҳавзада жойлашган трансчегаравий сув обьекти бўйича қўшни мамлакатларнинг тегишли ҳавзвавий бошқармаларини ҳамда туман ёки алоҳида аҳоли пункти даражасидаги маҳаллий ижро ва вакиллик давлат органларини жалб этиш тавсия этилади.

Ҳавзвавий кенгаш аъзоларининг дастлабки рўйхати ҳавзвавий сув хўжалиги бошқармаси томонидан тегишли изоҳлар билан тузилади ва сўнгра ташаббускор гурух аъзоларидан, турли ташкилотлардан тарқатилган дастлабки информацион хабарнома бўйича тушган ва турли потенциал аъзолар билан ўтказилган музокаралар ватида тушган таклифлар асосида қайта ишланади. Адабиётлар таҳлили асосида ҳавзвавий кенгашга аҳзо ташкилотларнинг сони 10-25 табўлиши тавсия этилади, чунки ундан кам сонда ҳавзвавий кенгашда етарли даражада вакиллилик мавжудлигини таъминлаш қийин бўлса, ундан кўп бўлган ҳолларда кенгаш иши самарадорлигини таъминлаш мураккаб бўлади. Ҳавзвавий кенгаш аъзоларининг рўйхати – ташкилот номи, конкрет аъзоларнинг фамилияси ва исми шарифи ҳамда боғланиш маълумотларини ўз ичига олади.

Навбатдаги қадамда ташаббускор гурух томонидан ҳавзвавий кенгашнинг биринчи мажлисини ўтказиш бўйича дастлабки муддатларни ҳамда унинг кун тартибини белгиланади. Муддатларни белгилашда кўпчилик кенгаш аъзолари учун қулай бўлиши учун, улар (айниқса энг мухим аъзолар) билан маслаҳатлашиш муҳимдир. Биринчи мажлисда кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар – одатда ҳавзвавий кенгаш аъзоларининг якуний рўйхатини тасдиқлаш, ҳавзвавий кенган низоми ва регламентини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш, кенгаш органларини сайлаш ҳамда тузилаётган кенгаш иш режасини муҳокама қилиш ва тасдиқлашдан иборат бўлади. Албатта ташаббускор гурух аъзолари факат ташкилий масалалар билан чекланмай, кун тартибига ҳавзвавий кенгашнинг фаолияти билан боғлиқ бошқа мантиқий

масалаларни ҳам киритишлари мумкин.

Кейинги қадамларда ташаббускор гурух томонидан ҳавзавий кенгашнинг йиллик ва имкон даражасида 2-3 йилга мўлжалланган истиқболли иш режаси ишлаб чиқилиши лозим. Ҳавзавий кенгашнинг фаолиятини режалаштириш ташаббускор гурух аъзолари билан муҳокама қилиш асосида, агар тайёргарлик ишлари давомида ҳавзавий кенгаш аъзоларининг кенроқ доирасида информацион кампания олиб борилган бўлса, унда тегишли қарорлар, уларнинг иштирокидаги маҳсус семинар ёки давра сұхбати асосида қабул қилинади.

Ҳавзавий кенгашнинг биринчи мажлисига тайёргарлик

Ташаббускор гурух ўз вазифаларини бажариб бўлганч, ҳавзавий кенгашнинг биринчи мажлисига тайёргарлик ишлари бошланади. Бунинг учун мазмунида қўйидагилар ифодаланган тегишли таклифнома хати тайёрланади:

- ташаббускор гурух томонидан олиб борилган тайёргарлик ишларининг натижалари бўйича қисқача маълумот;
- ҳавзавий кенгашнинг биринчи мажлиси, унинг дастлабки кун тартибиданги асосий масалалар ва ўтказилиши жойи тўғрисидаги маълумот;
- ҳавзавий кенгаш Низоми, регламенти ва иш режаси лойихаларни, мазкур ҳужжатлар бўйича эҳтимолий эътиroz, таклиф ва қўшимчаларни қабул қилиш ва бўйича масъул шахсни кўрсатган ҳолда муҳокамага тақдим этиш;
- агар аввалроқ олинмаган бўлса, ҳавзавий кенгаш мажлисида иштирок этишни тасдиқлаш тўғрисидаги тақорорий сўровнома;
- ҳавзавий кенгаш таркибида қайси мансабдор шахс таклиф этилган ташкилот номидан иштирок эта олиши тўғрисидаги эслатма.

Тайёрланган расмий хат ҳавзавий сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланади ва сўнгра унга илова қилинган ҳужжатлар (ҳавзавий кенгашнинг Низоми, регламенти, иш режаси, биринчи мажлиси кун тартиби лойихалари ҳамда мажлисга таклиф этилганлар рўйхати) билан бирга ташаббускор гурух томонидан тайёрланган ташкилотлар рўйхати бўйича тарқатилади.

Одатда, ҳавзавий кенгашнинг муҳокамага тақдим этилган ҳужжатлари бўйича барча таклиф ва мулоҳазаларни қайта ишлаш учун имконият яратиш мақсадида, таклифномалар биринчи мажлис ўтказилиши режалаштирилган санадан камида бир ой олдин тарқатилиши лозим. Катта микдорда тушган ҳамда тайёрланган ҳужжатларга сезиларли ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган ҳолларда уларни ҳавзавий кенгаш тузиш бўйича ташаббускор гурух доирасида амалга ошириш тавсия этилади. Ҳавзавий кенгашнинг биринчи мажлисига кун тартиби ҳамда кенгашнинг бўлгуси аъзоларидан тушган таклифлар асосида қайта ишланган Низом, регламент ва иш режаси лойиҳаси тақдим этилиши лозим.

Ҳавзавий кенгашнинг биринчи мажлисини ўтказиши

Ҳавзавий кенгашнинг биринчи мажлисини ҳавзавий сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи очиб, кун тартибини эълон қилиши ва сўнгра раислик қилувчи мақомида мажлисни олиб бориши лозим. Кун тартиби тасдиқлангач,

унга киритилган масалаларнинг моҳияти бўйича муҳокамаси амалга оширилади. Муҳокамалар доклад ёки сўзга чиқиши кўринишларида ўтказилиши мумкин. Билдирилган фикрлар ва муҳокамалар натижаси асосида раислик қилувчи муайян масалалар бўйича тушган таклифларни қатнашчилар эътиборига етказади ва ҳавзавий кенгаш аъзоларига овоз бериш йўли билан қарор қабул қилишни таклиф этади. Мажлис якуни бўйича унинг протоколи тузилади ва унига ҳавзавий кенгаш раиси ва секретари имзо чекадилар. Агар, ҳавзавий кенгашни ташкил этиш, унинг Низоми, регламенти ва иш режасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинса мазкур босқични чкунланган деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳавзавий кенгашнинг ривожланиши учун кейинги зарурӣ қадамлар

Ҳавзавий кенгашнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича кейинги қадамлар тасдиқланган низом, регламент ва иш режаси асосида амалга оширилади. Ҳавзавий кенгашнинг фаолиятини ривожлантиришда биринчи қадамлардан бири сифатида кенгаш мажлисида ҳавзавий келишувларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласини қўриб чиқиш тавсия этилади. Мазкур масалани муҳокамага қўйиш учун тегишли луғавий маълумотларни, ҳамда ҳавзавий келишув лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун ҳавзавий кенгаш томонидан маҳсус ишчи гуруҳ ташкил этилиши мумкин.

Шубҳасиз, ҳавзавий кенгашларнинг барқарор фаолияти учун молиявий таъминоти муҳим аҳамият касб этади. Ҳавзавий кенгашларни ташкил этишининг дастлабки босқичларида ҳалқаро ва донор ташкилотлари томонидан ташқи молиявий манбалар жалб этилиши мумкин. Бироқ, ҳавзавий кенгаш тузилиб, унинг биринчи мажлиси ўтказилган даврдан бошлаб дарҳол келажакда ҳавзавий кенгаш фаолиятини қўллаб қувватлаш учун турғунров молиявий манбалар топиш зарурияти тўғрисидаги масала туғилади. Бугунги кунда жаҳон тажрибасида бу масала ечими бўйича турли ички манбалари мавжудлигини қўриш мумкин. Масалан Қозоғистон тажрибасида ҳавзавий кенгашларнинг фаолиятини юритиш учун зарурӣ молиявий харажатлар давлат бюджети ҳисобига қоплпниши мумкинлиги белгилаб берилган (Сув кодекси, 42, 43 моддалар ба бошқа меъёрий ҳужжатлар).

Ҳавзавий кенгашларнинг асосий вазифаларидан бири сув истеъмолчилари ва жамоатчиликнинг сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилишдаги бевосита иштирокини ҳамда сув ресурсларини бошқариш жараёнининг очиқлигини таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳавзавий кенгашларнинг фаолияти барча манфаатдор томонлар (шахслар, ташкилотлар, соҳалар) ўртасидаги алоқа ва маълумот алмашинуви тизимини яхшилаш мақсадида мунтазам равишда информацион ва таълимий жиҳатдан қўллаб қувватлаб турилиши лозим.

Ҳавзавий кенгашлар учун умумий кенг тарқалган мулоқот воситалари – телефон, факс ёки электрон почтани ҳисобга олмаганд - оммавий ахборот

воситалари билан ишлаш, жамоат эшитувларини ўтказиш, илмий-техник маълумотларни йиғиши ва алмашиш, информацион материалларни чоп этиш, ўқув ва тарбиявий плакатларни ишлаб чиқиши, аҳоли билан учрашувлар ўтказиш, ташкилот тўғрисидаги маълумотларни Интернет-сайт орқали тарқатиш.

Жамоатчиликнинг кенг оммасини сув билан боғлиқ долзарб муаммолардан хабардор қилиш учун ОАВ билан фаол иш олиб бориш лозим. Буни турли пресс-релизларни ишлаб чиқиши, ОАВ вакилларини ҳавзаний кенгаш мажлисларига таклиф қилиш, кенгаш қарорларини резолюция ва тавсиялар кўринишида тарқатиш, прес-конференциялар ташкил этиш орқали амалга ошириш мумкин. Мухими – маълумотлар қанчалик тўлиқ ва аниқ берилса, у ОАВ шунчалик даражада аниқ ёритилади. Жаҳон тажрибаси айнан ОАВ билан фаол ишлаш сув ресурсларини интеграл бошқаришнинг асосий принципларини кенг жамоатчиликка етказиб беришга имконият яратганлигини кўрсатади. Бу эса кенгашлар фаолиятининг очиқлиги ва қонунийлигини таъминлаган.

Шундай қилиб, ҳавзаний кенгашлар мамлакатларда сув ресурсларини бошқаришда яхлит информацион тизимининг ажралмас бўлимига айланмоқда. Биринчидан ҳавзаний кенгашлар фаолияти ҳавза даражасидаги маълумотларни йиғиши жараёнини осонлаштиради. Иккинчидан ҳавзаний кенгашлар бевосита сув ресурсларини бошқариш жараёнинга жалб этилган асосий ташкилотлар ва шахслар ўртасида маълумотлар алмашинувини таъминлайди. Ниҳоят, ҳавзаний кенгашлар сув ресурслариндан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва бошқариш бўйича муаммонинг сифатли таҳлилини амалга ошириш ва уларнинг ечими бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиши орқали қабул қилинаётган қарорлар самарадорлигини оширадилар.

Бугунги кунда жаҳонда ҳавзаний ташкилотларнинг «The International Network of Basin Organizations(ИНО)» деб номланувчи, 1994 йилда ташкил этилган халқаро тармоғи (ХТХТ) ҳам мавжуд. Мазкур халқаро тармоқ дарё ва кўллар ҳамда ер ости сувлари қатламлари ҳавзаларида сув ресурсларини интеграл бошқаришни жорий этиш жараёнларини қўллаб қувватлайди. Мазкур халқаро ташкилот трансчегаравий, миллий ва махаллий ҳавзалар шароитларида ҳавзаний бошқарувнинг мақбулроқ ва такомиллашган механизмларини ишлаб чиқишини ривожлантириш ва тажриба алмашинувини рағбатлантириш мақсадида ҳавза ташкилотлари билан ва ҳавзани бошқаруви бўйича масъул бўлган бошқа давлат ташкилотларини ўзаро боғлади.

Ҳавзаний ташкилотларнинг халқаро тармоғи (ХТХТ) - Африка, Латин Америкаси, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда ўрта ер денгизи мамлакатлари ҳавзаний ташкилотларининг минтақавий тармоқлари томонидан ташкил этилган. Ушбу ташкилот шунингдек Халқаро Комиссиялар Тармоғи, Трансчегаравий ҳавзаний ташкилотлар ҳамда Европанинг Европа хамжамияти сув директивасини жорий этиш бўйича масъул Европа ҳавза ташкилотлари гурухи фаолиятини ҳам мувофиқлаштириб боради. ХТХТ кўп йиллик дунё бўйича ҳавзаний ташкилотларни ташкил этиш ва ривожлантириш режаси

асосида фаолият олиб боради.

Ҳавзавий ташкилотларининг роллари

Ҳавза ташкилотларининг мандати ҳавзадаги сув ресурсларини бошқариша “асосий овоз” га айланишдир.

Ҳавзавий ташкилотларнинг уч асосий функциялари:

1. мониторинг қилиш, ўрганиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш;
2. режалаштириш ва молиялаштириш; ва
3. ривожлантириш ва бошқариш.

Ҳавзавий ташкилотларнинг роллари:

1. Ҳавзавий ташкилотларнинг мандати

Ҳавза ташкилотлари – уларнинг мақсадига, мавжуд ҳуқуқий ва маъмурий тизимларга ва инсон ҳамда молиявий ресурсларга боғлиқ ҳолда турли шартлар асосийда ташкил этилади. Улар асосан, (бироқ ҳамма вақт ҳам эмас) расмий юридик шахс мақомига эга бўладилар. Айрим ҳолларда ниспатан торроқ маънодаги расмий мақом ҳам етарли бўлади. Аммо, ҳавзавий ташкилотлар тузилиши бўйича жамоат ташкилоти бўлиши лозим, чунки сув ресурслари умумхақ мулки ҳисобланади. Шунга қарамай расмий ҳавзавий ташкилотлар сув ресурсларини самарали бошқарувига эришиш йўлида жамоатчилик ташкилотининг бир қисми сифатида кенг қамровли манфаатдор томонлар, ахоли гурухлари, иқтисодиёт тармоқлари ва хусусий корхоналарни ўз ичига олишлари лозим.

Умумий қилиб айтганда ҳавзавий ташкилотлар ҳавзарув учун ҳимояловчи ташкилот ҳисобланадилар. Уларнинг мандати ҳавза даражасидаги муаммаларни ҳал этишда узоқни кўрувчи мақсадларни олға суриш ва ҳавза даражасидаги сув муаммолари мухокамасида энг асосий овозга эга бўлишдир. Бу ўз навбатида ҳавза ташкилотлари ҳавза бўйича барча соҳалар ва даражаларга мансуб қарор қабул қилувчиларни ҳам жамоат ва ҳам шахсий секторларида доимий хабардор қилиш ва уларни доимий жалб этишни таъминлашлари лозимлигини билдиради.

Ҳавза ташкилотлари турли формалардаги органлар: маслаҳат кенгаши, бошқарув бўлими, ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши кўринишидаги органларга эга бўлиши мумкин. Кўпинча улар давлат агентликлари ва маъмурий ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатадилар. Фаолиятларни тартибга солиш ва аниқ ҳисбот юритиш имконини яратиш учун сув ресурсларини бошқариш, сув хизматларини кўрсатиш каби мажбуриятлар турли агентликларга юклатилиши лозим.

Ҳавзавий ташкилотларнинг функциялари уларнинг мандатларига боғлиқ ҳолда одатда давлат сиёсати ва мақсадларига уйғунлашган ҳолда марказий хукуматнинг юқори органлари томонидан белгилаб берилади. Ҳавзавий ташкилотларнинг мандатлари ҳавзавий ташаббусларнинг келтириб чиқарга сабаблар билан боғлиқ ҳолда ҳавзадаги долзарб муаммоларни ўзида акс эттиради. Бунда мандатнинг чегараларини (расмий ташкилотлар учун

қонунчиллик асосида), хисобот юритиш тизимини ҳамда қарорла қабул қилиш ва иштирок этиш қоидаларини ким томонидан белгиланишини аниқ курсатилиш жуда мухим ҳисобланди.

Масалан: Квибек ҳавзаний ташкилоти миссияси ва мандати:

Ҳавза ташкилотлари нейтрал маслахат платформалари ҳисобланиб, барқарор тараққиёт йўлида ҳавза даражасида сув ресурсларини интеграл бошқаришни ташкил этади

Миссияси: Уларнинг миссияси маҳаллий ва минтақавий манфаатдор томонларни сув ресурсларига ва экотизимларга таъсир этувчи фаолиятларни мувофиқлаштириш йўлида бирлаштириш ва бунда жамоатчилик иштирокига ишонч хосил қилишдан иборат.

Мандати: Ўз миссияларини бажариш йўлида ҳавза ташкилотлари қўйидаги мандатларга эга бўладилар:

- жамоатчилик хабардорлиги ва иштироки орқали сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- тегишли манфаатдор томонлар билан ҳавзаний шартномаларни тузиш ва амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиш;
- ҳавзадаги муаммолардан манфаатдор томонларни ва жамоатчиликни хабардор қилиш;
- сув соҳасини стандарт талабларига жавоб беришини аудит қилиш;
- бошқариш (табиий ресурслар бошқарувичиси ёки ҳавзани бошқарувчи агентлик):
 - сув ресурсларининг стратегик баҳолаш ишларини олиб бориш;
 - минтақавий вёки миллий мақсадлар ва стандартларга мос келиш бўйича тадбирлар ва стратегияларни ишлаб чиқиш;
 - стратеги сув тадқиқотларини олиб бориш ва назорат қилиш;
 - сув ресурсларини ривожлантиришни режалаштириш;
 - сув тақсимотини амалга ошириш;
 - ҳавзаний харакатлар режасини молиялаштириш;
 - ер ости ва ер усти сувлари миқдори ва сифатини бошқариш;
 - тармоқлараро ва жамоавий харакатларни мувофиқлаштириш;
 - сув соҳасида салоҳиятларни ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш;
 - жамоатчилик иштироки ва хабардорлигини қўллаб қувватлаш.

Тизимлардан фойдаланиш (жамоатчилик, хусусий ёки жамоат мулклари):

- сув таъминоти, канализация, оқава сувларни тозалаш, дренаж ва ирригация тизимларини қуриш ва улардан фойдаланиш;
- инфратузилмаларни ишчи холатда сақлаш;
- техник маслахат ва ёрдамни таъминлаш;
- хизматлар учун ҳақ ундириш;

Минтақа ва миллий масштабдаги шароитларнинг ўзгариши туфайли ҳавзаний ташкилотлар ҳам вақт давомида ривожланиб борадилар. Ҳавзаний ташкилотлар сиёсий йўналишдаги ўзгаришларга, маъмурий ислоҳатларга ёки қўшни мамлакатларнинг ўзаро муносабатларидағи ўзгаришларга мослашиб боришлари зарур. Бу холат уларнинг бошқарув тизимдаги ва тузулишларидаги, манда ва миссияларидаги ўзгаришлрни келтириб чиқариши мумкин. Масалан улар ривожланиб бораётган муаммоларга, жумладан иқлим ўзгариши таъсири оқибатларига каби муаммоларга ҳам мослаша олиш имкониятига эга бўлишлари зарур. Кўпинча ҳавзаний ташкилотлар комиссиялар кўринишида ташкил этиладилар ва аста секин ривожланиб борадилар.

Шундай қилиб ҳавзаний ташкилотлар барча манфаатдор томонларнинг сув ресурсларини бошқариш жараёнида иштирок этишини таъминлашнинг фаол ташкилий формаси бўлиб, дарё ҳавзалари даражасида сув хўжалиги ташкилотлари билан ҳамкорликда сув ресурсларини самарали бошқариш, сув ресурслари тақсимоти ва сув сифати устидан таъсирчан назорат ўрнатиш ҳамда табиий комплексларни сақланишини ижобий ёрдам беради.

Ўз ўзини назорат учун саволлар:

1. Сув ресурсларини бошқариш жараёнида учраётган муаммолар ва мураккабликлар;
2. Сув ресурсларини бошқаришда иштирок этувчи ҳавзаний ташкилотлар;
3. Ҳавзаний ташкилотларининг турлари;
4. Ҳавзаний ташкилотларини ташкил этиш зарурияти;
5. Ҳавзаний ташкилотларини роли ва вазифалари;
6. Ҳавзаний ташкилотларининг тузилиши ва таркибий қисмлари
7. Ҳавзаний кенгаш регламенти;
8. Ташаббускор (ишчи) гурӯх шаклланиши;
9. Ташаббускор гуруҳнинг тайёргарлик ишлари;
10. Ҳавзаний кенгашнинг биринчи мажлисига тайёргарлик;
11. Ҳавзаний кенгашнинг биринчи мажлисини ўтказиш;
12. Ҳавзаний кенгашнинг ривожланиши учун зарурий қадамлар.

III –Боб. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш

3.1 Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг моҳияти ва афзалликлари

Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш масаласига ўтишдан аввал сув ресурсларини бошқариш тушунчаси ва унинг моҳиятини қисқача шарҳлаб ўтамиз. Амалда сув ресурсларини бошқариш зарурияти қўйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

- мавжуд сув ресурсларининг чекланганлиги ва нотекис тарқалганлиги;
 - сувга бўлган талабнинг кескин ортиб бориши;
 - сув ресурслари микдорининг, уларнинг шаклланиш шароитлари ва манбаларига боялик равишда вакт давомида ўзгарувчанлиги ва ўзгариш амплитудасининг катталиги;
- табиий ва антропоген омиллар таъсирида сув ресурсларининг ифлосланиши ва шўрланишининг қучайиб бориши;
- сув объектларининг табиатга ва халқ хўжалиги объектларига салбий таъсири (сув тошқини, сув босиши ва б.).

Сув ресурсларини бошқариш иккита йўналишда амалга оширилади:

- 1) Сув ресурслари микдорини бошқариш;
- 2) Сув ресурслари сифатини бошқариш;

Сув ресурслари микдорини бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишда сувга бўлган талабнинг ўртacha қийматларига, шунингдек, хар бир сув истеъмолчининг тавсифномасини ўрганиш натижаларига таянилади ҳамда хар бир мўлжалланган у ёки бу тадбирнинг ўтказиш заруриятини асосланиши лозим бўлади. Сув ресурслари сифатини бошқаришда эса истеъмолчиларнинг сув сифатига қўядиган талабларига асосланиш зарур, чунки турли истеъмолчилар сув сифатига нисбатан турли талабларни қўядилар. Сув ресурсларининг микдори ва сифатини оддий ва мураккаб бошқариш усуллари мавжуд.

Сув ресурсларининг оддий бошқарувида, уларни микдор ва сифат жихатидан сув истеъмоли тартибига мувофик равишида сув иншоотлари ва техник воситалар ёрдамида истеъмолчиларга етказилади ёки йўл йўлакай сув объектининг алоҳида фойдали хусусиятларидан фойдаланиш амалга оширилади. Сув ресурсларининг мураккаб бошқарувида эса сув (сифат ва микдор жихатдан) истеъмолчининг талабларига мос равишида тайёрланади ва сўнгра маҳсус иншоотлар ва техник воситалар ёрдамида истеъмолчиларга етказилади.

Сув ресурсларини бошқариш тушунчаси остида сув ресурсларини вакт ва худудлар бўйича қайта тақсимлаш, экологик барқарорлик талабларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт соҳаларининг сув ресурсларига бўлган талабларини оптимал равишида қондириш учун сув сифатини яхшилаш, яъни сувни керак бўлган жойга, талаб этилган сифат билан зарур бўлган вактида етказиш тушунилади. Яна ҳам қисқароқ қилиб, сув ресурсларини бошқаришни, сув ресурсларининг вақт ва маконда тарқалиши ҳамда сифат кўрсаткичларини

истеъмолчининг талабларига мослаштириш жараёни деб талқин этилиши мумкин. Сув ресурсларининг хар бир таркибий қисмини вақтда ва маконда бошқариш мумкин. Жумладан ер усти сувлари миқдорини бошқаришни - сув омборлари барпо этиш, каналлар қуриш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш билан бошқарилади. Ер ости сувлари миқдорини эса сув омборлари барпо этиш, ер ости сифимларидан фойдаланиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш билан бошқарилади. Ҳозирги даврда дунё амалиётида атмосфера ёғинларини бошқариш бўйича ҳам катта тажриба тўпланган.

Шундай килиб, ҳозирги кунда сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш жараёнларини бошқариш эҳтиёжи жамият ва мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик талабларини мувофиқлаштириш заруриятидан келиб чиқади. Иқтисодий тараққиёт, худди ижтимоий талабларни ўсиши каби сув истеъмолини ортишига олиб келади ва бу эса ўз навбатида аста секинлик билан табиатнинг ўзини ҳам, унинг маҳаллий, минтақавий ва ҳатто глобал миқёсларда сув истеъмолчиси ва сувдан фойдаланувчи сифатидаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш заруриятини келтириб чиқаради. Сув ресурсларини бошқаришнинг мазкур уч стратегияси ўртасидаги асосланган мувозанатни топиш бутун жаҳон ҳамжамияти олдида турган мақсад ва умумий ёндашувдир.

Сув ресурсларини бошқариш жараёни биринчи қараганда гўё оддийдек, аммо чуқурроқ қаралса, жуда мураккаб тизим эканлигини кўриш мумкин. Бу мураккаб тизимда қуйидагиларни ажратиб қўрсатиш мумкин:

* табиий сув ресурслари (ёғинлар, ер усти ва ер ости сув оқимлари), шунингдек, антропоген таъсир остида хосил бўладиган қайтувчи сувлар. Бу ресурслар иқлиминг ташқи ўзгаришлари таъсири остида ўзгариши мумкин;

* иқтисодиёт соҳалари бўйича сувнинг қайтмас тарзда ишлатилишини ҳисобга олган холда сувга бўлган талаблар ҳам турлича;

* экологик шароитлар ва талаблар;

* ижтимоий мухит ва иқтисодий тараққиёт;

* ниҳоят, энг мухим таркибий қисм-сиёсий мухит.

Шунингдек сув ресурсларини бошқариш бўйича қарорлар қабул қилишда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

•ресурслар мавжуд бўлган жойлар уларни истеъмол қилиш жойлари билан мос келмайди;

•турли истеъмолчиларнинг сувга бўлган эҳтиёжлари турли вақт интервалларига эга эканлиги билан характерланади (масалан сугориш ва энергетика; рекреация ва балиқчилик ва б.);

•сув сифатининг ёмонлашуви мохиятан жамият учун яроқли сувнинг миқдорини кескин камайиб кетишига олиб келади.

Кўпинча жуда соддалаштирилган фикр билдириладики, гўё сув ресурсларини бошқариш бу шунчаки сувни керакли нукталарга имкони борича керакли вактда керакли миқдорда етказиб беришдан иборат. Аслида юқорида келтирилган ташқи ва ички омиллар таъсирида дунёда етилиб келаётган тенденцияларни ҳисобга олинса замонавий сув ресурсларини бошқариш жараёни мураккаб жараён эканлиги кўринади. Шундай қилиб, сув

ресурсларини бошқаришнинг замонавий таърифи қўйидагича:

Сув ресурсларини бошқариш - жамият ва табиатнинг керакли сифат ва миқдордаги сувга бўлган эҳтиёжини мунтазам қондириши барча макон ва вакт кесимларида - оператив, йиллик, кўп йиллик ва истиқболли миқёсларда доимий таъминлаши зарур. Бошқача сўз билан айтганда, сув ресурсларини бошқариш- сув ресурслари ва унга бўлган эҳтиёжларининг мувозанатини мунтазам сақлашидир.

Сув ресурсларинг бошқариш тушунчасини тўлиқ англаш учун унинг кенг ва тор маънодаги мазмунига эътибор қаратиш лозим. Чунки “сув ресурсларини бошқариш” бугунги кунда унинг юқорида келтирилган таърифидан келиб чиқсан ҳолда ўзаро бир бирини тўлдирувчи, ажралмас -“раҳбарлик” ҳамда “бошқарув” қисмларини ўз ичига олади:

- Сув ресурсларини бошқариш— кенг маънода (раҳбарлик ва бошқарув) – бу сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича барча, яъни сиёсий, юридик, иштимоий-иктисодий, технологик ва бошқа функциялар спектрини ўз ичига олади. Бунда сув ресурсларини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш тушунчалари қамраб олинади. Айнан сув ресурсларини бошқаришга раҳбарлик қилиш босқичида демократик принциплар ишлайди. Сув бошқарувининг сиёсий, ижтимоий, иктисодий ва ҳуқуқий соҳаларида барча сув хўжалиги мажмуаси қатнашчилари (сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар) иштирокида адолатли, самарали ва экологик мақбул натижаларга олиб келувчи фаолият амалга оширилади.
- Сув ресурсларини бошқариш— тор маънода (бошқарув) – бу “раҳбарлик” босқичида – сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда гидромелиоратив тизимларни ишчи ҳолатда ушлаб туриш бўйича қабул қилинган техник, технологик, молиявий, ва ташкилий тадбирларни амалга оширишни ўз ичига оловчига фаолиятни англагади. Айрим ҳолларда сув ресурсларини бошқариш (тор маънода) “эксплуатация” сўзининг синоними сифатида ҳам қаралади.

Сув ресурсларини интеграл бошқариш

Сув ресурсларини бошқаришнинг интеграллашган ёндашуви – ижтимоий, иктисодий ва экологик манфаатларни эътиборга олган ҳолада сув ресурсларини стабил ва мувозанатлашган тарзда ривожлантириш ва бошқаришга ёрдам беради. Бу ёндашув турли ва ўзаро рақобатлашувчи, сув ресурсларини истеъмол қилувчи, айрим ҳолларда сув ва унга бўлган экологик талабларни сустеъмол қилувчи манфаатдор гурухларни аниқлайди. Мазкур комплекс ёндашув сув ресурсларини бошқаришни турли вазнга эга бўлган (маҳаллийдан халқаро миқёсгача) хар хилдаги тармоқлар ва манфаатдор гурухлар бўйлаб мувофиқлаштиради. Бу ёндашув янада тенгроқ ва барқарорроқ қарорларга эришиш йўлида миллий сиёsat ва қонунларни яратиш, муносиб бошқарув ҳамда самарали институционал ва тартибга соловчига тадбирларини ишлаб чиқиш жараёнларида иштирок этишга ургу беради. Бу жараённи қўллаб қувватлашда ижтимоий ва экологик экспертизалар, иктисодий инструментлар,

информацион ва мониторинг тизимлари каби инструмент диапозонидан фойдаланилади.

Шундай қилиб, сув ресурсларини интеграл бошқариш (СРИБ) сув, ер ва улар билан боғлиқ бўлган ресурсларни ҳаётий экотизимлар барқарорлигига зарап етказмасдан, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигини максималлаштириш мақсадида мувофиқлаштирилган ривожлантириш ва бошқаришга ёрдам берувчи жараён сифатида шаклланади. Айнан барча сувларнинг ўзаро боғликлиги улардан фойдаланишни интеграциялашга чорлайди.

Сув манбадан олиниши билан иктисодий, экологик, шунингдек ижтимоий субстанция сифатида нарх кўрсаткичларига эга бўлади. Сув ресурсларини бошқаришда дунёда йўл қўйилган муваффакиятсизликларнинг катта қисмининг сабаби ўтмишнинг маъмурий тизими шароитларида иктисодий категориялар нотўғри талқинда фойдаланилганлиги, қисман, сувнинг ресурс сифатидаги баҳо характеристикиси тан олинмаганлиги, сувнинг тўлик нархи структураси ва уни қоплаш манбалари ўрганилмаганлиги каби фактлар билан боғлиқ. Айрим мамлакатлар, масалан, Гарбий Европа мамлакатлари ёки АҚШ сувнинг қимматини жамият ривожланишининг, қисман, бозор муносабатларининг ривожланиш хусусияти сифатида асослайди. Аммо хар бир конкрет жамиятда сувнинг қиймати маҳсус шароитлар ва жамият олдида турган асосий максад билан белгиланади.

Жумладан, Орол денгизи хавзаси шароитларида ягона сув ресурслари энг аввало, минтақа ахолиси, барча инсонларининг яшашга бўлган хуқуқининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Чунки сув ресурслари бошқа табиий ресурслардан фарқли равишда муқобилига эга бўлмаган умумфодаланилувчи ресурсдир. Сув ресурсларидан минтақанинг барча ахолисини фаровонлигининг ўсиши учун оқилона фойдаланиш керак. Бундан келиб чиқадики, ушбу минтақада сув, энг аввало, иктисодий ахамиятидан анча мухимроқ бўлган ижтимоий, маданий ва экологик ахамиятга эга.

СРИБни татбиқ этиш жараёни чизиқли эмас, балки спиралсимон ва узок муддатли эканлиги хақидаги фикрга амал қилиш керак. Хар бир цикл конкрет максадга эга бўлиши ва мунтазам мониторинг, эришилган натижалар бахоси ва аввалги режалар корректировкаси билан бирга олиб борилиши лозим.

СРИБнинг асосий талаби - сув хўжалиги ташкилотлари фаолияти учун мухит бўлган минтақадаги умумий вазиятни яхлитлаштирилган холда ўрганиб, уларнинг юзага келган иш усулларини ўзгартиришдан иборатdir. СРИБни татбиқ эта туриб, сув хўжалиги иерархиясининг турли даражаларида қарорлар қабул қилишда барча манбаатдор томонларнинг иштирокига ахамият бериш зарур.

«СРИБ- бу турли соҳалар манбаатларини боғлайдиган, барча манбаатдор томонларни қарорлар қабул қилишга жалб этадиган, табиатнинг ва жамиятнинг сувга бўлган талабларини барқарор таъминлаш мақсадида сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланишга жалб этадиган гидрографик чегаралар доирасида сув ресурсларининг барча турларини (ер ости, ер усти ва қайтувчи сувлар) хисобга олишга асосланган бошқарув тизимиdir».

СРИБ тизими унинг амалий мохиятини белгилайдиган қатор асосий принципларга асосланади. Умумлаштирилган кўринишда бу принциплар куйидагилардан иборат:

- сув ресурсларини бошқариш конкрет дарё хавзасининг морфологиясига мувофиқ гидрографик чегаралар доирасида амалга оширилади;
- бошқарув минтақаларнинг иклим хусусиятларини инобатга олган холда сув ресурсларининг барча турларини хисобга олиш ва улардан фойдаланишини кўзда тутади (ер усти, ер ости, қайтувчи сувлар);
- сув ресурсларидан фойдаланишнинг барча турлари ва сув ресурсларини бошқаришда иштирокчиларнинг хаммасининг соҳалараро горизонтал ва сув хўжалиги иерархияси даражалари ўртасида вертикал узвий боғланиши (хавза, хавза ости, суғориш тизими, сув истеъмолчилари уюшмаси СИУ, хўжалик сўнгги истеъмолчи);
- сув хўжалиги инфраструктурасининг нафақат бошқарувида, балки маблағ билан таъминлаш, рағбатлантириш, режалаштириш ва ривожлантиришда жамоатчилик иштироки;
- сув хўжалиги фаолиятида табиий талаблар устунлиги;
- сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчиларининг сувни бесамар исроф бўлишига қарши кураш ва сувни тежашга йўналтирилганлиги;
- сув ресурсларни бошқариш билан бирга сувга бўлган талабни бошқариш;
- сув ресурсларини бошқариш тизимининг ахборот таъминоти, очиқлиги ва аниқлиги;
- бошқаришнинг иқтисодий ва молиявий стабиллиги.

СРИБ юкорида кўрсатилган барча элемент ва принциплар бажарилгандагина тугалланган, деб хисобланиши мумкин. Бир ёки бир неча принципларнинг қисман татбик этилиши, масалан, хавзавий усул, жамоатчилик иштироки кабилар СРИБнинг кайд этилиши ва тугалланган тизим сифатида тан олиниши учун асос бўла олмайди.

СРИБнинг асосий принциплари мохиятини билиш уларни амалга ошириш учун қандай чора-тадбирлар кераклигини англаш учун мухимдир.

СРИБнинг Марказий Осиёда қабул қилинган асосий принциплари:

- СРИБнинг асосий мақсади - сувдан фойдаланувчилар ва табиат эҳтиёжларини сув ресурслари билан барқарор, стабил, адолатли ва тенг хукуқли равищда таъминлаш;
- сув ресурсларини бошқариш конкрет дарё хавзасининг морфологиясига мувофиқ гидрографик чегаралар доирасида амалга оширилади;
- бошқарув минтақаларнинг иклим хусусиятларини инобатга олган холда сув ресурсларининг барча турларини хисобга олиш ва улардан фойдаланишини кўзда тутади (буғланиш, ер усти, ер ости, қайтувчи сувлар) ;
- сув хўжалиги фаолиятида табиий талаблар устунлиги;
- сув хўжалиги инфраструктурасининг нафақат бошқарувида, балки маблағ билан таъминлаш, рағбатлантириш, режалаштириш ва ривожлантиришда жамоатчилик иштироки;
- сувдан фойдаланишнинг барча турлари ва сув ресурсларини

бошқаришда барча иштирокчиларнинг соҳалараро горизонтал ва сув хўжалиги иерархияси даражалари ўртасида вертикал узвий боғланиши;

-сув ресурсларини бошқариш тизимининг ахборот таъминоти, очиқлиги ва аниқлиги;

-сув ресурсларинини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, йўқотишларга қарши кураш -сув хўжалиги органлари ва сувдан фойдаланувчилар фаолиятининг асосий йўналишлари.

Сув ресурсларини интеграл бошқаришнинг (СРИБ) асоси барча турдаги сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тан олиш ҳисобланади. Сув ресурсларини интеграл бошқариш - барча турдаги сув истеъмолчиларини биргаликда қараш лозимлигини англатади. Сув ресурсларини тақсимлаш ва бошқариш бўйича тадбирда ҳар бир турдаги сувдан фойдаланувчининг бошқасига таъсири ҳисобга олинади. Бунда барқарор ривожланишни кўзда тутган ҳолда умумий ижтимоий-иктисодий мақсадлар эътиборга олинади. СРИБ тамойилида ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш асосий ўрин тутади.

СРИБнинг энг муҳим тамойиллари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- СРИБ аниқ бир дарё ҳавзаси морфологиясига мос равища гидрографик чегаралар худудида амалга оширилади;
- Барча турдаги сув ресурсларини назарда тутади;
- Барча сув турлари ва сувдан фойдаланувчиларнинг ҳамма турларини комплекс равища ҳисобга олиш;
- Сув хўжалиги иерархиясининг турли даражалари (ҳавза, ҳавза ости, суғориш тизими, СИУ, хўжалик) ўртасида узвий боғлиқлик;
- Жамоатчилик иштироки;
- Маданий-техник ва экологик эҳтиёжларни ҳисобга олиш;
- Сув хўжалиги органлари фаолиятида табиат талабларининг устуворлиги;
- Сув ресурсларини бошқаруви билан бир қаторда сувга эҳтиёжларни ҳам бошқариш;
- Сув ресурсларини бошқариш тизимида маълумот таъминоти, ошкоралик ва аниқлик;
- Бошқарувнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, салоҳиятни ошириш.

Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш

Ҳавзавий бошқарув итератив жараён сифатида сув бошқармалари ва ҳавзавий қўмиталар каби ҳавзавий келишув ва бошқарув тузилмалари эндиғина ташкил этилган ва такомилаштириш зарур бўлган соҳаларни аниқлаш имконини беради. Қарор қабул қилиш, режалаштириш ва бошқариш ҳавзавий бошқарувидаги кетма-кет амалга ошириладиган муҳим қадамлар сериялари сифатида қаралиши мумкин.

Биринчи қадам кенг қамровли мақсадлар бўйича қарорлар лойихасини

(эришиш кўзланган мақсадларни белгилаш) ишлаб чиқишдан иборат. Кейинги босқичларда эса сув ресурсларини бошқариш бўйича ечимини топиш зарур бўлган муаммоларга аниқлик киритиш, уларни ҳал этиш бўйича потенциал стратегиялар рўйхатини тузиш (мақсадга эришиш йўлларини белгилаш), стратегияларнинг ҳар бирини баҳолаш, муайян стратегия ёки уларнинг комбинациясини танлаш, танланган стратегияни амалга ошириш, уни амалга ошириш натижаларни баҳолаш ҳамда режаларимизни келгусида янада самаралироқ бўлиши мақсадида қайта кўриб чиқиши қарор тадбирлари амалга оширилади.

Сув ресурсларини ҳавзаний бошқариш цикли босқичлари. Албатта мазкур цикл босқичлари кетма-кетлиги ташки кучлар таъсирида узулиши мумкин. Бироқ “бошқарувнинг бажариш орқали ўрганиш цикли” бизга ўрганган билимларимизни сув ресурсларини бошқариш жараёнида қўллаш ва ҳамда янги маълумотларни пайдо бўлиши билан инобатга олиш иконини беради. Бу эса биз сув ресурсларини бошқариш жараёнини ўзгараётган оқибатларга, жумладан сиёсий ўзгаришлар, табиий оғатлар ва демографик ўзгаришларга мослаштира олишимизни англатади.

Мамлакатларда сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича расмий сиёсат одатда миллий ҳукуматлар томонидан ўрнатилади. Мазкур сиёсатларни амалга ошириш жараёни кўп ҳолларда самарали бўлсада, сиёсатлар ҳавза миқёсида амалга ошириладиган ҳолларда “бутун ҳавза” учун мақбул қарорларга келишнинг ҳамда “юқори ва ва қуий оқим” муаммоларига (дарё ҳавзалари учун) ва “минтақа ва минтақа ўртасидаги” (кўл ёки ер ости сувлари ресурслари учун) қарама-қаршиликларига ечим топишнинг каттароқ имкониятлари мавжуд. “Бутун ҳавза” ёндашуви таъсиrlарни тизим даражасида баҳолаш имконини беради. Бошқача айтганда миллий сиёсатлар ҳамда трансчегаравий сув ресурслари бўйича халқаро келишув ва минтақавий конвенцияларни қўллаш, табиий ҳавзалар миқёсида амалга оширилади. Мамлакат миқёсида ва ҳавза даражасида сув ресурсларини бошқариш бўйича мутасадди ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар эса янада динамик ва рўёбга келаётган ўзгарувчан оқибатларга (уларнинг экологик, ижтимоий ёки иқтисодий бўлишидан қатъий назар) мослашувчанроқ бўлади.

Сув ресурсларини ҳавзаний бошқариш бугун пайдо бўлган бутунлай янги ёндашув эмас. Айрим мамлакатлар, масалан Франция ва Испания бир неча ўн йилликлар давомида ҳавзаний бошқариш ёндашувини қўллаб келмоқдалар. Жумладан Испанияда 9 та “Гидрографик конфедерациялар” 75 йилдан кўпроқ давр давомида, Францияда эса 1964 йилдан бери 6 та “Ҳавза қўмиталари” ва “Сув агентликлари” фаолият кўрсатиб келмоқда. Германиянинг North Rhine-Westphalia штатидаги 11 та дарё ҳавзаний ташкилотлардан бири бўлган Рухр ассоциацияси (Ruhrverband), 1899 йилда сув хўжалиги ва гидроэнергетика соҳаси ходимларининг ихтиёрий алянси сифатида ташкил этилган. Халқаро комиссиялар Европада кўп йиллар аввал, жумладан Рейн, Меюз, Шелдт, Моселл ва Сарре дарёлар ҳамда Женева кўли ҳавзасида ташкил этилган. АҚШда Теннеси водийси бошқармаси 1933 йилда ташкил этилган. Австралияда 1992 йилда Муррей-Дарлинг шартномаси асосида 1992 йилда Муррей-Дарлинг

ҳавза комиссиясига сув, ер ва атроф мухит ресурсларини режалаштириш ва барқарор бошқариш масалалрини мувофиқлаштириш ваколати берилган. 1909 йилда АҚШ ва Канада ҳукуматлари томонида чегара сувлари шартномаси асосида бирга фойдаланиладиган сув ресурсларини бошқариш бўйича қўшма халқаро комиссия ташкил этилган. Жанубий-шарқий Осиёда 1995 йилда Миконг дарёси ҳавзасини барқарор ривожлантириш бўйича имзоланган ҳамкорлик шартномаси Миконг дарёси Комиссиясини ташкил этилишига олиб келди. Нигер дарёси бошқармаси ва Чад кўли ҳавзаси комиссияси 1960 йилларда ташкил этилган. Синега ва Гамбия дарёларни ривожлантириш комиссиялари 1970 йилларда ташкил этилган. Европа ҳамжамиятининг Доиравий Сув Директиваси қонуни талаблари асосида унинг барча 27 аъзо мамлакатлари томонидан ҳавзавий бошқарув режалари ишлаб чиқилган.

Сув ресурсларини ҳавзавий бошқарувининг расман катта кун тартибига қўйилиши иккинчи бутунжаҳон сув форумида амалга оширилди. Бунгача мазкур масалага бағишлиланган маҳсус техник семинар 1999 йилда Гаагада ташкил этилган ва унинг тавсиялари, жумладан дастлабки тажрибалар натижалари ҳамда ҳавзавий бошқарув ёндашуви бўйича муҳим мунозаралар хуносалари тақдим этилган. Жаҳонда сув ресурсларини ҳавзавий бошқарувига ўтиш бўйича тахлиллар 1999 ва 2000 йилларда якунланган.

Шундай қилиб, сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш - сув ресурсларини бошқаришга замонавий ёндашув бўлиб, унда асосий бирлик сифатида дарё ҳавзаси ҳудуди қабул қилинади. Бунда молиявий механизм -ҳавза ҳудудида сувдан фойдаланганлик (сув хизматлари) учун тўлов ва сувни муҳофаза қилиш бўйича устивор тадбирларини молиялаштириш ўртасидаги бевосита боғликларни кафолатлайди.

Сув ресурсларини бошқаришда ҳавзавий тамойилни амалга оширишнинг мажбурий шартларидан бири – барча манфаатдор томонлар иштирокида молиявий қарорларни муҳокамаси ва уларни қабул қилинишида аниқ демократик жараёнларни таъминлаш, ҳавза бўйича сув сиёсати ва экологик дастурлар тўғрисида уларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг барча босқичларида жамоатчиликни ҳамда сув ресурслари сифати ва ҳолати бўйича ахолини хабардор қилиб бориш ҳисобланади.

Ҳавзаларда сув ресурсларини интеграл бошқаришга ўтишининг бошлангич даражасалари

Ҳавза бошқарувчилари сув ресурсларини интеграл бошқаришга ўтишни қайердан бошлаш, кимга мўлжаллаш ва қайси даражада ўтиш каби масалаларни ўз ичига оловчи интеграллашган ёндашувни танлаши мумкин. Амалда ҳаракатларни қайси манзилга йўналтиришни топишнинг оддий ва осон йўли киришиш даражасини танлашдир:

1. Маҳаллий даража (суб-ҳавзавий режа, сув хўжалик туманларида сув тақсимоти режаси, маҳаллий бошқарув режаси).
2. Жорий этиш (амалга ошириш) даражаси (ҳавза ёки вилоят(туман) миқёсидаги бошқарув режаси).
3. Қарор қабул қилиш даражаси –“Қарорлар”- (сув ресурслари масалаларида қарорлар, шартномалар, ёки қонунлар ишлаб чиқиш бўйича

миллий ва халқаро жараёнлар).

Қуйида Миконг дарёси ҳавзаси мисолида стратегиянинг қандай қилиб ҳавзадаги турли даражаларни сув ресурсларини интеграл бошқариш мақсадига уйғунлаштиргани ифода этилади. Амалда фаолият кўрсатаётган Миконг дарёси ҳавзвавий ташкилоти СРИБни “махаллий”, “амалга ошириш” ҳамда “қарорлар” босқичларида жорий этиш бўйича фаолият кўрсатади. Миконг дарёси ҳавзаси бўйича мазкур мақсадлар “Миконг дарёси ҳавзвавий комиссиясининг сув ресурсларини интеграл бошқариш бўйича 2010-2015 йилларга мўлжаланган Стратегик режаси” доирасига киритилган. Страгик режага киритилган энг асосий бошқарув принципларидан бири – барча манфаатдар томонлар билан “махаллий”, “амалга ошириш” ҳамда “қарорлар” даражаларида доимий ҳамкорлик қилиш этиб белгиланган.

Махаллий даражага:

Миконг дарё ҳавзаси комиссияси (МДҲК) Лаос, Таиланд, Комбодия ва Виетнамдаги миллий Миконг кўмиталари билан яқин ҳамкорликда, уларнинг иштирокини фаоллаштириш йўналишида фаолият олиб боради. Мазкур комиссия ушбу фаолиятини манфаатдор томонларни ўқитиш ва хабардорлигини ошириш йўли билан олиб боради. МДҲКнинг манфаатдор томонлар билан алоқалар режалари кенг қамровли манфаатдор гуруҳларнинг маҳаллий ва миллий даражалардаги иштирокини таъминловчи ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳавзаларда сув ресурсларини интеграл бошқаришга ўтишнинг бошланғич даражалари муайян ҳавзанинг ўзига хос табиати ва хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Масалан:

- ҳавза бир мамлакат ҳудудида ётадими ёки бир неча мамлакатлар ҳудудига тегишлими;
- режалаштириш ва бошқарувнинг масштаблари қандай (трансчегаравий, миллий, махаллий);
- ҳавзвавий бошқарув ташкилотларининг ривожланганлиги даражаси;
- ҳавзада тараққиётнинг эришилган даражаси, масалан иқтисодий инфратузулмавий жиҳатлардан;
- сув ресурсларинини бошқаришдаги асосий муаммолар, масалан аҳолининг таъсири, санитария, озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш, соғломлаштириш, қурғоқчиликдан муҳофазаланганлик даражаси; ва
- ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва институционал муҳит каби ўзига хослклар муҳим аҳамият касб этади.

Ҳавзаларда сув ресурсларини гидрографик принцип асосида бошқаришининг моҳияти

Сув хўжалиги ташкилотининг бошқаруви остидаги гидрографик принципнинг моҳиятини жонли япроқ мисолида яхшироқ тушуниш мумкин. Япроқда артерияларнинг тасвири ва уларнинг якка бир организм эканлигини кўриш мумкин.

• Агар япроқнинг (сувнинг) манба бошқаруви мазкур маъмурий чегара доирасида ташкиллаширилган бўлса, унда уларнинг *ии фаолияти бир-бираига мувофиқлашмай* қолади.

• Сувни бошқаришни маълум бир маъмурий чегара доирасида эмас, балки якка *бир гидрографик ҳудудда* ташкил этиш мақсадга мувофиқ саналади

Сув ресурсларини бошқариш иерархияси барча даражасининг боғлиқлик ҳолати икки принципга аосланади:

- иерархиянинг барча даражасида *сув юқори маҳсулдорлигига* эришиш;
- солиштирма сув йўқотилишини *минимал даражага* қадар камайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги 240-сонли қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари режасига мувофиқ сугориш тизими таркиби *гидрографик тамойилга мослаштириши* белгиланди.

Гидрографизацияда экогидрологик барқарорликка риоя қилишга асосланган, қуйидаги талаблар таъмин этилиши лозим:

- ❖ дарё ва унинг ҳавзаси (сув йифилувчи майдон) ўртасидаги *сув ва туз алмашинуви минимумга* қараб интилиши лозим;
- ❖ аэрация зонаси ва сизот сувлари ўртасидаги *сув ва туз алмашинуви нолга* қараб интилиши лозим;
- ❖ дарёдан олинувчи сувларнинг ҳажми табиат талабларига (дарё дельтасига, сув-қирғоқ флора-фаунасига ва бошқ.) *зарар келтирмайдиган* даражада белгилangan лимитдан ошмаслиги керак.

Жамоатчилик иштирокининг манфаатли жихатларига қуйидагилар киради:

- Барча тарафлар манфаати ҳисобга олиниши.
- Қабул қилинган қарорларнинг ошкоралиги.
- Консенсус (музокаралар) сабабли зиддиятлар эҳтимолини камайиши.
- Эксплуатация фаолияти устидан умум назорати.
- Доимий ўзаро алоқа натижасида фаолиятни яхшиланиши.
- Манфаатдор томонлар билими ва кўникмаларини ортиши.
- Давлат ва жамият ўртасидаги ишонч мустаҳкамланиб, уларнинг барқарор ҳамкорлигига замин яратилиши.

Биргаликда бошқаришга ўтиш жараёни:

Режалаштирилаётган ўзгартиришлар тўғрисида хабардор бўлиши таъминланадиган манфаатдор томонлар:

- *жамият номидан сувни бошқаришида иштирок этувчи гуруҳ (Сув истеъмолчилари уюшмаси);*
- *давлат номидан сувни бошқаришида иштирок этувчи гуруҳ (Сув хўжалиги ташкилоти);*
- *давлат ва жамият биргаликда бошқарадиган гуруҳ (канал бошқармаси)*

Замонавий сув хўжалиги тизими ҳавзалардан бошлаб, магистрал ва II, III даражали каналлар, СИУ сугориш тармоғи, ёки коммунал ва саноат сувдан

фойдаланиш тармоқлари билан биргаликда, фермерлар сугориш даласигача бўлган кўп поғонали сув бериш ва тарқатиш схемасини ўз ичига олади.

Сув муносабатлари соҳасидаги муаммолар ечимига бугунги кунда сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмол килиш жараёнларининг барча манфаатдор иштирокчиларини бирлаштириш ва уларнинг эҳтиёжларини мувофиқлаштириш ва интеграллаштириш асосида ечим топиш мумкин. Буни англашга аста секинлик билан XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошида эришилди. Натижада дастлабки комплекс дастурлар пайдо бўлди. Бунда ривожлантириш режалари турли соҳалар манфаатларини кўзлаб - чет элда «ҳавзаларнинг асосий режалари» деб аталадиган ёки собиқ иттифоқ амалиётида «Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемалари» ҳавза сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш дастурлари кўринишида комплекс равишда шаклланган. Бу «схемалар»да у ёки бу ҳавза мамлакатлар ёки зоналарининг барча соҳаларидаги: гидроэнергетика, ирригация, сув таъминоти ва бошқа турли мақсадлардаги сувга бўлган эҳтиёжларини берилган ҳавза чегараларида жойлашган сув ресурслари хисобига қондириш истиқболлари кўриб чиқилган. Бундай схемалар агар улар республикалараро бўлган бўлса барча республикалар билан, агар улар махаллий характерда бўлса вилоят хокимиятлари билан мувофиқлаштирилган.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари худудларни ривожлантиришни режалаштириш учун, шу пайтгacha ўзининг ижобий натижаларини кўрсатиб келган “Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шаклий лойиҳасидан (СРМФвАУМҚ ШЛ)” дан фойдаланишда давом этдилар. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, бир вақтнинг ўзида ҳам СРМФвАУМҚ ШЛ ҳамда Ҳавзаний режаларда биргаликда фойдаланиш ҳам тўлиқ асосланган ва самаралироқ ҳисобланади, Чунки мазкур ҳужжатларда асос сифатида қўлланиладиган ёндашувлар ва уларнинг мазмунида муайян фарқлар билан бирга ўзаро тўлдирувчи муҳим жиҳатлар мавжуд. Қуйида 3.1-жадвалда СРМФвАУМҚ ШЛ ҳамда Ҳавзаний режаларларнинг қиёсий таҳлили келтирилган.

СРМФвАУМҚ ШЛ ва Ҳавзаний режалаштиришда қўлланиладиган ёндашувларнинг қиёсий таҳлили

3.1-жадвал.

Кўрсаткичлар	Ҳавзаний режалаштириш	СРМФвАУМҚ ШЛ
Сув ресурсларини бошқариш масштаблари ва усули	Ҳавзалар, ҳар қандай масштабдаги иккинчи даражали ҳавзалар, асосан сув ресурсларининг марказлаштирилмаган бошқаруви	Миллий, асосий дарё ҳавзалари, давлат бошқаруви, сув ресурсларини марказлаштирилган бошқаруви
Манфаатдор томонларнинг	Режаларни ишлаб чиқиша қатнашади	Схемаларнинг асосий элементлари бўйича

иштироқи		хабардор қилинади
Техник ечимлар ва институционал лойихалар қўлланиши	Ҳар иккала соҳа ҳам бирдек кўрилади	Техник ечим устунлик килади
Сув ресурсларини бошқаришнинг экологик жиҳатлари	Устиворлик берилади	Бошқа жиҳатлар билан тенг асосда кўрилади
Молиявий / иқтисодий жиҳатлари	Ҳар бир тадбир даражасида деталлаштириш, молиялаштиришнинг турли манбалари, иқтисодий инструментлар.	Барча тадбирлар учун ягона молиялаштириш, асосан давлат маблағлари., Атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар – молиялаштиришнинг инструментларидан бири

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ҳавзадаги СРМФваУМҚ ШЛ нинг мавжудлиги ҳавзавий режалаштиришга тўсиқ бўлмайди, аксинча унинг янада самаралироқ бўлиши учун асос бўлади, ўз навбатида ҳавзавий режалаштириш ҳавзанинг тадиқланган СРМФваУМҚ ШЛда кўзланган асосий мақсадларга тўлиқроқ эришилишига ёрдам беради. Ҳавзавий режа тирик тезкор ҳужжат бўлиб, СРМФваУМҚ ШЛга киритилган изланишлар натижалари ва рақамларга асосланиши мумкин. Ҳавзавий режалар Марказий Осиё шароитида, давлат бюджети томонидан молиялаштирилиш чекланган ва бундай ҳолларда улар марказлашмаган манбалардан фойдаланиш ва янги молиявий имкониятларни топиб амалга ошириш учун қулай ёндашув хисобланади.

Ҳавзавий режалаштиришда қўлланиладиган асосий ёндашувлар ва уларнинг методологик асослари

Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиша дунё тажрибасида кўплаб методологик ёндашувлардан фойдаланилади. Қуйида сув хўжалигида кенг қўлланилаётган ва Ҳавзавий Режаларни ишлаб чиқиша у ёки бу даражада қўлланилиши мумкин бўлган методологик ёндашувларни кўриб чиқамиз.

Бундай методологик ёндашувлардан бири трансчегаравий мониторинг бўйича баҳолаш тизими бўлиб, унинг асосий мақсади муайян ҳавза шароитида ҳавзани мавжуд сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва экологик шароитларида ривожлантиришни кўзлаган Ҳавзавий Режалаштиришнинг оптималь стратегик

вариантларини аниқлаш ва ишлаб чиқиши ҳисобланади. Бунда энг мухим принцип таклиф этилаётган тадбирларнинг томонлар учун ўзаро манбаатли бўлишини аниқлаш ҳисобланади. Мазкур методологик инструмент одатда долзарб масалаларни ўрганиш ва оптимол қарорларни қабул қилиш йўлида ҳамкорликдаги дарё ҳавза ташкилотлари томонидан фойдаланилади. Бунда матрица тараққиётнин тўрт омили ва сув ресурсларининг уч манбасидан ташкил топади. Таъкидлаш лозимки, тараққиёт омиллари ҳар бир алоҳида ҳолатни эътиборга олган ҳолда қўшиб борилиши мумкин.

Ҳавзавий Режаларни ишлаб чиқишида у ёки бу даражада қўлланилиши мумкин бўлган методологик ёндашувларга яна бир мисол сифатида - Стратегик экологик баҳолаш (СЭБ) хизмат қилиши мумкин. Мазкур услуг асосий инструмент сифатида қатор олимлар ва мутахассислар томонидан муваффақиятли қўлланган. Жумладан: Phillips, D.J.H., Allan, J.A., Claassen, M., Granit, J., Jägerskog, A., Kistin, E., Patrick, M., and Turton A. 2008 йилда ўзларининг “The TWO Analysis: Introducing a Methodology for the Transboundary Waters Opportunity Analysis” асарларида кўрсатиб бердилар. Шунингдек мазкур услуг Жаҳон Банкининг “World Bank (2009). Strategic Environmental Assessment-Improving Water Resources Governance and Decision Making: Case Studies, Paper No. 116., Washington, DC, USA” асарларида ҳам юқори самарадорлик билан қўлланилиши мумкинлиги кўрсатиб берилган. Мазкур услублар манбаатдор томонларни нафақат тахлил балки режалаштириш босқичларида ҳам жалб этишини имконини яратади. Амалда СЭБ мўлжалланаётган фаолиятнинг ва қабул қилинаётган қарорларнинг устивор экологик жиҳатларини аниқлашга йўналтирилган. Ушбу услубни қўллаб амалга ошириладиган баҳолаш жараёни ҳавзани - ривожлантириш сценарияларини таҳлил қилиш, хавфларни баҳолаш, эҳтимолий экологик оқибатларни моделлаштириш ва башорат қилиш, оптимал тадбирларни аниқлашда иқтисодий ҳисблар каби қатор турли инструментларни қўллаш имконини беради. СЭБ усулидан ҳавзавий режани ишлаб чиқиши жараёнида асосан ҳавзанинг мавжуд долзарб экологик характеристдаги муаммоларини аниқлаш ва оптимал муҳофаза тадбирларини кўриб чиқиши учун фойдаланилади.

Ҳавзавий Режаларни ишлаб чиқишида қўлланиладиган ҳар бир методологик ёндашув муайян мақсадлар учун мўлжалланган. Турли ёндашувларнинг элементлари бир вақтда ҳам фойдаланилиши мумкин. Шундай қилиб, Ҳавзавий Режани ишлаб чиқишида бирлик асос сифатида сув манбасининг гидрографик ҳавзаси қабул қилинади. Бунда энг мухим асос ролини ҳавзадаги мавжуд вазиятнинг аниқлаш бўйича бажарилган комплекс баҳолаш натижалар ўйнайди. Ҳавзавий режалаштириш жараёнида манбаатдор томонлар ва жамоатчиликнинг жалб этилишига катта эътибор қаратилилади.

Ҳавзавий бошқарув тизимини шакллантиришида асосий талаблар:

- Сиёсий хоҳиш, юқори даражадаги қўллаб қувватлаш ва сув истеъмолчилари ўртасида диалогнинг ўрнатилиши;
- Ҳавзавий бошқарув миллий сув қонунчилиги ва расмий қарорлар ҳамда халқаро шартномалар билан тартибга солиниши;

- Ҳавзавий ташкилотлар уч ўлчамли доирада фаолият кўрсатиши: атроф мухит холатини сақланиши, институционал мажбуриятларни (роллари ва мажбуриятлари) ҳамда бошқарув механизмларининг белгиланиши.

Сиёсий хоҳии ва ҳавзавий бошқарув тизимлари

Сиёсий муаммолар сув ресурсларини бошқариш самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳавза бошқармалари миллий даражада қабул қилиш жараёнларида “кучли” овозга эга бўлишлари керак. Яъни, улар табиий ресурсларни бошқариш масалаларида вазирликлар ва давлат қўмиталари билан бевосита алоқа линиясига эга бўлишлари лозим. Юқори даражадаги ҳокимият билан бевосита алоқалар бошқарувни режалаштириш ва иқтисодий тараққиёт масалаларида барқарор бўлишига асос яратади. Юқори даражада қўллаб қувватланиш шароити – ҳавзавий бошқарув тизими учун зарур бўлган қонуний доираларни, институционал бошқарув тузилмаларини шакллантириш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Сиёсий хоҳиш бўлган жойларда тегишли қарорлар қабул қилиниши, қонуний, молиявий воситалар аниқланиши ҳамда сув ресурсларини бошқариш бўйича барқарор жамоат ташкилотларини ташкил этиш имкони туғилади. Сиёсий хоҳиш билангина ҳатто ҳокимият ўзгариши туфайли бўладиган фуқоролик тартибсизликлари шароитида ҳам сув ресурсларини бошқаруви бўйича қабул қилинган қоидалар ва тартиблар ҳамда ташкилотларнинг фаолияти самарали бўлиши эҳтимоли ортади. Сиёсий хоҳишнинг муҳимлиги – қарор қабул қилувчилар билан, уларга сув ресурсларини интеграл бошқаруви нима эканлигини ва нима учун бундай юқори даражадаги қўллаб қувватлов муҳим эканлигини тушунтириш мақсадида ишлаш муҳимлигини англатади. Бироқ сиёсий раҳбарият зарур, агар сув ресурсларини бошқариш бутунлай бир томонлама, фақат юқоридан пастга бўлиб, манфаатдор томонлар иштироки таъминланмаса интеграллашган ёндашув ишламайди. СРИБ барча манфаатдор ёки сув ресурслари бўйича қабул қилинадиган қарорлар таъсирига тушадиган бўлса ҳавзавий бошқарувда иштирок этишларини, мазкур масаладаги маълумотлар бепул ва очиқ алмашинувини тақозо этади. Энг мақбул ечимларни топишда маълумотларнинг очиқлиги жуда муҳим ҳисобланади.

Горизонтал ва вертикал интеграция

Интеграция бўйича ёндашув ҳам горизонтал ҳам вертикал бўлиши лозим. Вертикал интеграция хокимиятнинг барча даражалари бўйича амалса оширилса, горизонтал интеграция турли сув истеъмолчилари ва сув ресурсларини бошқариш қарорлари таъсирига тушувчи субъектлар бўйича амалга оширилади. Горизонтал интеграциянинг асосий элементи бу ўз фаолият йўналишларида сув ресурсларига таъсир этувчи вазирликлар, жумладан молия, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика ва бошқалар, ҳамда ижтимоий ва экологик мажбуриятларга эга бўлган вазирликлар, жумладан соғлиқни сақлаш вазирлиги ва экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини ўзаро бириктириш ҳисобланади. Ҳар қандай ҳавза ҳудудида албатта ўзаро тафовутлашувчи сувга бўлади. Масалан ичимлик сув таъминоти, суформа

дәхқончилик, энергетика, экологик талаблар, рекреация, гидроэнергетика, шунингдек сув ресурсларини ифлосланиши ёки режимини ўзгартириш билан боғлиқ талабларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Вазирликлараро мувофиқлаштирувчи кенгашлар ёки қўмиталарнинг ташкил этилиши фойдали бўлади. Аммо, бундай кенгашларда вазирликлар фақат юқоридан туширилган кўрсатма ва топшириклар (Президент ёки Вазирлар Махкамаси қарори) асосидагина хоҳиш билан самарали ишлашлари мумкин. Шунинг учун бундай вазирликлараро мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилган ва унда ҳар бир иштирокчи, жумладан хукуматда юқори мансабдор ижрочи ва ҳавзавий ташкилотлар, махаллий хокимият ва сувдан фойдаланувчи ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиши лозим. Муаммолар бир неча мамлакатларга таъсир этган ҳолларда эса трансчегаравий ҳавзалардаги сув муаммоларини мувофиқлаштириш учун мамлакат раҳбарларининг саммити ёки конференциясини ўтказиш талб этилиши мумкин.

3.2 Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, экологик асослари ва имкониятлари

Ҳавза даражасида сув ресурсларини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари мамлакатларнинг асосий сув қонунчилигида белгилаб берилади, Жумладан, Марказий Осиё малакатларида сув қонунчилиги асосини Сув Кодекслари ташкил этади. Ҳар бир сув кодексида у ёки бу даражада сув ресурсларини интеграл бошқариш ва ҳавзавий режалаштириш имкониятлари кўзда тутилган. Қуйида 3.2-жадвалда Марказий Осиё давлатлари сув кодексларида сув ресурсларини интеграл бошқариш ва ҳавзавий режалаштириш элементларининг ифодаланишининг қиёсий таҳлили келтирилган.

3.2-Жадвал

Марказий Осиё давлатлари сув кодексларида сув ресурсларини интеграл бошқариш ва ҳавзавий режалаштириш элементлари

СРИБ ва Ҳавзавий режалаштириш принциплари	Қозогистон сув кодекси (09.07.2003 ўзгарт 25.01.2012)	Қирғизистон сув кодекси (12.01.2005 ўзгарт 10.10.2012)	Тожикистон сув кодекси (10.11.2000 ўзгарт 16.04.2012)	Туркманистон “Сув тўғрисида”ги Кодекси (01.11.2004)	Ўзбекистон “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” ги қонун (6.05.1993 ўзгарт (25.12.2009)
Барча турдаги сув ресурслари қамрови (давлат сув фонди)	Боб 1, модда 4	Боб 1, модда 4	Боб 1, модда 4	Боб 1, модда 3, 4	Боб I, модда 3, 4
Жамоатчилик иштироки, гендер жихатлари	Боб 1, модда 9; Боб 5, модда 33; Боб 12, модда 63	Боб 1, модда 6	Боб 1, модда 13	Боб IV, модда 11	Боб III, модда 10

Горизонталь ва вертикаль мувофиқлаштириш	Боб 5, модда 33; Боб 7, модда 40; Боб 9, модда 48-49	Боб 2, модда 7-10	Боб 2, модда 6-7	Боб II, модда 7, 8, Боб III, модда 10	Боб II, модда 5,6,7 Боб III, модда 8,9
Сув ресурслари ва хавзаларни бошқариш, режалаштириш (сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шаклий лойихаси, сув хўжалиги баланси)	Боб 5, модда 34; Боб 7, модда 40-43; Боб 8, модда 44, 47	Боб 1, модда 5; Боб 2, модда 9, 10; Боб 3, модда 20	Боб 1, модда 2, 9; модда 69, модда 74; Боб 23, модда 138, 139	Боб XXIV, модда 101-102	Боб XXVI модда 108-112

Қозоғистон

Қозоғистон Республикаси сув кодексига Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб СРИБ, Ҳавзавий Кенгаш ва Ҳавзавий режалаштириш тушунчалари киритилган. Сув кодекси асосига бошқарувнинг ҳавзавий принципи олинган, яъни бошқарув гидрографик принцип асосида амалга оширилади. Сув кодексида Ҳавзавий кенгашларни ташкил этиш ва Ҳавзавий шартномаларни тузишга катта эътибор қаратилган. Сув кодекси бандларининг бажарилиши давлат молиялаштириш дастурига киритилган. 2008 йилдан бошлаб СРИБ принципларини жорий этиш буйича амалга оширилаётган тадбирлар давлат бюджети ҳисобига молиялаштирилади.

Қозоғистон сув кодексига СРИБ элементлари ва ҳавзавий режалаштиришга оид бандлар 2009 йил 9 июлдан ва кейинроқ 2012 йил 25 январдан ўзгартиришлар билан киритилган. Жумладан: СРИБ элементлари 1-Боб, 1-моддада (Бошқарувнинг ҳавзавий принципи – сув ресурсларини дарёлар, кўллар ва бошқа сув обьектлари ҳавзалари доирасида маъмурий-худудий бирликларга тақсимоти амалга оширишда сув фонди бошқаруви гидрографик кўрсаткичлари бўйича амалга оширилишини билдиради) ўз аксини топган. 9-моддада (1-Боб) эса сув қонунчилиги принциплари келтирилган:

- аҳолини сув билан адолатли ва тенг таъминланиши;
- сув фондидан фойдаланишда ва унинг муҳофазасида очиқлик ва жамоатчиликнинг жалб этилиши;
- Қозоғистон Республикаси сув фондининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги.

Ҳавзавий режалаштириш 34- ва 40- моддаларда ўз аксини топган. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувининг асосий принциплари:

- сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида ҳавзавий бошқариш;

- гидрографик ҳавзанинг сув ресурсларини ҳавзавий принцип асосида комплекс бошқариш;

- сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида сув муносабатлари субъектларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш...;

- тегишли ҳавза доирасида тараққиётнинг истиқболи режа ва дастурлари асосида сув обьектларининг муҳофазаси ва уларни қайта тиклаш бўйича ҳавзавий шартномаларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

- Ҳавзавий кенгаш ишини ташкил этиш, Ҳавзавий кегаш аъзолари билан ҳавза доирасида сув фондидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш масалалари бўйича маслаҳатлашувларни ташкил этиш, Ҳавзавий кенгаш томонидан тайёрланган тавсиялар таҳлили, улар асосида тадбирларни амалга ошириш, Ҳавзавий кенгаш тавсияларини манфаатдор томонлар давлат органлари ва сувдан фойдаланувчиларга етказиш.

42-модда сув обьектларини қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш масалаларига бағишлиланган. Жумладан унда ҳавзавий шартномалар томонларининг муайян сувни муҳофаза қилиш тадбирларини (уларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган ҳолдаги) амалга ошириш учун зарур бўлган кучлар ва ресурслари билан иштирок этиш бўйича мажбуриятлари келтирилган.

43-моддада Ҳавзавий кенгаш – муаян ҳавза доирасида ташкил этиладиган маслаҳат органи сифатида талқин этилган. 45-модда Сув хўжалиги балансларининг ва 46-моддада Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шаклий лойихаси (СРМФваУМҚ ШЛ) моҳияти ёритилган. Жумладан СРМФваУМҚ ШЛ сув ресурсларини интеграл бошқариш масалаларида қарорлар қабул қилиш мақсадида ишлаб чиқилиши кўрсатилган.

Қирғизистон

Қирғизистон сув кодексида сув ресурсларини ҳавзавий ёндашув асосида бошқариш кўзда тутилган. Кодексда ҳар бир Баш ҳавзада тегишли Ҳавзавий сув хўжалиги маъмурияти ва Ҳавзавий кенгашлар тузилиши белгиланган. Шунингдек мамлакатда фаолияти ҳавзаларининг гидрографик чегараларини аниқлаш, Миллий сув стратегияси лойихасини ишлаб чиқиш, қонун хужжатлари лойихаларини ва бошқа тегишли хужжатларни ишлаб чиқишга йўналтирилган Миллий кенгаш ҳам тузилган.

Қирғизистон сув кодексида СРИБ ва ҳавзавий режалаштириш элементларининг акс эттирилиши (Қирғизистон сув кодекси, 12 январь 2005 йил 2012 йил 10 октябрда киритилган ўзгартиришлар билан):

- 5-Боб: Сув ресурсларини бошқариш ва ҳавзавий ёндашув:

- «Ҳавзавий ёндашув – сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш жараёнини бошқариш бош ҳавзалар доирасида гидрографик принцип асосида амалга оширилишини билдиради...»,

- «Ҳар бир бош ҳавзада тегишли ҳавзавий сув маъмурияти ва ҳавзавий кенгашлар сув ресурсларини бошқаришнинг муайян жиҳатлари учун масъулдирлар...».

- 5-Боб: Сув ресурсларини бошқариш принциплари:

- Ифлослаганлик учун тўлов принципи;

- Реал кафолат принципи: сув истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва юридик химояси бўйича реал кафоалтнинг таъминланиши;
- Очиқлик принципи: сув объектлари ва сув ресурсларининг ҳолати ҳақидаги маълумотлар жамоатчилик вакиллари учун очиқ бўлиши лозим.
 - 10-Боб: Ҳавзавий режалаштириш. Ҳавзавий кенгашлар ва уларнинг ваколатлари:
- Ҳавзавий кенгашларнинг вазифалари – Ҳавзавий режани ишлаб чиқиш .. дан иборат; Ҳавзавий режа қўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:
 - ҳавза ичидаги сув ресурслари миқдори ва сифатини баҳолаш;
 - аҳоли ва экологик эҳтиёжлар учун сувга бўлган талабни аниқлаш;
 - инвестицион ва молиявий талабларни, уларнинг эҳтимолий манбаларини аниқлаган ҳолда баҳолаш;
 - сувдан фойдаланиш бўйича устиворликларни ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасида сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини эҳтимолий чекланишларини белгилаш
- Ҳавзавий кенгаш фаолияти бўйича иш юритиш қоидалари лойихаларини тайёрлаш...;
- Бош ҳавза доирасида сув секторида фаолиятларни мувофиқлаштириш;

«...Давлат сув маъмурияти ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш бўйича жараёнларни белгилайди...».

«...Давлат сув маъмурияти ва тегишли ҳавзавий сув маъмуриятлари ўз вазифаларини бажариш давомида тегишли ҳавзавий режаларни амалга оширадилар...».

«...Ҳавзавий режалар тегишли ҳавзавий кенгашлар томонида ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади...».

Тожикистон

Тожикистонда ҳам сув қонунчилиги асосини Сув кодекси ташкил этади, бироқ шу билан бирга сув билан боғлиқ алоҳида масалалар 50 дан ортиқ қонунларда ўз аксини топган. Тожикистон Республикаси Сув кодексига 2012 йилда СРИБ билан боғлиқ қўшимчалар киритилган. Жумладан Сув кодексига «Сув ресурсларини интеграл бошқариш», «Сув ресурсларининг ҳавза ташкилоти», «Миллий сув кенгаши», «Ҳавзавий сув кенгаши» каби тушунчалар киритилган.

Тожикистон сув кодексида СРИБ ва ҳавзавий режалаштириш элементларининг акс эттирилиши (Тожикистон Республикаси сув кодекси, 16 апрель 2005 йил 2012 йилда киритилган ўзгартиришлар билан):

- 2-модда: Асосий тушунчалар:

- Сув ресурсларини интеграл бошқариш – бу сув (ер ости, ер усти ва қайтган) ва ер ресурслари ҳамда улар билан боғланган бошқа табиий ресурсларни муайян гидрографик чегараларда ҳисобга олиниши ва ўзаро таъсирига асосланган, турли тармоқларнинг ҳамда сув ва табиий ресурслардан

фойдаланишнинг турли иерархия даражалари манфаатларини инобатга оловчи, уларни барқарор тараққиёт ва табиатни муҳофаза қилиш йўлида қарорлар қабул қилиш, молиялаштириш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва ривожлантириш жараёнига жалб этувчи бошқарув тизими;

• Сув ресурсларининг ҳавза ташкилоти – бош ҳавза чегараларида сув ресурсларини бошқариш учун масъул бўлган, сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш жараёнини тартибга солувчи ваколатли давлат органларининг ҳудудий тузилмаси. Бу ерда ҳавза ташкилотлар ваколатлт давлат ташилоти сифатида талқин этилган;

• Миллий сув кенгаси – Тожикистон ҳукумати қошидаги сув ресурсларини режалаштириш, бошқариш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш йўналишида вазирлик ва идоралар, давлатнинг бошқа органлари ҳамда нодавлат ташкилотларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳат органи;

• Ҳавзавий сув кенгаси – муаяйн сув ҳавзасида сув ресурсларини режалаштириш, бошқариш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш йўналишида давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳавзавий маслаҳат органи;

- 9-модда: Ҳавзавий режалаштириш. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви:

• Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви бошқаришнинг ҳавзавий Принципларига асосланган ҳолда Тожикистон Республикаси ҳукумати, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлатнинг мутасадди ташкилотлари томонидан қонунчилик асосида амалга оширилади.

- 69-модда. Сувдан фойдаланиш режаларини тасдиқлаш: Сувдан фойдаланиш режалари турли даражаларда тасдиқланади:

• хўжалик ички сувдан фойдаланиш режалари – сув билан таъминловчи ташкилот билан келишган ҳолда, муайян ҳудуд маъмурий жиҳатдан бўйсунувчи жойлардаги ижро ҳокимияти органлари томонидан;

• туман (ҳавзавий) аҳамиятига эга бўлган тизимлар бўйича – муайян ҳудуд маъмурий жиҳатдан бўйсунувчи жойлардаги ижро ҳокимияти органлари томонидан;

• туманлараро, вилоят (ҳавзавий) аҳамиятига эга бўлган тизимлар бўйича – мос равища сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлатнинг мутасадди органлари ва уларнинг ташкилотлари томонидан жойлардаги қишлоқ хўжалиги органлари билан келишган ҳолда.

-139-модда (23-Боб): Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шаклий лойихалари:

• Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг Бош ва Ҳавзавий шаклий лойихалари – аҳоли ва мамлакат иқтисодиётининг сувга бўлган истиқболли эҳтиёжларини қондириш, ҳамда сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва уларнинг сальбий таъсирларини олдини олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган асосий сув хўжалиги ва бошқа

тадбирларини белгилаб беради.

Тожикистон Республикаси Сув кодексига асосан мамлакатда таркибиға фаолиятлари ҳавзадаги мавжуд сув ресурсларини режалаштириш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган турли ташкилотлар ва корхоналар вакиллари кирувчи Ҳавзавий сув кенгашлари тузилади. Аста секин барча ҳавзалар бўйича сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳавзавий режалари ишлаб чиқилиши қўзда тутилган.

Туркманистон

Туркманистон Республикасининг «Сув тўғрисида»ги кодекси - Туркманистонда сув-экологик тартиботни шакллантириш ва мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашишни кўзда тутади.

Кодексда сув ресурсларини ҳавзавий принцип асосида бошқариш тўғрисида бевосита кўрсатилган, бироқ сув хўжалиги балансларини хисобларини уларнинг ҳолати ва фойдаланилиши даражаси бўйича дарёлар ҳавзалари кесимида юритиш белгиланган. Шунингдек мамлакатда сув фондини сақлаш бўйича асосий сув хўжалиги ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларини белгилаб берувчи «Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг Бош ва Ҳавзавий (ҳудудий) шаклий лойихаларини тузиш бўйича мажбуриятлар белгиланган – (СРМФваУМҚ ШЛ). Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шаклий лойихалари ахоли ва иқтисодиёт тармоқларининг сувга бўлган истиқболли талабларини қондириш, сув ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва уларнинг салбий таъсирларини олдини олишга йўналтирилган. Кодексга кўра жамоатчилик Туркманистон қонунчилиги асосида давлат ташкилотлари томонидан сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш жараёнida ҳамкорлик қилиши ва бевосита иштиrok этиши мумкин.

Турманистон Республикаси «Сув тўғрисида»ги кодексида СРИБ ва ҳавзавий режалаштириш элементларининг акс эттирилиши (1 ноябрь 2004 йил):

- Модда 101 (Боб XXIV): Сув хўжалиги баланслари: Дарё ҳавзалари бўйича мавжуд сув ресурслари ҳисоби ва сувдан фойдаланиш даражасини баҳоловчи сув хўжалиги баланслари ...

-Модда 102 (Боб XXIV): Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шаклий лойихалари: Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг Бош ва Ҳавзавий (ҳудудий) шаклий лойихалари сув фондини сақлаш бўйича асосий сув хўжалиги ва сувни муҳофаза қилувчи тадбирларни белгилаб беради

Ўзбекистон

Ўзбекистонда ҳам сув қонунчилиги асосини «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ташкил этади, бироқ шу билан бирга сув билан боғлиқ алоҳида масалалар 50 дан ортиқ қонунларда, шунингдек мамлакат Президентининг қатор фармонларида ва бошқа қонун ости хужжатларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни 1993 йил 3 майда қабул қилинган ва унга 2009 йил 25 декабрда қатор мухим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Жумладан «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунга «Сув истеъмолчилари уюшмаси», «Трансчегаравий сув объектлари», «Трансчегаравий сувлар», «Ҳавзавий сув кенгаши» каби тушунчалар киритилган.

Ушбу Қонуннинг мақсади сувга доир муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг асосий вазифалари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувларни булганиш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан саклаш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан, шунингдек сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, дехқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунида СРИБ ва ҳавзавий режалаштириш элементларининг акс эттирилиши:

- 8-модда. Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви:

- Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (ҳудудий) бошқармалари орқали тартибга солувчи маҳсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади;

- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) ўз ваколатлари доирасида сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида маҳсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

- 10-модда. Сувлардан ва сув объектларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг иштироки:

- Сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ ҳамда фуқаролар сувлардан ва сув объектларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашади. Давлат органлари бу тадбирларни ўтказишда сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек фуқароларнинг таклифларини ҳисобга олиши мумкин.

-13-модда. Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотлар ҳамда бошқа объектлар қуриладиган, реконструкция қилинадиган, таъмирланадиган ва тикланадиган жойларни белгилаш:

• Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иништоотлар ҳамда бошқа объектлар қуриладиган, реконструкция қилинадиган, таъмиранадиган ва тикланадиган жойларни белгилаш мазкур сув объектларидан фойдаланувчи ташкилотлар, шунингдек бошқа манфаатдор ташкилотлар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ келишиб олинади.

-18²-модда. Сув истеъмолчилари уюшмалари:

• Сув истеъмолчилари уюшмалари асосан гидрография принципига ёки сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан оқилона фойдаланишини таъминлайдиган бошқа шартларга мувофиқ ташкил этилади;

• Фермер ҳўжаликлари, юридик шахс ташкил этган ҳолдаги дехқон ҳўжаликлари, шунингдек юридик шахс бўлган бошқа сув истеъмолчилари сув истеъмолчилари уюшмаларининг муассислари бўлиши мумкин;

• Фермер ва дехқон ҳўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек бошқа сув истеъмолчилари сув истеъмолчилари уюшмаларининг аъзолари бўлиши мумкин;

• Сув истеъмолчилари уюшмаси ва унинг хизмат кўрсатиш зonasида жойлашган аъзолари, шунингдек бошқа қишлоқ ва сув ҳўжалиги органлари ҳамда ўзга юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги сувга доир муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

-32¹-модда. Сув истеъмолчиларининг ҳуқуқлари: Сув истеъмолчилари:

• берилаётган сувнинг миқдори ва сифатини текшириш;

• қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома бўйича олинмай қолган сув учун компенсация талаб қилиш;

• сув ресурсларини бошқаришга оид қарорлар қабул қилинишида иштирок этиш;

• ўз эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда сув олиш лимитларини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш;

• сувга доир муносабатлар соҳасидаги ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиш;

• ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши, шу жумладан белгиланган сув олиш лимитлари ва сув бериш режимига мувофиқ сув олиш ҳуқуқининг бузилиши туфайли етказилган заарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

• Сув истеъмолчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

-108-модда. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишини режалаштириш:

• Сувдан фойдаланишини режалаштириш биринчи навбатда аҳолининг ичимлик сувга бўлган ва маиший эҳтиёжларини қондиришни, сувнинг сувдан фойдаланувчилар ўртасида илмий асосда тақсимланишини, сувни муҳофаза қилишни ва сув етказадиган заарли таъсирнинг олдини олишни таъминлаши лозим;

• Сувдан фойдаланишни режалаштириш чоғида давлат сув кадастридаги маълумотлар, сув хўжалиги баланслари, сувдан комплекс фойдаланиш ва сувни муҳофаза қилиш шаклий лойихалари кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

-110-модда. Сув хўжалиги баланслари:

• Сувнинг мавжуд миқдорини ва ундан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун дарёлар ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари ҳамда иқтисодий минтақалар бўйича сув хўжалиги баланслари тузилади;

• Сув хўжалиги баланслари сувлардан фойдаланишни тартибга солиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан умумлаштирилади;

-111-модда. «Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шаклий лойихалари:

• Сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг бош ва ҳавза (худудий) жадваллари аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг сувга бўлган истиқболдаги эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек сувни муҳофаза қилиш ва сув етказадиган заарли таъсирларнинг олдини олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган асосий сув хўжалиги тадбирларини ва бошқа тадбирларни белгилаб беради;

• Сувнинг мавжуд миқдорини ва ундан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун дарёлар ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари ҳамда иқтисодий минтақалар бўйича сув хўжалиги баланслари тузилади.

-112-модда. Сувни ва ундан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш, давлат сув кадастри юритиш, сув хўжалиги баланслари тузиш ҳамда сувлардан комплекс фойдаланишнинг ва уни муҳофаза қилишнинг жадвалларини ишлаб чиқиши тартиби:

• Сувни ва ундан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш, давлат сув кадастрини юритиш, сув хўжалиги баланслари тузиш ҳамда сувдан комплекс фойдаланишнинг ва уни муҳофаза қилишнинг жадвалларини ишлаб чиқиши ишлари бюджет ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берадиган тартибда бажарилади.

Ўзбекистон иқлимининг қурғоқчил шароити ва сув ресурсларининг чекланганлиги мамлакатда сув ресурсларини бошқариш тизимини сув ресурсларини интеграл бошқариш ва улардан фойдаланишни жорий этиши асосида такомиллаштиришни тақозо этади. Ушбу мақсад йўлида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча тармоқларида бўлгани каби сув секторида ҳам кенг қамровли ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда сув ресурсларини сув истеъмолчиларини ҳам қарор қабул қилишда фаол иштирок этишини кўзда тутувчи ҳавзавий ёндашув асосида бошқариш принципига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш туғриси»даги 290-сонли ва “Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишини такомиллатириш тўғрисида”ги 320-сонли Қарорлари асосида бошланди. Натижада республикада сув хўжалигини бошқариш тизими қайта

ташкил этилди. Сув хўжаги тизимининг қуий бўғинида сув истеъмолчиларини ўз ўзини бошқаришига асосланган ва ўз таркибига турли сув истеъмолчиларини олган 1500 дан ортиқ сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) ташкил этилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохатлар, жумладан қонунчилик базасини ривожлантирилиши, катта майдонлардаги суғориладиган ерларда кузги буғдой етиштиришга ўтилганлиги (натижада йил давомидаги сув истеъмоли ва сув ресурсларини бошқариш режимларининг ўзгаришига эришилганлиги), қишлоқ хўжалигида диверсификация ва нисбатан кам сув талаб этувчи экинларни етиштиришга ўтилганлиги (сўнгги йилларда суғорма деҳқончиликдаги пахта етиштирилдиган майдонларнинг улуши 30% дан ошмайди, қолган майдонларда эса дон, озиқ-овқат ва чорвачилик сектори учун ем-хашак етиштирилмоқда), суғоришнинг сув тежамкор технологияларини ривожлантириш ва бошқалар мамлакатда барча мақсадлар учун манбалардан олинадиган сув хажмини 1980 йиллардаги кўрсаткич - 64 км³/йилдан 52 км³/йилгacha, яъни 20 фоизгача камайтириш имконини берди.

Натижада Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш тизими сезиларли даражада ўзгарди. Шу билан бирга ўтиш даврининг қийинчиликлари ва муаммолари сезилиб турибди. СИУга аксрият ҳолатларда сувдан фойдаланиш режаларини ишалб чиқиши бўйича етарли тажрибага эга эмас. Сув истеъмолчиларининг катта қисмида сув ўлчаш воситалари йўқ. Сув истеъмолчиларида сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўйича манфаатдорлик даражаси паст.

Шунинг учун соҳада ислохатлар кенгайтирилмоқда. Сувдан фойдаланишнинг хукуқий асослари доимий равишда ривожлантирилмоқда. Жумладан 2018 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5418-сонли “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларини давлат бошқарувини тубдан яхшилаш чоралари тўғрисида”ги ҳамда 3672-сонли “Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди. Мазкур фармон сув хўжалиги секторига тегишли бўлган барча масалаларни, жумладан сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда сув ресурсларини бошқариш, СИУлар тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш масалаларини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасида сув сиёсатининг истиқболдаги йўналишлари қуийдаги мақсадларга йўналтирилган:

- трансчегаравий дарёлар оқимини қўшни давлатлар билан ҳамкорликда барқарор бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;
- самарали фойдаланишга алоҳида урғу берган ҳолда сув ресурсларини интеграл бошқаришни кенг жорий этиш;
- сув исрофини камайтириш мақсадида ирригация ва сув таъминоти тизимларини реконструкция қилиш ва ривожлантиришни давом эттириш;

- сугориладиган майдонларда сувни кўп талаб этувчи экинларни курғокчиликка чидамли экинлар биан алмаштириш;
- сугорма деҳқончиликда прогрессив технологияларни жорий этиш;
- коммунал-рўзгор хўжалигида ва саноат корхоналарида камсувли ва сувсиз технологиялар ва айланма сув таъминоти тизимларини жорий этиш;
- коллекторно-дренаж сувларини утилизация қилиш;
- сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ва ирригация тизимлари фойдали иш коэффициентини ошириш.

Сув хўжалигининг амалдаги меъёрий-хукуқий хужжатлари тахлили кўрсатадики минтақадаги барча мамлакатларда у ёки бу даражада СРИБ, сув ресурсларини режалаштириш ва бошқариш жараёнларига ҳавзавий режалаштириш ва манфаатдорларни жалб этиш элементлари мавжуд. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки мамлакатларда қонунчилик базалари доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда ва бунда СРИБ ва ҳавзавий режалаштириш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Ўз ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг моҳияти;
2. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг афзалликлари;
3. Сув ресурсларини интеграл бошқариш ва унинг моҳияти;
4. Сув ресурсларини интеграл бошқаришнинг инструментлари;
5. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш;
6. Ҳавзаларда сув ресурсларини интеграл бошқаришга ўтишнинг бошланғич даражалари;
7. Ҳавзаларда сув ресурсларини гидрографик принцип асосида бошқаришнинг моҳияти;
8. Биргаликда бошқаришга ўтиш жараёни;
9. Ҳавзавий бошқариш ва Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш шаклий лойихасининг ўхшашиклари ва фарқли жихатлари;
- 10.Ҳавзавий бошқарув тизимини шакллантиришда асосий талаблар;
- 11.Ҳавзавий режалаштиришда қўлланиладиган асосий ёндашувлар ва уларнинг методологик асослари;
- 12.Сиёсий хоҳиш ва ҳавзавий бошқарув тизимлари;
- 13.Горизонтал интеграция;
- 14.Вертикал интеграция.

IV –Боб. Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришни режалаштириш цикли

4.1 Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришни режалаштириш жараёни: Режалаштириш цикли

Олдинги бобларда таъкидланганидек ҳозирги кундаги шароитларда сув билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига интеграллашган ёндашувга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги реаллик шароитларида сув муаммоларига, бир вақтнинг ўзида уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларини ва таъсирларини қамраб олган ҳолда таҳлил қиласдан ечим топишнинг имкони йўқ. Ҳавзавий режалаштириш Сув ресурсларини интеграл бошқаришнинг (СРИБ) муҳим элементи ҳисобланади ва у сув ресурсларини бошқаришнинг турли даражаларида, шу жумладан трансчегаравий даражада ҳам қўлланилиши мумкин. Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш сув хўжалиги (ҳавзавий) ташкилотларига мавжуд сув хўжалиги вазиятини комплекс таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда ҳавза доирасида сув ресурсларидан фойдаланишнинг якин (2-3 йилга), ўрта (5-7 йилга) ва узоқ (10-15 йилга) келажакка мўлжалланган режалаштиришни амалга ошириш имконини беради. Ҳавзавий бошқариш жараёнида ҳавзанинг иқтисодий тараққиётига таъсир этувчи - иқтисодий ривожланиш, демографик башоратлар, иқлим ўзгаришининг ўсиб бораётган қўрстакичлар ва бошқа омиллар ҳисобга олинади. СРИБ режасини ишлаб чиқиш Режаларни энг ҳаётий ва самарали бўлишига имкон яратувчи асосий тамойилларга амал қилишни талаб этади. Бунда асис сифатида жараёни ёки бошқача қилиб айтилганда режалаштириш цикли хизмат қилади. Шунга ўхшаш режалаштириш цикллари ҳар қандай бошқарув тизимларида, ҳавзани бошқариш ёки алоҳида корхонани бошқариш тизими бўлишидан қатъий назар, уларда ҳам қўлланади. Режалаштириш цикли асосида ишлаб чиқилган СРИБ режаси мамлакат ва давлатлараро даражадан бошлаб токи ҳар қандай дарё ҳавзаси даражасигача бўлган турли даражаларда қўлланилиши мумкин.


Қўйида келтирилган схемада кўрсатилгандек (4.1-расм), СРИБ учун тузилган режалаштиришнинг замонавий цикли 7 та асосий босқичларни ўз ичига олади. Мазкур босқичларнинг ҳар бир ўкув қўлланмасининг кейинги бобида батафсил кўри чиқилади.

Манфаатдор томонлар таҳлили

Манфаатдор томонларнинг жалб этилиши Ҳавзавий Режани ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг ҳар бир босқичида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий масалалардан ҳисобланади. Ҳар бир мамлакат ва ҳар бир ҳавза учун манфаатдор томонларнинг рўйхати хусусий бўлади. Манфаатдор томонларнинг рўйхатини шакллантиришда берилган худуддаги бошқарувнинг ўзига хослиги, мавжуд иқтисодиёт тармоқлари, жамоат ташкилотлари, экологик жиҳатлар, эҳтимолий фавқулодда вазиятлар ва бошқалар эътиборга олинади.



Расм 4.1. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришни режалаштириш цикли



Расм 4.2. Манфаатдор томонларни жалб этиш жараёни босқичлари

Ҳар бир манфатдор томоннинг иштироқи барча тармоқлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва шакллантириш, устиворликларни белгилаш ҳамда ҳар бир иштирокчининг манфаатларини эътиборга олган ҳолда эҳтимолий ечимларни топиш имконини беради.

Ҳар бир манфаатдор томоннинг режалаштириш жараёнида иштирок этишини таъминлашда қуидагиларга алоҳида эътибор қататиш лозим:

- Қарорларни билимларга асосланган қабул қилиш;
- Асосий манфаатдор томонларнинг кўпроқ нимадан (сув ресурслари этишмовчилигиданми ёки сув ресурсларининг ёмон бошқарилаётганиданми) зарар кўраётганларини аниқлаш;
- Режани ишлаб чиқишининг дастлабки босқичларида эришилган келишувлар, унинг кейинги босқичларида қарама-қаршиликларни келиб чиқишини камайтиради;
- Жамоавий ва хусусий фаолиятлардаги очиклик;
- Жараённинг барча иштирокчилари ўртасида ўзаро ишончли муносабатларни таъминлаш.

Бунда ҳар бир манфаатдор томон режалаштириш ва кейинчалик уни амалга ошириш жараёнларида иштирок этишдан келадиган манфаатларни яхши тушуниши лозим. Жарёнда иштирок этаётган манфаатдор томонларнинг қарашлари ва манфаатлари ҳар доим ҳам мос келмаслиги ва ўзаро қарама-қаршиликлар келиб чиқиши мумкин. Бунай ҳолларда жараён иштирокчилари ўртасида компромисга ва ўзаро келишилган қарорларга эришиш лозим. Ўзарор келишилган қарорларни қабул қилиш – уларни самарали бажарилишига имкон яратади.

4.2 Стратегик назар. Стратегик назарни ишлаб чиқиши босқичлари

Олдиндан кўра билаш – бу ҳавзани ривожлантиришининг асосий узок муддатли мақсади ҳисобланади.

Стратегик назар, яъни олдиндан кўра билиш - бу ҳавзани ривожлантиришнинг истиқболини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Стратегик назар, олдиндан кўришни ифодаловчи ҳужжат - белгиланган узок муддатли даврга, одатда 20-25 йилга мўлжалланган бўлиши керак.

Давлатнинг муайян мақсадларга интилишини белгиси, яъни тараққиёт стратегияси ва сиёсий курсини шакллантирилиши ёки бошқача қилиб атаганда мамлакатда стратегик “Назарни шакллантириши” ҳавзавий режалаштириш учун асос ҳисобланади. Мамлакатнинг сиёсий курси, яъни йўналиши ҳавзавий режалаштириш учун асос сифатида қабул қилиниши лозим. Стратегик назарни ишлаб чиқиши учун асос сифатида қуидагилар хизмат қилиши мумкин:

- Хукумат томонидан маъқулланган ҳужжат қўринишидаги расмий сиёсий баёнотлар;
- Ижро ҳокимияти аъзоларининг норасмий сиёсий баёнотлари;
- Мамлакатнинг ривожланиш стратегияси ҳамда ҳудудларнинг ривожланиш стратегияси ва режалари;
- Халқаро мажбуриятлар.

«Назар» амалда тасаввур қила олинадиган, исталган, муайян муддатларда амалга ошириш мумкин бўлган ва муайян масалаларга қаратилган бўлиши лозим. «Назар» барча манфаатдор томонлар учун очиқ ва тушунарли бўлиши лозим.

«Назар» - бу ҳавзанинг асосий узок муддатли ривожланиш мақсадидир. “Стратегик назар” эса – бу ҳавзанинг ривожланиш истиқболларини ёритувчи

хужжатдир. “Стратегик назар” берилган узоқ муддатли келажакка, одатда 20-25 йилга мұлжалланған бўлади.

“Стратегик назар”ни ишлаб чиқиши жараёни ўз ичига бир неча мажбурий босқичларни олади:

1. Амалдаги сув сиёсати ва стратегиясини СРИБ ва барқарор тараққиёт тамойилларига мослигини таҳлил қилиш;
2. Мавжуд вазият, ресурслар ва талабларни таҳлил қилиш;
3. Барча манфаатдор томонларнинг қарашларини эътиборга олиш мақсадида улар билан расмий ва норасмий маслашатлашувларни ўтказиш;
4. «Назар» ёки «Стратегия» бўйича сиёсий кафолатларни олиш;
5. «Назар» ни тасдиқлаш.

4.3 Мавжуд вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш

Мавжуд вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш Ҳавзавий Режани ишлаб чиқишида асосий йўналиш ҳисобланади. Таҳлил/баҳолаш ишлари манфаатдор томонларнинг ўз кучлари ёки жалб этилган қўшимча эксперталар ёрдамида амалга оширилиши мумкин ва бу фаолият қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Сув ресурсларини бошқариш масалаларидаги муаммоларни ва уларнинг эҳтимолий ечим йўлларини аниқлаш мақсадида, амалдаги сув ресурсларини бошқариш фаолиятини баҳолаш;
- Ҳавзадаги барча муаммолар келтириб чиқарувчи ва яхшилашни талаб этувчи барча асосий тармоқларни таҳлил қилиш;
- Муаммолар ва уларнинг ечими бўйича тавсиялар рўйхатини шакллантириш;
- Берилган давр учун устивор бўлган масалаларни аниқлаш.

Вазиятнинг таҳлили ва уни баҳолаш натижалари техник маълумотлар, эксперталар томонидан олинган субъектив маълумотлар ҳамда статистик маълумотлар балансига асосланған бўлиши лозим. Маълумотларни тўплаш тўлиқ ҳажмда ва максимал миқдордаги муаммоларни аниқлашга йўналтирилган тарзда амалга оширилиши лозим. Таҳлилни ўтказиш жараёнига барча манфаатдор томонлар бевосита ёки билвосита, (жумладан интервью ўтказиш ёки муайян маълуматларни олиш бўйича сўровнома юбориш орқали) жалб этилиши лозим. Бундай ёндашув барча турли даражаларда ва турли соҳаларда мавжуд муаммоларни аниқлаш имконини беради. Замонавий инновацион, информацион-коммуникацион технологияларни кенг қўллаш таҳлил ва баҳолашни ўтказишнинг мухим жиҳати ҳисобланади. Бундай инновацион, информацион-коммуникацион технологиялар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) Интернет он-лайн маълумотлар базаси;
- 2) ГАТ (географик ахборот тизимлари);
- 3) Масофадан зондлаш,
- 4) GPS тизимларини қўллаш.

Таҳлиллар ва баҳолашлар натижалари уларнинг қўшимча фикр ва мулоҳазалари ҳамда таклифларини олиш мақсадида барча манфаатдор томонларга тарқатилиши лозим. Маълумотларни тарқатиш услублари турлича бўлиши мумкин, масалан, барча манфаатдор томонларни жалб этган ҳолда тармоқлараро

диалогларни ташкил этиш. Албатта бундай комплекс таҳлил натижасида кўп сонли муаммолар ва ўз ечимини кутаётган масалалар аниқланиши мумкин. Барча аниқланган муаммолар маҳсус «муаммолар реестри» деб номланувчи рўйхат кўринишида шакллантирилади. Ҳавзавий режалаштириш доирасида реестрга киритиладиган муаммо ва масалалар қўйидагилар билан боғлиқ бўлиши:

- Аҳолини сув билан таъминлаш ва озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чикиш;
- Аҳолини соғлигини таъминлаш;
- Атроф муҳитга сальбий таъсиrlарни камайтириш;
- Бошқарув самарадорлигини ошириш;
- Мониторингни ривожланиши;
- Тадқиқотлар ёки техник қайта жиҳозлаш ва бошқалар.

Муаммолар реестри - ҳавзанинг барча муаммоларини идентификациялаш, баҳолаш ва уларнинг долзарблигини аниқлаш жараёни асосида тузилади. Аниқланган барча муаммолар реестрга киритилиши лозим. Муаммолар реестри муаммолар ечими бўйича ҳаракатлар ёки тадбирларни ўз ичига олмайди, бироқ унда муаммо ечими устидан назорат олиб бориши имконини берувчи ўлчанадиган кўрсаткичлар рўйхати келтирилди. Муаммолар реестри устиворликларни аниқлаш ва уларни навбатлаштириш учу насос сифатида ишлаб чиқилади. Аниқланган устивор муаммолар Ҳавзавий Режа мақсади ва вазифаларини белгилаш ҳамда тадбирлар рўйхатини тузиш учу насос ҳисобланади. Муаммолар реестри барча манфаатдор томонлар ва кенг жамоатчилик учун очиқ бўлиши лозим, чунки улар ҳам муаммолар рўйхатини кенгайтириш ёки кичиклаштириш бўйича таклифлар бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Муаммолар реестри устунларига изоҳлар:

1. Аниқланган муаммо –табиий муҳитдаги ёки иқтисодий ва ижтимоий режалардаги салбий ўзгаришлар. Барча муаммолар гурӯхлари бўйича таҳлил қилинади, улар аниқ белгиланган ҳамда шаклланган бўлиши керак.
2. Салбий оқибатлар – муайян муаммо мавжудлиги билан боғлиқ равища содир бўлиши мумкин бўлган ноқулай хаётий шароитларнинг рўйхати.
3. Сабаблари – муайян экологик муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган омилларнинг рўйхати.
4. Фаолият элементлари – атроф муҳит билан ўзаро таъсиrlарни бўладиган ва муайян муаммонинг келиб чиқишига олиб келувчи инсон фаолияти соҳалари (йўналишлари, тармоқлари, турилари) рўйхати.
5. Кўрсаткич – уларнинг қийматлари бўйича муаяйн экологик муаммолар ҳолатини (камайиши ёки аксинча кўпайиши) кузатиш лозим бўлган индикаторлар тизими.
6. Ранжировка бали – ранжировка бали ўтказилгандан кейин мазкур муаммога берилган рақамли кўрсаткич. (4-жадвал)

Ҳавзадаги эхитимолий муаммолар рўйхати

Жадвал 4.1

Мавжуд муаммолар	Салбий оқибатлар ва хавфлар	Сабаблари	Фаолият элементлар и	Кўрсаткичлар	Балл
Суғориш маувни етишмаслиги	Суғориш сувнинг йўқотилишлари. Ернинг унумдорлигини пасайиши	Ирригация тизимларини узоқ муддатли эксплуатацияси. Эскирган ирригацион тизимлар	Қишлоқ хўжалиги (Суформа дехқончилик)	Ирригация тизимларини ФИК, Сув олишдан далагача бўлган масофада сувнинг йўқотилиши	
Сув объектларида ги сувнинг коллектор- дренаж сувлари ва оқава сувлар, билин ифлосланиши	Сув объектларидағи сувнинг сифатини пасайиши, юқумли касалликлар ортиши	Тизимларнинг мунтазам техник таъминоти мавжуд эмаслиги КДТларини тизимли тозалаш йўқлиги. Сувни химоя қилиш худудлари ва йўлаклари талабларига риоя этмаслик. Сувдан фойдаланиш маданияти пастлиги	Коммунал рўзғор хўжалиги	Дарёга оқиб тушаётган оқава сувлар микдори ва сифати. Дарёдаги сув сифати кўрсаткичлари. Рухсат этилмаган жойларга ахлат тўкиш	
Дельта худудларидағ и қўлларнинг саёзлашуви	Ботқоқлашиш, Балиқ захираларини йўқотилиши. Кўллар атрофидаги яйловларнинг унумдорлигини пасайиши	Суғориш учун сув олиш	Қишлоқ хўжалиги (Суформа дехқончилик)	Қўлларнинг майдони, Балиқ захираси микдори Балиқ турларининг таркиби Ёйловлврнинг майдони	

Таъкидлаш лозимки, ҳар доим ҳам кўриниб турган муаммони ҳал этилишининг ўзи ҳавзадаги вазиятни яхшиланиши учун етарли бўлмайди. Шунинг учун Муаммолар реестрини тузишда ҳар бир ҳолатда барча муаммаларни келиб чиқишига сабаб бўлаётган асосий муаммони аниқлаш зарур. Ўзаро боғланган муммаммоларни аниқлаш учун сабаб-оқибат узвийлигини аниқлаш имконини берувчи “Муаммолар дарахти” деб номланувчи маҳсус воситада фойдаланиш мумкин. Қуйида “Муаммолар дарахти”ни тузиш намунаси

келтирилган. Амалда етарли даражада батафсил тузилган “Муаммолар дарахти” асосий ва боғланган муаммоларни аниқлаб, уларни муаммолар реестрида ифодалаш имконини беради. Аввалроқ юқорида таъкидланганидек, реестрга киритилган ҳар бир муаммо, уларнинг ҳавзадаги атроф мухитга, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга кўрсатадиган таъсирларини, бунинг эҳтимолий сальбий оқибатларини ва ундаги таваккалчилик даражасини эътиборга олган ҳолда ранжирлаш жараёнидан ўтказилиши лозим. Барча маълумотлар реестрнинг мос устунига киритилиб, сўнгра унга олинган ранжирлаш бали белгиланади. Баҳолаш натижалари муаммоларни баҳолаш Матрицасига (4.2 жадвалга қаринг) киритилади. Муаммоларни баҳолаш қуйидаги критериялар (мезонлар) асосида амалга оширилиши мумкин, бироқ ҳар бир баҳолаш мезони ҳавзанинг ўзига хослиги билан боғлиқ ҳолда бир бирида фарқ қилиши мумкин. Мезонлар сони ҳам манфаатдор томонларнинг қарорлари асосида турлича бўлиши мумкин.

Муаммоларни баҳолашнинг эҳтимолий мезонлари:

- Таъсир масштаблари. Таъсирнинг масштаби яъни кўлами беш балли шкала бўйича баҳоланади. Максимал қиймат (5 балл) глобал аҳамиятга эга бўлган муаммоларга (масалан, иқлим ўзгариши ёки Халқаро табиатни муҳофаза қилиш кенгашининг Қизил китобига киритилган маълум турларнинг йўқолиб бориши) берилади. «4 балл» қиймати эса катта ҳудудларга ёки экотизимларнинг ҳар хил турларига (масалан, трансчегаравий сувларга) бўладиган таъсирларга берилади. «3 балл» қиймати - катта майдонларни қамраб оловчи, территориал характерга эга бўлган ўртacha характердаги таъсирларга берилади. «2 балл» қиймати – узоқ вақт давомида аста секин тарқалиши эҳтимоли бўлган, локал таъсирларга берилади. «1 балл» минимал қиймати – нуқтавий локал характерга эга бўлган, ва кейинчалик сув ёки ҳаво орқали тарқалиши мумкин бўлмаган, флора ва фаунанинг уникаль яшаш шароитларига таъсир этмайдиган таъсирларга берилади.

- Таъсирларни ўзгартиришнинг мураккаблиги/баҳоси. Мазкур мезон у ёки бу муаммони характерловчи, салбий вазиятни ўзгартиришнинг техник, молиявий ёки ташкилий мураккабликларини баҳолайди. Бунда максимал қийматлар (3 то 5 гача) техник ва молиявий жихатлардан ечимини таъминлаш мумкин бўлган муаммоларга берилади. Амалга ошириш мураккаб бўлган муаммоларга пастроқ қийматлар (1-2) белгиланади.


- Вақт чегаралари. Мазкур мезон у ёки бу муаммони характерловчи салбий вазиятни ўзгартириш учун зарурий вақт чегараларини баҳолайди. Бунда максимал қийматлар (3 то 5 гача) ечими кам муддат талаб қилувчи муаммоларга берилади. Узоқ муддат талаб этувчи ўзгаришлар эса, кичикроқ қийматларга эга бўлади (1-2).

- Жамоатчилик томонидан қизиқиши. «1 балл» - минимал қиймат, жамоатчилик томонидан қизиқиши бўлмаган муаммоларга берилади. Жамоатчилик томонидан қизиқиши кам, локал масштабда бўлган ва қизиқкан манфаатдор томонларнинг сони чекланган муаммоларга «2 балл» қиймати берилади. Кенг жамоатчилик қизиқиши ҳавза даражасида бўлган муаммаларга «3» ёки «4» балл қиймати берилади. Миллий ва (ёки) халқаро миқёсдаги жамоатчилик эътиборини тортган муаммоларга энг юқори «5 балл» қиймати берилади.

Баҳолаш мезонлари бўйича берилган барча қийматлар «Муаммаонинг

устиворлиги рейтинги» устунида жамланади. «Муаммаонинг устиворлиги рейтинги» нинг юқори қийматлари - муайян муаммонинг аҳамияти жуда юқорилиги, зудлик билан ҳал қилиниши зарурлиги ва унинг мумкинлигини кўрсатади. Муаммоларни ранжирлаш бўйича қўлланадиган услублар турлича бўлиши мумкин. Ранжирлаш жараёни эса турли манфаатдор томонлар, масалан, алоҳида жамоатчилик томонидан, алоҳида давлат тузилмалари томонидан, алоҳида олимлар ва эксперталар томонидан ўтказилиб, сўнгра ранжирлаш бўйича барча натижалар умумлаштирилади ҳамда унинг асосида ўртача кўрсаткич чиқарилади. Ранжирлаш жараёни муҳокамалар вақтида ёки дистанцион тарзда ўтказилиши мумкин. Бундай ёндашувни қўллаш субъективликни истисно қилишга имкон яратади.

Энг юқори балларни олган муаммолар устивор хисобланиб, Ҳавзавий режага асос қилиб олинади. Мазкур муаммолар бўйича мақсад ва вазифалар шакллантирилади ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Бироқ устивор муаммоларнинг ажратиб олиниши бошқа муаммоларни утутиш мумкин деган хulosани англатмайди. Муаммолар реестрини ва устиворлигини аниқлаш жараёнини қайта кўриб чиқиш даврий равишда амалга оширилади. Муаммолар реестрини қайта кўриб чиқиш муддатларини манфаатдор томонлар белгилашади. Мазкур босқичда ечимлари масаласи Режага кирмаган муаммолар реестрни қайта кўриб чиқиш натижасида кейинги босқичларга киритилиши мумкин. Шундай қилиб, барча муаммолар муайян даврда Режага киритилади ва уларнинг ечими таъминланади.



Расм 4.3. Муаммолар дарахти

Муаммоларни баҳолаш матриқаси

4.2- жадвал

Экологик муаммоларнинг номи	Таъсир масштаб и (1-5)	Муракаблиг и ва қиймати таъсир доирасини ўзгариши (1-5)	Вақт чегарас и (1-5)	Жамоатчилик қизиқишилари (1-5)	Муаммола рнинг мухимлиг и рейтинги (умумий)
1	2	3	4	5	6
Суғориш сувини етишимаслиги	4	5	3	5	17
Сув объектларидағи сувнинг коллектор- зовур сувлари, аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналари томонидан чиқариладиган оқава сувлар ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиши.	3	4	4	5	16
Делталардаги күлларнинг саёҳлашуви	4	2	4	1	11

4.4 Мақсад ва вазифаларни аниқлаш

Аниқланган муаммоларни ҳал қилиш юзасида Ҳавзавий Режанинг мақсад ва вазифалари ишлаб чиқилади. Аниқ шакллантирилган мақсад ва вазифалар келгусида Ҳавзавий Режани самарали амалга оширишнинг гарови ҳисобланади. Ҳавзавий Режаларни амалга оширишнинг мақсадлари СРИБ тамойилларига мос келиши ва қуйидаги қатор характерли белгиларга эга бўлиши лозим:

- Сув сиёсати ва ҳалқаро мажбуриятлар билан узвий боғланган бўлиши;
- Аниқлик (мақсад аниқланган муаммонинг ечими учун қўйилган бўлиши);
- Ўлчанадиган бўлиши (мақсадга эришилганлик ёки эришилмаганликни муайян кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш мумкинлиги);
- Реаллик – амалга ошириш мумкинлиги (қўйилган мақсадга муайян характеристлар натижасида белгиланган муддат давомида мавжуд ресурслар ҳисобига

эришиш мумкин бўлиши);

• Самарадорлик (мақсадга эришиш ҳавзанинг муайян муаммоларини ҳал қилиш имконини беради);

• Муддатлар бўйича аниқланганлик (қайси муддат давомида мақсадга эришиш мумкинлигининг аниқлиги);

• Мақсадларнинг уйғунлашганлиги (мақсад ҳавзани ривожлантириш билан боғлиқ бошқа мақсадлар билан уйғунлаштирилганлиги). Мақсад ва вазифаларни шакллантиришда уларнинг ўртасидаги фарқни аниқ тушуниш лозим. Мақсад ва вазифалар ўртасида бошқарув даражасида ҳам ижро даражасида ҳам қатор фарқлар мавжуд:

- Бошқарув даражасида – мақсадлар давлат/ҳавза даражасида, вазифалар эса локал даражада қўйилади.

- Сифат – Микдор. Мақсадлар одатда сифат кўрсаткичи ҳисобланади. Вазифалар эса одатда аниқ микдорий кўрсаткичларга эга бўладилар.

- Гипотеза – Гарантия. Мақсадлар гепотетик, хозирги давр чегарасида эришиб бўлмайдиган бўлиша мумкин. Вазифалар эса кафоланланган даражада эришиладиган бўлиб, уларнинг бажарилишини ўлчаш мумкин.

- Бахолаш – Мониторинг. Мақсадларга эришилганлик якуний бохолаш доирасида аниқланади. Қўйилган вазифаларни бажарилганлик даражаси доимий мониторинг давомида ва зарур холларда харакатлартузатишлар киритиш орқали аниқланади.

- Сиёsat – Дастур. Мақсадлар сиёсий қарорлар/стратегик режалаштириш/стратегик назар қабул қилиш даражасида аниқланади. Вазифалар эса минтақавий, вилоят даражасидаги, локал(маҳаллий) даструлар ва тараққиёт дастурлари даражасида қўйилади.

Вазиятни бахолаш босқичида тузилган “Муаммолар дарахти” мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқиши учун мухим асос ҳисобланади. Аниқланган марказий муаммонинг ечими Режанинг асосий мақсади сифатида хизмат қилиши мумкин. Иккинчи даражали муаммоларнинг ечими вазифалар сифатида хизмат қилиши мумкин, учинчи даражали муаммолардан эса Режа учун зарур бўлган тадбирларни аниқлаш мумкин. Шундай қилиб, ишлаб чиқилган “Муаммолар дарахти” ни “Мақсад ва вазифалар дарахти” га айлантириш мумкин. Намуна сифатида келтирилган “Муаммолар дарахти” дан Режа учун қуйидаги мақсад ва вазифаларни шакллантириш мумкин:


Мақсад: Аҳолининг суғориш сувига бўлган талабини қондириш.

Вазифалар:

- Сув ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш амалиётини жорий этиш;

- Сувни етказиб беришдаги йўқотишларни 20 фоизга камайтириш;

- Қишлоқ хўжалигига илғор технологияларни қўллаб ҳосилдорликни ошириш.



Расм 4.4. Мақсад ва вазифалар дарахти

4.5 Сув ресурсларини ҳавзаний бошқариш режаси (Ҳавзаний режа) матнини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

Дастлабки тайёргарлик ишлари якунлангандан сўнг, барча олинган материаллар якуна хужжат – Ҳавзаний Режага киритилади. Режанинг матнини ишлаб чиқишида қатор асосий тамойиллар талаблари бажарилади:

- Жамаотчиликнинг Режани ишлаб чиқиш, мухокама қилиш ва тасдиқлаш жараёнларида иштироқини таъминлаш;
- Ҳавзадаги сув ресурсларини бошқариш билан боғлиқ мавжуд вазиятнинг таҳлилини ўтказиш;
- Режанинг аниқ мақсад ва вазифаларини, натижадорлик индикаторлари/кўрсаткичлари тизимини, ҳамда унинг амалга ошириш жараёнидаги мониторинги механизмларини аниқлаш;
- Аниқ устиворликларни аниқлаш;
- Режани молиялаштириш режасини тузиш ва белгиланган муддат чегараларини аниқлаш, Режага киритилган тадбирларнинг бажарилиши ва унинг назорати, бўйича роллар тақсимоти;
- Сув ресурсларини бошқариш жараёнидаги асосий чегаравий шартларга эътибор қаратиш;
- Барча дарё ҳавзалари ва барча гидрологик циклларни қамраб олиш.

Ҳавзаний Режа текстини ишлаб чиқиш турли услубларда амалга оширилиши мумкин: бир кишига, эксперtlар гурухига, манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакилларига ёки ташқи консультантларга топширилиши мумкин. Матнни ишлаб чиқиш услубини танлаш манфаатдор томонлар қарорлариغا ва Режани ишлаб чиқиш учун молиявий ресурсларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Таъкидлаш лозимки, матнни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш билан шуғулланувчи шахс(лар) режалаштириш жараёнининг барча босқичларида, вазиятнинг таҳлилидан тортиб режанинг чора-тадбирларини ишлаб чиқишгача бўлган босқичларда иштирок этишлари лозим.

Матнни ишлаб чиқишидаги биринчи қадам Режанинг мундарижасини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Режанинг мундарижасини (мазмуни) ишлаб чиқишида қарорни барча манфаатдор томонлар қабул қилишлари лозим. Режада давлат сув стратегияси ҳамда давлат ва ҳавзани стратегик ривожланиш режа ва дастурлари ўз аксини топиши лозим. Режанинг мундарижаси турли давлатлар ва ҳавзалар шароитларида танланган устиворликларга боғлиқ ҳолда бир бирида фарқ қилиши мумкин. Бироқ, шу билан бирга Режанинг бир неча барча учун мажбурий бўлган қисмлари мавжуд, жумладан:

- Вазиятнинг таҳлили ва баҳоланиши,
- Мақсад ва вазифалар,
- Режанинг чора-тадбирлари,
- Режани амалга оширишдан кутиладиган натижалар.

Шу билан бирга мазкур бўлимларнинг ҳар бирининг ички мазмуни ҳавзанинг ўзига хосликлари ва манфаатдор томонларнинг қабул қилган қарорларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин.

Кўйида мисол тариқасида Қозогистоннинг Орол-Сирдарё Ҳавза Режасининг мундарижаси келтирилган.

Орол-Сирдарё Ҳавза Режасининг мундарижаси:

1. Кириш
2. Мавжуд вазиятни баҳолаш
3. Орол-Сирдарё сув хўжалиги ҳавзаси сув ресурсларининг ҳозирги ҳолатини таҳлили
4. Орол-Сирдарё ҳавзасида сув ресурсларини бошқарувининг ҳуқуқий ва институционал жихатлари таҳлили;
5. Орол-Сирдарё минтақасида сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик;
6. Ҳавзанинг сув ресурсларини самарали бошқаришдаги тўсиқлар ва муаммолар реестри. Муаммоларнинг устиворлиги.
7. Миллий стратегиялар ва Орол-Сирдарё ҳавзасини ривожлантириш режалари ва дастурлари;
8. Орол-Сирдарё ҳавзасида сув хўжалиги бўйича узоқ муддатли Назар;
9. СРИБ Режаси Мақсад ва вазифалар. СРИБ Режасини амалга оширишдан кутиладиган натижалар;
10. Тадбирларни амалга ошириш механизмлари ва молиялаштириш манбалари;
11. СРИБ тадбирларини амалга ошириш режалари;
12. Режанинг чора-тадбирлари.

Режанинг мундарижасини ишлаб чиқиша сиёсатчилар ва жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш катта аҳамият касб этади. Шунинг учун асосий манфаатдор томонлар билан тескари алоқа механизмини ишлаб чиқиш мухим. Тескари алоқа механизми ҳар бир конкрет ҳолатда ҳавзанинг ўзига хосликлари ва манфаатдор томонларнинг иштироки даражасига боғлиқ ҳолда консультациялар, умумий мухокамалар, интернет орқали фикр ва мулоҳазаларни йиғиш ва бошқа кўринишларини ўз ичига олиши мумкин. Бундай ёндашув кейинги босқичларда мувофиқлаштириш жараёнини соддалаштириш имконини беради. Агар манфаатдор томонларнинг иштироки ва жалб этилиши жараёни қониқарли ташкил этилган бўлса, унда тасдиқлаш мураккаб бўлмайди. Манфаатдор томонларнинг барча босқичлардаги фаол иштироки, барча манфаатларни режалаштириш босқичида инобатга олиш ҳисобига тасдиқлашни оддий расмиятчиликка айлантиради, яъни соддалаштиради. Ҳавзавий Режанинг якуний варианти барча манфаатдор томонларга етказилган бўлиши лозим. Одатда бу мақсадда Ҳавзавий Режалар Ҳавза ташкилотларининг сайтларига жойлаштирилади. Шунингдек, Ҳавзавий Режанинг корректироқа қилиш ва уни даврий равишда қайта кўриб чиқиш имкониятларини яратиш хам мухим хисобланади. Ҳавзавий Режа бу «тирик» хужжат бўлиб, шароитларга қараб доимий ўзгартирилиб борилади. Шунинг учун Режада уни қайта кўриб чиқиш ва тузатишлар киритиш механизми ҳам ёритилади.

4.6 Ҳавзавий режаларни мухокама қилиш ва уларни амалга оширишда ҳавзавий ташкилотларнинг ўрни

Ҳавзавий Режани ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш максимал даражадаги манфаатдор томонларнинг жалб этилиши принципига асосланган жараён

бўлганлиги учун, унга ҳамкорликдаги ҳаракатларни амалга ошириш имконини берувчи умумий майдон/маслахатлашув органи керак бўлади. Шундай умумий майдонни яратиш СРИБ принципларини жорий этиш, ҳавзавий режалаштириш ва Ҳавзавий Режаларни келгусида амлага оширишнинг ажралмас шартларидан бири ҳисобланади. Мазкур ўқув қўлланмасининг биринчи бобида кўрсатиб ўтилганидек, ҳавзавий ташкилотларнинг турли кўринишлари мавжуд ва улар айнан умумий майдон вазифасини бажаришлари мумкин. Умумий майдонларни турли даражадаги ҳавзалар (мамлакат даражасида, ёки трансчегаравий даражада, махаллий даражада, кичик дарё миқёсида ва х.о.) ҳудудларида яратиш мумкин.

Бундай умумий майдонлар ролини бажарувчи маслаҳат органларига ҳавзавий кенгашлар, қўшма комиссиялар, ташаббускор гурухлар, консультатив ва бошқа хар қандай ўз ичига турли манфаатдор томонларни бирлаштирган ҳамда дарё ҳавзасида сув ресурсларини бошқаришни яхшилашни мақсад қилган гурухлар кириши мумкин. Бундай маслаҳат органларининг ҳар бир аъзоси Режани ишлаб чиқиши босқичида жараёнда қўйидагича иштирок этиши мумкин:

- Ҳавзадаги истемолчилар ва экологик манфаатларни ҳимоя қилиш;
- Конунчилик ва меъёрий нормаларни такомиллаштириш мақсадида ўзгартиришлар киритишига кўмаклашиш;
- Муаммолар реестрини шакллантириш ва устивор мақсад ҳамда вазифаларни танлашни амалга ошириш;
- Ҳавзавий Режани ишлаб чиқишини баҳолаш ва мониторинг қилиш орқали Режани ишлаб чиқиши самарадорлигини ошириш ва салбий оқибатлар хавфини камайтириш;
- Режани ишлаб чиқиши босқичлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатиши. Амалга оширилаётган ҳаракатлар бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш;
- Устивор муаммолар рўйхатини шакллантиришда ўз соҳаси манфаатларини олдинга суриш ва х.о.

Шу билан бирга жараённинг ҳар бир иштирокчиси Режани амалга оширишда иштирок этиши мумкин. Уларнинг даражаси турлича бўлиши мумкин, Режанинг умумий мувофиқлаштирилишидан бошлаб, алоҳида тадбирларни амалга оширишгача.

4.7. Ҳавзавий режаларни амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш

Ҳавзавий Режани самарадорлиги ва натижадорлиги амалга оширилаётган тадбирларнинг тўғрилигига боғлиқ бўлади. Режанинг қай даражада амалга оширилаётганлигини кузатиш учун барча тадбирларнинг бажарилишини ҳамда уларнинг ҳавзадаги вазиятга умумий таъсирини баҳолаш ва мониторинг қилиш зарур бўлади. Режани амалга оширилиши самарадорлигини турли босқичларда, жумладан Режага киритилган алоҳида тадбирларни амалга оширишдан бошлаб Режанинг ўзини натижадорлиги ва самарадорлигини баҳолашгача бўлга босқичларда кузатиш мумкин.

Бунда мухим жихати, Режани амалга ошириш жараённининг мониторинги ва уни баҳолаш механизми Режани ишлаб чиқиши босқичидаёқ кўзда тутилган ва барча манфаатдор томонлар билан келишилган бўлиши керак. Режада қўйидаги

мониторинг ва баҳолаш билан боғлиқ масалалар аниқ ифодаланган бўлиши керак:

• Алоҳида тадбирларнинг ва умуман Режанинг бажарилишини аниқ ўлчанадиган кўрсаткичлари белгиланган;

• Маълумотларнинг манбалари, уларнинг йиғиш ва узатиш каналлари аниқланган;

• Маълумотларни қайта ишлаш технологиялари аниқланган;

• Режа бюджетида мониторинг ва баҳолашни ўтказиш харажатлари бюджетда кўзда тутилган.

Юқорида таъкидланганидек, Режани мониторинг қилиш механизмининг муҳим элементи – Режани амалга оширилганлиги натижадорлигининг кўрсаткичларини, ёки бошқача айтганда индикаторларини ишлаб чиқишидир. Индикаторлар Режани амалга оширишдан кутиладиган натижаларни аниқлаш босқичида ишлаб чиқилади. Умумлашган ҳолда ишлаб чиқилган индикаторлар қуидаги асосий саволга жавоб беришлари лозим: «Қайси кўрсаткичлар бўйича биз дастурнинг натижаларига эришилганлиги ҳақида биламиз?». Индикаторларни ишлаб чиқиш билан бевосита Режани ишлаб чиққанлар шуғулланадилар, бироқ индикаторлар шунингдек барча манфаатдор томонлар муҳокамасида ўтиши лозим. Индикаторлар миқдорий ва сифат кўрсаткичларига хос бўлиши мумкин. Индикаторлар Режани ишлаб чиқиш босқичида аниқланади, аммо уларга режани амалга ошириш босқичида ҳам тузатишлар киритилиши мумкин. Режанинг баҳолаш ва мониторинг механизмларини ишлаб чиқиша мухим вазифалардан бири - Режани баҳолаш ва амалга ошириш жараёнида мониторингини олиб бориш масъулияти юкландиган шахслар/тузилмаларни аниқлаш хисобланади. Бунда функциялар бир неча манфаатдор томонлар ўртасида бўлинниши ҳам мумкин, масалан:

• Сув хўжалиги соҳаси – умумий сув сиёсатини амалга оширувчи соҳа сифатида - Режани ривожланиш стратегияларига мос келиши жихатидан баҳолайди;

• Ҳавза даражасидаги бошқарма – Режани амалга ошириш бўйича асосий масъул идора сифатида – Режани амалга ошириш бўйича доимий мониторинг ва натижадорлигини баҳолаш.

• Манфаатдор томонларнинг ҳавзавий кенгаш/қўмиталари – Барча манфаатдор томонларнинг вакили бўлган ва Режани ишлаб чиқиша иштирок этувчи орган сифатида – Режани амалга ошириш бўйича доимий мониторинг ва натижадорлигини баҳолаш.

• Нодавлат ташкилотлари – Режанинг алоҳида тадбирларини бажарилиши бўйича мониторинг.

• Мустақил экспертлар – Режанинг алоҳида тадбирларини бажарилиши бўйича мониторинг.

4.8 Узоқ муддатли стратегик режалаштириш

Стратегик узоқ муддатли режалаштириш ҳавза бўйича сув ресурсларини бошқаришнинг узоқ муддатли мақсадларини ўз ичига олади. Стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида мавжуд муаммолари тахлили, устиворликлари ва бошқарув тадбирларини белгилаш, сарф харажат ва кўриладиган фойдалар ҳамда хавфларни

бахолаш масалалари қамраб олинади. Стратегик режалаштириш мінтақавий ва миллий ривожланиш мақсадлари, сиёсати ва режалари билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Шу билан бирга стратегик режа етарли даражада үзгарувчан бўлиб, янги маълумотлар ва үзгарувчан шароитлар пайдо бўлган шароитларда мослаштирув учун қулай бўлиши лозим.

Ҳавзавий бошқарув стратегияси сув ресурсларини бошқариш бўйича узок муддатли мақсадлар ва уларни амалга ошириш бўйича тегишли механизmlарни белгилаб беради. Стратегия одатда ўн йилда йигирма йилгача бўлган даврга мўлжалланади. Стратегия ҳавзавий бошқарув бўйича умумий йўналишларни белгилаб беради ва уч йилда олти йилгача бўлган даврга мўлжалланган деталлаштирилган ҳавзавий бошқарув режаси ёки харакатлар режаси учун асос ҳисобланади. Айрим ҳолларда режалар олдиндан маълум бўлмаган воқеа ҳодисалар ёки сиёсий устиворликлар туфайли үзгартерилиши мумкин. Шунинг учун режада шундай кутилмаган таъсирлар шароитида ва босимлар шароитида барқарорликни сақлаш имконларини берувчи бўлимларни киритиш тавсия этилади.

Стратегия миллий даражада ёки трансчегаравий сув манбалари шароитларида мінтақавий даражада қўйидаги асосий маълумотларни инобатга олиши лозим:

Сув ресурсларини бошқариш бўйича сиёsat ва институционал тузилмалар;

Сув ва ер ресурсларини бошқариш муаммоларининг мохияти, турлари, миқёслари ва мураккабликлари;

Умумий ривожланиш ва сув ресурсларини бошқариш мақсадлари;

Ҳавзадаги иқтисодий тараққиёт даражаси;

Сув ресурсларини бошқариш соҳаси мутахассисларининг ва институтларининг стратегик давр давомида мавжуд бўладиган табиий ва молиявий ресурсларни бошқариш салохияти.

Стратегиялар бошқарув бўйича энг яхши восита бўлгани ҳолда улар фақат барча турдаги манфаатдор томонларнинг фаол иштироки шароитидагина самарали тарзда ишлаб чиқилади. Айрим мамлакатларда ҳавзавий узок муддатли режалаштириш бўйича ҳукуқий асослар яхши ривожлантирилган. Масалан Европа ҳамжамиятида сув қонунчилиги “Water Framework Directive” иттифоқга аъзо бўлган ҳар бир мамлакатда Европадаги ҳалқаро ва миллий ҳавзалар бўйича ҳавзавий бошқарув режаларини ишлаб чиқиши талаб этади.

Муваффақиятли ҳавзавий режани ишлаб чиқилиши қўйидаги асосий шартларни ўз ичига олади:

- Ҳавзадаги сув ресурслари билан боғлиқ мавжуд вазиятни аниқ таҳлили;
- Мақсад ва кутиладиган натижаларнинг келишилганлиги;
- Манфаатдор томонлар билан мухокама қилинадиган сценарияларни таклиф этилиши;
- Барча манфаатдор томонларнинг ҳаракатлари ва устивор мақсадларини мувофиқлаштирилганлиги;
- Қарор қабул қилиш бўйича тегишли доиравий асосларни белгиланганлиги;

- Ҳавзаний стратегияни кенг қамровли ривожланиш мақсадлари, миллий ва мінтақавий тараққиётни режалаштириш жараёнлар билан үйғунлаштирилғанлиги;
- Салохиятни ва жамғарма имкониятларини ривожлантириш заруриятларини күзда тутилғанлиги;
- Манфаатдор томонларни, жу жумладан аёлларни иштирокини таъминлаш ва уларнинг қўллаб қўллаб қувватлашувига эришилғанлиги;
- Стратегик режалаштириш жараёнларига инсон ва молиявий ресурсларни ажратилғанлиги;
- Ҳар бир асосий тадбир ва мақсадларга эришиш муддатлари белгиланғанлиги;
- Стратегияда молиявий харажатлар ва уларнинг манбалари кўзда тутилғанлиги;
- Режалаштириш жараёнига тегишли маълумот ва хulosаларни таъминлаб берувчи мониторинг ва баҳолаш тизимини яратилғанлиги.

Ҳавзаний стратегияни ишлаб чиқишининг бешта асосий элементи мавжуд.

Улар муайян шароитларга боғлиқ холатда қўлланилиши мумкин:

1. Муаммоларни аниқлаштириш;
2. Устиворликларни белгилаш;
3. Бошқарув вариантларини аниқлаштириш;
4. Тадбирлар баҳоси ва кўриладиган фойдаларни тахлил қилиш;
5. Ҳавфларни баҳолаш.

Ҳар бир элемент учун мафаатдор томонлар билан диалог ўтказиш зарур ҳисобланади ва бунда қизиққан томонлар ва/ёки умумий жамаотчилик билан маслаҳат ўтказишининг яхши тажрибасига эа бўлиш катта аҳамият касб этади.

Стратегик режалаштириш жараёнининг кутиладиган натижаси - ҳавзаний ташкилот ёки реал мақсадларни кўзловчи ва бу мақсадга қандай қилиб қачон ва қайерда эришилишини ифодаловчи ҳавзаний ташаббуснинг аниқ “назар”ини, яъни манзилини баёноти бўлиши лозим. Стратегик ҳужжат амалда барча жалб этилган манфаатдор томонларнинг ташаббуслари қандай қилиб мувофиқлаштирилишини кўрсатувчи ҳамда ҳавзада жорий этиладиган қоида ва тартибларни талқин этувчи расмий тасдиқланган бошқарув режаси кўринишида бўлиши лозим. Баёнотлар барча манфаатдор томонлар учун осон топиладиган тушунарли бўлган форматда берилиши керак.

Муаммоларни аниқлаштириш

Стратегик режани ишлаб чиқиша биринчи қадам ҳавзадаги сув ва ер ресурсларин бошқариш билан боғлиқ муаммоларни ҳамда мазкур масалада ҳавзада амалга оширилаётган фаолиятларни аниқлаштиришдан иборат. Бунда самарали усувлардан бири тизимлаштириш “scoping” усули ҳисобланади, бироқ бунда таъсирларни дастлабки баҳолаш каби бошқа усувлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Асосий мақсад мавжуд муаммолар тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш, уларнинг долзарблиқ даражасини, кимларга таъсир этаётганлигини ҳамда қисқа муддат ичидаги бўйича натижага эришиш эҳтимолини баҳолашдан иборат. Қуйида Орол денгизи ҳавзасида жойлашган мамлакатларнинг ҳавзаний

стратегия устида ишлаш тажрибаси мисол тариқасида ёритилган.

Орол денгизи ҳавзаси: Узоқ муддатли стратегик режалаштириш.

Собиқ Совет иттифоқи даврида Орол денгизи ҳавзаси интеграллашган иқтисодий бирлик сифатида бошқарилган. Мустақиллик даврига келиб интеграллашган иқтисодий тизим парчаланди ва ҳавзада жойлашган ҳар бир мамлакат ўзларининг иқтисодий тараққиётидаги устиворликларини белгилаш баробарида уларнинг муайян мақсадлари ўртасидаги тавовутлар пайдо бўлганини хис эта бошладилар. Ушбу тафовутлашвчи мақсадлар сувга бўлган рақобат танглигини келтириб чиқарди. 1992 йиолнинг феврал ойига келиб Қозоғистон, Қирғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Орол денгизи ҳавзасидаги умумий манфаатларини эътироф этган ҳолда давлатлароро аҳамиятга эга бўлган сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда ҳамкорлик қилиш ҳамда давлатлароро сув хўжалиги комиссиясини(ДСХК) ташкил этиш бўйича шартнома туздилар. Бу комиссия ўз таркибига икки мавжуд ҳавза сув ташкилотларини (Амударё ва Сирдарё) олди. ДСХК минтақада сув ресурсларини бошқариш соҳасида стратегияни шакллантириди: Минтақада эгалик ва барқарорликка ёндашув қўйидагиларга асосланган:

- минтақадаги мамлакатларнинг барфарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш;
- Марказий Осиёда яқин минтақавий ҳамкорликнинг қўллаб қувватлаш;
- мамлакатларда эришилган натижаларни янада ривожлантириш;
- донорларнинг минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган кўмаклари учун тегишли шароитлар яратиш;
- минақавий сиёсий ва молиявий хоҳишни кучайтириш;
- донорларни эмас балки минтақавий институтларнинг махаллий институтларга йўлбошлиқ қилишини таъминлаш.

Музокараларда ижодий ёндашув:

- муаммога боғланган стратегияларни қўллаш, масалан энергетиканинг сув талаби, сувга бўлган экологик талаблар.
- ҳамкорликда ютқазадиган томонларга рағбатлантириш йўлларини таклиф этиш;
- баҳсли мунозаралар олиб боришининг асосий элементларини қўллаш: маълумотлар оқими, адолатли ёндашув ва барқарор жараён;
- трансчегаравий фаолиятларда махаллий ечимлардан фойдаланиш;
- сув ресурсларини бошқариш билан боғлиқ харажатларни эълон қилишни янги молиявий механизmlарни ўрнатишдаги қадам сифатида қўллаш;
- бошқарув дастурларининг ваколати ва тизими;
- ҳамкорлик ва тажриба-билим алмашинувига розилик;
- мўжароларни олдини олиш тадбирларини дастур ва лойихаларга интеграллаштириш;
- мавжуд институтларнинг фаолиятида қўллаб қувватлаш;
- глобал билимлар билан ҳамкорликни қўллаб қувватлаш.

Тизимлаштириш яъни “scoping” масаланинг барча жиҳатлари эътиборга олинганилигига ишонч ҳосил қилиш йўлидир. Ҳавза бошқарувчилари бу ишни

турли усулларда, жумладан манфаатдор томонлар билан ўтказиладиган семинарлар, сўровномалар ёки турли гурухлардан ҳисобот сўраш каби усулларда фойдаланиб амалга оширишлари мумкин. Тизимлаштириш машқи натижаларини умумлаштириш муаммоанинг миқёси ва давомийлигини, биринчи навбатда хал этилиши лозим бўлган масалалар рўйхатини, муаммога таъсир кўрсатаётган ҳамда эҳтимол бошқарув бўйича қабул қилинадиган қарорларга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин бўлган экологик сиёsat ва тартибларни аниқлаб беради. Муаммоларни бу йўл билан аниқлаш ҳавза бошқарувчилари ва манфаатли томонларга мақсадга эришиш йўлида нималар ҳавза бошқаруви ваколати доирасидау нималар ундан ташқарида эканлигини аниқлашга имкон беради. Мазкур йўл билан олдиндан бажарилган тизимлаштириш жараёни ҳам ҳавза узоқ муддатли стратегик режаларни ва қисқа муддатли ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишида катта фойда беради.

Матрица усули – ҳавза даражасида сув ресурсларини бошқариш муаммоларини баҳолаш, мухимлиги бўйича устиворлигини белгилаш ва тизимлаштиришнинг яна бир самарали усули ҳисобланади. Тизимлаштириш ва ранжирлаш услубларидан ташкил топган ва экологик баҳолашда қўлланадиган тезкор усул сифатида турли мумаммоларни бир бирига солиштириб уларнинг мухимлигини баҳолашга имкон яратади.

Сув муаммоларини баҳолаш, ранжирлаш ва устиворлигини белгилаш

Табиий ресурсларни бошқариш муаммоларини аниқлаштириш ва миллий режалаштириш ва тараққиёт мақсадлари доирасида устиворлигини белгилаш.

- Ҳар бир муаммонинг режалаштириш жараёнида қай даражада ўз аксини топишини аниқлаштириш;
- Ҳар бир устивор муаммонинг ҳавза гидрологияси имкониятлари ва мураккабликлари нуқтаи назаридан текшириб чиқиш;
- Устивор муаммоларни ҳажмини молиявий ресурслар имконияти билан мувофиқлаштириш.

Устиворликларни белгилаш

Муаммолар аниқлангач кейинги вазифа уларнинг устиворлигини белгилашдан иборат бўлади. Кўпинча мураккаб муаммолар ечими ёки барча муаммолар ечимини бир вақтга белгилашдан кўра имконият даражасида бўлган тараққиёт ва ресурсларни бошқариш муаммолари ечимини биринчи навбатга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Муаммолар устиворлигини белгилашда модел ва қарорларни қўллаб қувватлаш воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

"Ярашув" - бу фактларни ўрганиш ва келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича ҳаракатларни белгилаш юзасидан таклифларни шакллантириш жараёнидир. Бунда низолашган томонлар таклифларни қабул қилиш ёки рад этишда эркин ҳисобланадилар.

Икки томонлама учрашувларда ўзаро зиддиятда бўлган давлатлар томонидан келишмовчиликларни юзага келтирган ҳақиқатни текшириш ва томонларга қабул қилишлари мумкин бўлган таклифларни тавсия қилиш учун учинчи томоннинг иштироки сўралади. Шундай қилиб, бундай келишув воситачилик ва тергов элементларини бирлаштириши мумкин. Шу билан бирга, келишув (ярашув) одатда ўзаро низо ҳолатида бўлган томонлар вакилларининг, шунингдек, бошқа давлатларнинг мустақил фуқароларидан ташкил топган комиссия томонидан амалга ошириладиган, шакли бўйича кўпинча расмий амалиётдир. Ўзаро бевосита ўтказиладиган учрашувлар ҳам албатта келишувни амалга ошириши мумкин. Яраштирувчи эса мустақил изланишлар асосида низони ҳал қилишда зарур бўладиган далиллар ва амалдаги қонунларни объектив равишда аниқлашга интилади ва натижада томонларга ўз хисботлари ва тавсияларини тақдим этади. Томонлар ушбу тавсияларни қабул қилиши ёки низоларни ҳал этишнинг бошқа шаклини танлашлари ҳам мумкин. Давлатлар ўзларининг ўзига хос шароитларига мос бўлган моделларни танлашлари мумкин. Бугунги кунда яраштирувни кўплаб моделлари, шу жумладан Хельсинки Қоидаларида ҳам уларнинг ўнлаб моделлари тавсия этилади.

Институционал механизмлар

Трансчегаравий даражадаги сув зиддиятлари ва низолари кўпинча турли халқаро ташкилотлар ва органлар, масалан, кўп томонлама ёки икки томонлама келишувлар асосида ташкил этилган дарё ҳавзаси комиссиялари кўмагида ҳал қилинади. Бундай ҳавзаний комиссиялар кўп сонли алохида дарё ва бошқа сув манбалари ҳавзалари шароитларида ташкил этилган ва фаолият юритмоқда. Масалан, Канада - АҚШ халқаро қўшма комиссияси аъзоларининг вазифалари доирасига ўтказилган қўшма тадқиқотлар натижалари бўйича доимий равишда ҳисобот берабориши ва иккала хукумат томонидан билдирилган фикрлар ўртасидаги номутаносибликларни аниқлаб, уларни мувофиқлаштириш бўйича тавсия берабориши ҳам ҳам киритилган. Колорадо, Рио-Гранде ва Тижуана дарёлари масалалари бўйича 1944 йилда тузилган Мексика-АҚШ ўртасидаги шартномага асосан Халқаро чегара сувлари комиссияси тузилган бўлиб, мазкур комиссия белгиланган дарё ҳавзаларида АҚШ ва Мексика ўртасидаги юзага келадиган сув билан боғлиқ баҳсли масалаларни ҳал этиб келмоқда.

Арбитраж

Низоларни ҳал қилишнинг учинчи томонлар иштирокига асосланган барча бошқа механизмларига нисбатан арбитраж кескин фарқ қиласи ва низоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг қонуний ва суд қарори асосида амалга ошириладиган воситаси ҳисобланади. Бу механизм қўлланиши учун томонлар ҳакамлик судига розилик беришлари керак - яъни улар ўз низоларини ҳакамлик судига ёки арбитраж трибуналига ҳакамлик битими мавжуд бўлган аввалдан эришилган келишувга асосан ёки низо юзага келгандан кейин тақдим этишга рози бўлишлари керак. Низони ҳакамлик судига топширишда томонлар процессуал қоидаларга риоя қилишини ва ҳакамлик ташкилотининг маъмурий хизматларидан фойдаланишини танлашлари мумкин ёки улар муҳокамани маҳсус ташкил қилишлари ҳам мумкин.

Низоларни ҳал этишнинг мазкур бобнинг олдинги қисмларда тасвириланган механизмларга кўра арбитраж кўпроқ расмийлаштирилган бўлсада, ҳакамлик суд иши бўйича айрим афзалликларга ҳам эгадир. Жумладан арбитраж томонлар низоларни эшитадиган ҳакамларни тайинлашлари мумкин эмаслиги билан бир қаторда кўпроқ мослашувчанликни таъминлашга имкон беради. Томонлар, шунингдек, келишмовчиликларни битта арбитр ёки ҳакамлик судлари томонидан кўриб чиқилишини ҳам танлашлари мумкин. Умуман, ҳакамлик муҳокамаси хусусий характерга эга. Арбитраж қарори, шунингдек, маҳфий сақланиши мумкин, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам қабул қилинган қарор томонлар учун мажбурийдир. Апелляция тартиб-қоидалари фақат олдиндан келишилган ҳолда ўрнатилиши мумкин. 1997 йилдаги БМТ сув оқимлари конвенцияси доирасида, арбитраж механизмида низоларни ҳал қилишнинг барча бошқа воситалари имкониятларидан фойдаланиб ўлингандан сўнггина, келишувнинг мажбурий тартиб-қоидаларидан бири сифатида қўллаш белгиланган.

Доимий арбитраж суди

Доимий Арбитраж Суди - халқаро ҳакамлик қоидалари асосида ташкил

этилган энг узоқ муддатга тузилган ва халқаро низоларни ҳал қилишнинг биринчи глобал механизми ҳисобланади. Доимий Арбитраж Суди 1899 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 1899 ва 1907 йилларда қабул қилинган конвенцияларнинг бирини ёки ҳар иккисини имзолаган 97 аъзо давлатларни бирлаштиради. Аслида давлатлараро арбитражлар учун мўлжалланган Доимий Арбитраж Суди бугунги кунда давлатлар ва нодавлат давлатлар ўртасида, халқаро ташкилотлар ва давлатлар, халқаро ташкилотлар ва хусусий ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни бошқариш имкониятларини ривожлантириди. Суд ҳакамлик муҳокамасига қўшимча равища тергов, келишув, яхши идоралар ва воситачилик бўйича тергов ва тергов ишлари бўйича хизматлар кўрсатади. Доимий Арбитраж Судининг бошқарув органи аъзо давлатларнинг делегатларидан иборат ва йилига икки марта йифиладиган Маъмурий кенгаш ҳисобланади. Боз Котиб ва Доимий Арбитраж Судининг халқаро бюроси Суднинг кундалик ишини амалга оширади. Сўнгги йилларда Доимий Арбитраж Суди табий ресурслар билан боғлиқ низоларни ҳал этиш йўналишида тобора фаоллашмоқда. 2001 йилда Доимий Арбитраж Суди табий ресурслар ва/ёки атроф-муҳит билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш учун маҳсус ишлаб чиқилган процессуал қоидаларни қабул қилди.

Ушбу қоидалар ҳакамлик судялари ва арбитрларни танлаш бўйича процедуralарни белгилаб берган ўз ичига маҳфийлик, далиллар, вақтинчалик чора-тадбирлар, экспертларнинг роли, пайдо бўлмайдиган ёки тақдим этилишининг таъсири, мукофотлар, талқин ва қарорни тузатиш бўйича тартибларни билаштирган. Трибунал томонларга хабар бергандан сўнг, унга ҳисобот бериш учун экспертларни тайинлаши мумкин. Доимий Арбитраж Суди экспертлар рўйхатидаги номлар билан чекланмаган бўлсада, аъзо давлатлар томонидан тавсия этилган ҳамда унинг ичидаги томонлар ва трибунал жалб этиши мумкин бўлган экспертларнинг иккита алоҳида рўйхатини сақлайди. Биринчи рўйхат табиий ресурслар ва/ёки экологик фанлар бўйича экспертларнинг, иккинчи рўйхат эса халқаро экология хуқуқида катта тажрибага эга ҳакамлик судлари гурухини ташкил этади. Амалга ошириладиган ва келишилган процедуralар мавжуд бўлмаган тақдирда, атроф-муҳитга оид қоидалар фойдаланиш ва ноқонуний зиёнлар билан боғлиқ низоларни бартараф этиш учун ишлатилиши мумкин. Шундай қилиб, қоида одатий суд мажлисини чакириш ёки Доимий Арбитраж Суди шафелигида экспертиза ўтказиш учун кўрсатма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Янги ёндашувлар: мувофиқликни текшириш механизмлари

Мамлакат томонидан ўзининг халқаро мажбуриятларини бажармаслиги низоларга олиб келиши ва давлатлар эришган келишувнинг бузулишига сабаб бўлиши мумкин. Мамалакатлар халқаро келишувларга амал қилмаслик ҳолатлари бир неча сабабларга кўра юзага келиши мумкин. Бундай сабабларга асосланмаган амбициоз шартномавий мажбуриятлар, имкониятларнинг этишмаслиги ёки иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароитларнинг ўзгариши каби ҳолатларни киритиш мумкин. Халқаро сув келишувларида айрим ҳолларда мувофиқлик механизмлари аниқ белгиланмаган, худди шундай ҳолат

халқаро атроф-мухит масалаларидаги шартномаларда хам учрайди. Мувофиқлик "шартнома режимининг мақсадлари ва вазифаларига эришишга қаратилган тадбирлар" деб таърифланади ва "мувофиқлик тизими" ушбу қоидаларга риоя этилишига таъсири кўрсатувчи шартнома қоидалари ва процедураларининг кичик тўплами хисобланади. Хелсинки Конвенциясининг 1992 йилдаги юридик масалалари бўйича ишчи гурухига экспертларнинг хисоботлари асосида яратилган қўлланма ушбу тушунчаларни халқаро атроф-мухит соҳасидаги келишувларни ва халқаро сув оқимлари келишувларини таҳлил қилиш учун имкониятларни янада кенгайтиради, бу эса Конвенция халқаро сув келишувларининг мувофиқликни текшириш механизмларига эга эканлигини билдиради.

Мувофиқлик тизими механизмининг элементлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ахборот алмасиши
- мамлакатлар харакатларини кузатиш ва таҳлил қилиши
- Кўмаклашиши ва ҳамкорлик қилиши
- маслаҳатлашувлар, низоларнинг олдини олиш ва низоларни хал қилиши механизмлари.

Халқаро атроф-мухит соҳасига тегишли келишувнинг мувофиқлик соҳасидаги ютуқлар кўрсатадики, мувафақиятли мувофиқлик режимлари уларни яхшилаш, такомиллаштириш ва таъминлаш механизмларини ўз ичига олади. Мувофиқлик тизимида мувофиқликни таъминлаш стратегиясини қўллаб-қувватловчи чоралар ва имтиёзлар бўйича маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда ушбу фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган институционал механизмларни ўз ичига олиши керак. Ахборотларнинг жамоатчилик учун очиқ бўйиши ва адолатга тенг ҳуқуқни таъминланиши мослашув режимининг муҳим элементлари сифатида қаралиши керак.

Мувофиқликни баҳолаши - иккита компонентни ўз ичига олади:

- 1) Маълумотлар ва уларни таҳлил қилиши: умумий тушунтиришлар, шу жумладан шартномавий мақсадлар бажарилмаслиги мумкин бўлган консультациялар;
- 2) Номувофиқлик масаласи бўйича жавоб: ёрдам ва мажбуриятлардан иборат (санкциялар, низоларнинг олдини олиш ва низоларни хал қилиши механизмлари).

Мувофиқликни текшириши:

«Томонлар Томонларнинг ушбу Протокол қоидаларига 7-моддада кўрсатилган бащолаш ва баҳолар асосида риоя этилишини кўриб чиқадилар.

Муқобил низоларни хал этиш

Муқобил низоларни хал этиш (ADR), баъзан "Тегишли низони ҳал қилиш" деб номланади ва умумий қарама-қаршиликларни зиддиятсиз тарзда ҳал этишга қаратилган ёндашув ва техникалар тўпламини аниқлаш учун ишлатилади. Мазкур механизм кенг қамровли ёндашувларни ўз ичига олади. Жумладан

ушбу механизмда томонларнинг музокараларда ўзаро юзма-юз учрашувларидан бошлаб (ўзаро мақбул қарорларга келишининг энг тўғри йўли) қарши томонлар тескари позицияни эгаллаб турган холларда арбитраж ва суд қарори орқали тегишли қарорга эришишгача барча ёндашувлар қамраб олинади.

Инсоният ҳаёти давомида хамма вақт турли низолар ва можаролар барча маданиятлар, динлар, ва жамиятларда ҳам бўлган. Можаролар билан ишлаш фалсафаси ва усуллари устида ишлаш ва эришилган натижалар турли маданият ва жамият ўртасида фарқ қиласиган инсон меросининг бир қисмидир. Миллатлар, гурухлар ва шахслар тарих мобайнида низоларни ҳал қилиш учун ўзларининг салбий ва нотўғри таъсирларни минималлаштиришга уринишган. Икки ёки ундан кўпроқ шахслар ёки гурухлар ўз манфаатларига қарама-қаршилигини англаб етадиган ва бу манфаатлар барча манфаатдор томонларни қондириши учун қониқмасликлари мумкин бўлган ҳар қандай вазиятда одамларнинг ўзаро алоқаси бўлган ҳар қандай ҳолатда зиддиятлар ривожланиши мумкин.

Можаролар билан шуғулланиши - "можароларни бошқариш" ёки "низоларни ҳал этиш" профессионал доираларда чақирилиши - инсониятнинг ўзи каби қадимий соҳадир. Можаролар билан боғлиқ воқеалар ва уларни бошқариш санъати ҳар бир миллат ва этник гуруҳнинг тарихида жуда кўп гапирилган.

Тарих мобайнида шахслар ва гуруҳлар ўзларининг келишмовчилигини бартараф этишнинг турли йўлларини қўллаганлар ва барча томонлар учун мақбул бўлган қарорга эришишга ҳаракат қиласиганлар. Барча маданиятларда низоларни ҳал қилиш ва умумий келишилган мақсадларга эришишнинг энг яхши йўли эканлиги эътироф этилади, чунки ҳар қандай зиддият бузувчи кучdir.

Йигирманчи асрга келиб кўплар инсоният жамиятида низоларнинг одатий эканлигини тушунишди ва у албатта ҳар доим мутлақо ҳалокатли эмас, ва агар одамлар зиддиятлар ортидан бормасалар, ўсишда, етуклиқда ва ижтимоий ўзгаришлар учун потенциалга эга бўлишлари мумкинлини тушунишди. Янги фикрлаш услублари ва янги тажрибалар ўтмишда низоларни олдини олишнинг турли усуллари ҳақида кўп нарсаларни билиб олиш имконини беради. Қадимги жамиятларда низоларни ҳал қилиш, доно ва оқсоқоллар учун ёки диний раҳбарларга берилган ноёб қобилият ҳисобланган. Кейинги даврга келиб зиддиятни бартараф этиш ҳар бир киши учун қизиқишининг асосий йўналишига айланди ва бу ҳар доим кенгайиб бораётган таълим ва амалиёт соҳасига олиб келди.

XX-асрнинг сўнгги йигирма йили ва XXI асрда низоларни ҳал этиш соҳаси жадал ривожланмоқда. У кенг кўламдаги ўрганиш соҳасига айланди, Бу соҳада кўникумалар ва стратегиялар ўргатилади, фалсафий нуқтаи назарлар ўзгариши таълим ва ривожланган ўзликни англаш орқали амалга оширилади. "Низоларни ҳал этиш" соҳаси психология, социология, ижтимоий тадқиқотлар, қонунчилик, бизнес, антропология, гендер масалалари, сиёсий фанлар ва халқаро муносабатларни ўз ичига олган кўп соҳага мўлжалланган тармоқ сифатида

ривожланди.

Можаронинг олдини олиш, бартараф этиш, бошқариш ва қарорларни қабул қилиш сув билан боғлиқ тўқнашувларда қўлланилиши мумкин. Амалий жараённи танлаш сув зиддиятининг муайян шарт-шароитлари ва мохиятига боғлиқ.

Манфаатдор томонлар платформалари

Манфаатдор томонлар платформалар - турли манфаатдор томонларнинг хавотирларини ифода этиш ва кейинчалик музокаралар олиб борадиган жойларга эга бўлган форумлар хисобланади. Улар манфаатдор томонларнинг таркибини хар бир даражага мос равишда алмаштириш билан биргаликда маҳаллий бошқарувдан тортиб, трансчегаравий сув бошқарувигача барча даражаларида мавжуд бўлиши керак.

Манфаатдор томонларнинг ва жамоатчилик иштироки дарё хавзасида турли қатнашчилар ва манфаатларнинг мувофиқлаштирилиши учун муҳимдир. Шунингдек, манфаатли томонлар платформалар давлат бошқарув тизимини самарали амалга оширишга хам ёрдам беради. Улар пастдан юқоригача ёндашувларнинг маҳаллий миқёсдаги асосий тўқнашувлар ва муаммоларини аниқлашга ёрдам беради. Иштирок этувчи ёндашувлар сув ресурсларини тежаш усуллари тўғрисида ахолининг хабардорлигини оширишга ёрдам беради ва сувдан фойдаланувчиларни қарор қабул қилиш фаолиятига жалб қилиш орқали маҳаллий хокимият органларининг жавобгарлигини таъминлашга ёрдам хам беради.

Манфаатдор томонлар ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш механизmlари ва воситаларини диверсификация қилиш муҳимдир. Маҳаллий даражадаги ихтиёрий шерикчилик, кичик дарё хавзаларида кўпроқ қўлланади, чунки улар функционал бўлиб, маҳаллий хокимият органлари ўртасида мувофиқликни яхшилади.

Сув дипломатияси

Сувга нисбатан халқаро дипломатия сувни бошқариш учун глобал тармоқни яратишни ўз ичига олади. Кейинчалик бу тармоқ кўп томонлама ва икки томонлама сув шартномалари ва битимларни янада ривожлантиришда қўлланилиши мумкин. Халқаро тармоқлар муайян сув ҳавзалари шароитида сувдан фойдаланиш хуқуқлари, сув ресурслари тақсимоти, сув билан боғлиқ бошқа можароларини ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин.

Трансчегаравий ва минтақавий миқёсда кенгроқ ваколат ва масъулиятга эга бўлган хукumatлар ва муассасалар сув ресурслари билан боғлиқ раҳбарлик принциплари, иштирок этиш қоидалари ва сув ресурсларига оид тегишли тартибларни белгилаб берувчи халқаро ва миллий доираларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш учун ташаббусни ўзларига олишлари керак. Агар давлатлар битим ва конвенцияларни биргаликда имзолаган бўлсалар, унда иштирок этиш ва раҳбарлик қилиш қоидалари янада аниқроқ бўлади ва музокараларни осонлаштиради. Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан

фойдаланиш тұғрисидаги Конвенцияси (the Water Convention), ва Халқаро сув оқимларидан нонавигация мақсадларида фойдаланишга оид қонунлар тұғрисидаги Конвенцияси(the UN Watercourses Convention) ушбу йұналишда мухим асос сифатида хизмат қилмоқда. Дипломатияни илгари суриш мақсадларидан бири ушбу конвенцияларнинг мухимлигини ва ҳамкорликни ривожлантиришда мухимлигини таъкидлашдан иборатdir. Шунингдек, мамлакатлари рахбарлари бошқа мамлакатларга конвенцияларни ратификация қилишига ёрдам берадиган музокараларни давом эттиришга даъват этилиши керак.

Үз үзини назорат қилиш саволлари:

1. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришни режалаштириш жараёни;
2. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришни режалаштириш цикли;
3. Манфаатдор томонлар таҳлили;
4. Стратегик назар;
5. Стратегик назарни ишлаб чиқиш босқичлари;
6. Мавжуд вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
7. Муаммоларни баҳолашнинг эҳтимолий мезонлари;
8. Мақсад ва вазифаларни аниқлаш;
9. Муаммолар реестри ва устунлари;
- 10.Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш режаси;
- 11.Ҳавзавий режа матнини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- 12.Ҳавзавий режаларни муҳокама қилиш;
- 13.Ҳавзавий режаларни амалга ошириш ва унда ҳавзавий ташкилотларнинг ўрни;
- 14.Ҳавзавий режаларни амалга оширилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш;
- 15.Узоқ муддатли стратегик режалаштириш;
- 16.Сув муаммоларини баҳолаш, ранжирлаш ва устиворлигини белгилаш;
- 17.Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш ва режалаштириш жараёнида баҳсли вазиятлар;
- 18.Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш ва режалаштириш жараёнида баҳсли вазиятларни бошқариш йўллари.

V-Боб. Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иқтисодий барқарорликни таъминлаш.


5.1 Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда зарурий ҳаражатлар

Ҳавзавий режаларини ишлаб чиқиш бу – маълум ҳаражатларни талаб этувчи, узоқ ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараёндир. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича мослашувчан ёндашувни, ҳар бир муайян ҳолатда маҳаллий ўзигаҳосликларга мос равишида молиявий ҳаражатлар ва молиялаштиришда қўлланиладиган механизмлар турлича бўлиши мумкин.

Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кетадиган ҳаражатларни учта асосий блокларга ажратиш мумкин:


1. Ҳавзавий режани ишлаб чиқиш;
2. Ҳавзавий режани амалга ошириш;
3. Ҳавзавий режанинг бажарилишининг мониторингини олиб бориш.

A)




Б)

Ҳавзарежасини амалга ошириш



В)

Режанинг бажарилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш



5.1-расм. Ҳавзвий режани ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш ҳамда мониторинг қилишда бўладиган харажатлар

Юқорида келтирилган схемадан кўриниб турибдики, ҳар бир блок бир нечта турдаги харажатларни ўз ичига олиб, улар ҳар бир босқичда қўйилган мақсадларга эришиш учун зарурдир. Бунда келтирилган барча харажатлар ҳам мажбурий эмаслигини таъкидлаш зарурдир.

Ҳавзвий режани ишлаб чиқиш босқичида молиявий харажатларни минималлаштириш мумкин. Шу аснода, эксперт баҳолашлар ҳавзвий ташкилотларнинг аъзолари томонидан бажарилиши мумкин ва бунда қўшимча харажатлар талаб қилинмайди. Айрим зарурий маълумотлар ҳавзада

жойлашган ва ҳудудни барқарор ривожлантиришдан манфаатдор бўлган турли хил тузилмалар томонидан ҳам тақдим қилиниши мумкин.

Режа матни ҳавзавий ташкилотлар аъзоларининг ташаббускор гурухи, шунингдек, кўнгиллилар томонидан ёзилиши ҳам мумкин. Шу аснода, режани ишлаб чиқиш босқичида ҳам молиявий ҳаражатлар бир мунча қисқартирилиб асосан биргаликдаги учрашувларни ўтказиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Режани амалга ошириш босқичи энг ҳаражатли босқич ҳисобланади, бироқ бу босқичда ҳам катта молиявий маблағ талаб қилмайдиган тадбирларни белгилаш мумкин. Масалан, қишлоқ ҳудудини кўкаламзорлаштириш, ахлатларни йиғиштириш, булоқларни тозалаш ва шу каби тадбирлар маҳаллий ахоли кучлари билан бажарилиши ҳам мумкин.

Мазкур босқич, шунингдек, давлат дастури ёки корпоратив ижтимоий бизнес масъуллиги асосидаги инвестицияни жалб этиш имкониятини беради. Режанинг алоҳида тадбирларини амалга ошириш учун донорлик маблагларини жалб қилиш мумкин. Молиявий маблағларни жалб этишининг турли механизмлари мавжуд.

Ҳавзавий режани бажарилишини мониторинг қилиш ва баҳолаш босқичида ҳам ҳавзавий ташкилотлар аъзолари ёки жамоатчилик кучи билан катта ҳаражатларсиз амалга оширилиши мумкин бўлган тадбирлар мавжуд. Маълум идоралар йўналиши бўйича бажариладиган тадбирларнинг давлат мониторинги ҳам ўз маблағига эга бўлади.

Шундай қилиб, молиявий маблағларнинг йўқлиги ҳавзавий режаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда тўсиқ ҳисобланмайди, бироқ у ёки бу ҳаракатларни тезкор режимда амалга ошириш имкониятини пасайтиради.

5.2 Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни молиялаштиришнинг эҳтимолий манбалари.


Ҳозирги даврда тадбирларни молиялаштиришнинг бир қатор механизмлари мавжуд бўлиб, улар ҳавзавий режалари доирасидаги фаолиятларни амалга ошириш имкониятини яратади. Молиялаштириш механизmlарни учта йирик блокларга бўлиш мумкин. Улар молиялаштиришнинг режавий ва алтернатив механизmlарини рафбатлантирувчи давлат ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда молиялаштириш механизmlарининг биринчи блоки - давлат ва маҳаллий бюджетлар энг ривожланган механизм бўлиб, улар солиқлар, тарифлар, жарималар, табиий ресурслардан фойдаланганлиги учун тўловлар ва муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар ва бошқалар манбалар ҳисобига шакллантирилади. Мазкур блокнинг ишлаш принципи аниқ ишлаб чиқилган ва Марказий Осиёning ҳамма давлатларида қўлланилади. Бюджетдан республика миқёсидан бошлаб, маҳаллий дастурлар билан тугайдиган турли даражадаги давлат дастурлари молиялаштирилади. Давлат дастурлари орқали ҳавзавий режалаштиришнинг юқорида таъкидланган ҳар учта босқичи ҳам молиялаштирилиши мумкин.

Масалан 2008 – йилдан бошлаб, Қозоғистонда “Сув ресурсларини интеграциялашган бошқаруви ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” фаолиятларини молиялаштириш давлат бюджети асосида амалга оширилади. Мазкур дастур балиқчилик, ўрмон ресурслари, ҳайвонот олами ресурслари, табиий – қуриқхона фонди объектларини сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва ривожлантиришга, шунингдк, барқарор сув таъминоти ва сувдан самарали фойдаланиш даражаси таъминлаш учун шароит яратишга йўналтирилган. Дастур ҳавзавий режаларини амалга ошириш учун асосий манба ҳисобланиши мумкин.

Ҳозирги даврда худудларни ривожлантириш ва илгор тажрибаларни тадбиқ қилишнинг рағбатлантирувчи механизмларига катта эътибор қаратилмоқда. Бундай механизмларга заёmlар ва субсидияларни киритиш мумкин.

Марказий Осиёда мазкур механизмлар етарлича ривожланмаганлигига қарамай, уларни қўллаш тажрибалари ҳам мавжуд. Масалан, Қирғизистонда суғориш сувини етказиб беришда фойдаланиладиган насослар томонда сарфланадиган электр энергияси харажатларини тўлаш учун субсидия белгиланган. Қозоғистонда илгор технологияларни, жумладан, томчилатиб суғоришни қўллаш ҳисобига ўсимликлар маҳсулотининг сифати ва ҳосилдорлигини оширишга маҳаллий бюджетлардан субсидия бериш дастури мавжуд. Ўзбекистонда амонавий сув тежамкор технологиялар қўлланган ер майдонлар беш йилга ер солиғида озод этилиши билан бирга, бундай технологияларни харид қилиш учун имтиёзли кредитлар берилиши йўлга қўйилган.



5.2 – расм. Ҳавзаний режаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни молиялаштириш имкониятлари

Субсидияларга шунингдек аҳолининг имтиёзга эга категориялари (ветеранлар, ногиронлар ва бошқалар) томонидан тўланадиган сув таъминоти хизматларига белгиланган субсидиялаширилган тарифларни ҳам киритиш мумкин. Бундай субсидиялашган тарифлар Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида мавжуд.

Рағбатлантирувчи механизмлар ҳавза режаларини амалга ошириш босқичида энг кўп қўлланилади.

Молиялашнинг алтернатив механизмлари нисбатан янги эканлигига қарамай, уларнинг Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида қўллаш мумкин. Минтақадаги давлатлар қонунчилигига сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг давлат, давлатлараро ва ҳудуддий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳисобига, ҳамда юридик шахслар, бюджетдан ташқари фонdlар, ташкилотлар ва фуқороларнинг ихтиёрий аъзолик бадаллари ва маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкинкинилиги белгилаб қўйилган.

Молиялаштиришнинг алтернатив механизмларини иккита катта блокларга бўлиш мумкин.

Биринчи блок турли мақсадлар учун турли миқёсда молиявий маблағларни ихтиёрий йиғиши ташкил этиш билан боғлиқ механизмларни ўз ичига олади. Бундай механизмларга ихтисослашган фонdlарни яратишнинг энг илгор методлари, шунингдек, экотизим хизматлари учун тўловлар механизмини киритиш мумкин.

Икkinchi блок эса иккита асосий механизмларни ўз ичига олади:

- грантлар ва конкурслар қўринишидаги донорлик ёрдамини жалб этиш;
- давлат – хусусий мулк шерикчиликни ривожлантириш.

Донорлик ёрдами доирасида ҳар йили турли лойихаларни, жумладан сув хўжалиги сектори, сув таъминоти, қишлоқ хўжалигига янги технологияларни тадбиқ қилиш билан боғлиқ лойихаларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилади. Иқлим ўзгариши ва форс-мажор холатига мослашиш масалаларига катта эътибор қаратилади. Ҳавзавий режаларда акс эттирилган энг муҳим масалалар уларни донорлик дастурларига киритиш учун яхши асос бўлиб ҳизмат қиласди. Режага киритилган турли тадбирларини донорлик маблағларига амалга ошириш давлат ва нодавлат ташкилотлари, шунингдек ҳавзавий ташкилотларнинг аъзолари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Давлат - хусусий мулк шериклиги Марказий Осиё мамлакатлари учун янги механизм бўлиб, ҳозирда жуда тор доирада қўлланилади ва мавжуд қоидаларга кўра йўллар, мактаблар, касалҳоналар ва шу кабиларни қуриш каби ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилган. Бироқ йирик ташкилотларни режалаштириш жараёнига манфаатдор томонлардан бири сифатида жалб этиш, ҳавзавий режаларга киритилган тадбирларини амалга ошириш учун мазкур механизмдан фойдаланиш имкониятини бериши мумкинлигини таъкидлаш лозим.

5.3 Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишда молиявий манбаларни жалб этишнинг муқобил усул ва йўллари.

Ҳавзаларда сув ресурслари бошқаришнинг самарали тизимини ташкил қилиш кўпинча йирик капитал маблағни талаб қиласди. Бундай тадбирларга ирригацион тизимларини таъмирлаш ва қуриш, сувни ва энергияни тежашда самарали технологияларини тадбиқ қилиш, ичимлик ва сугориш сувлари билан таъминлаш хизматини йўлга қўйиш ва бошқарув тизимини оптималлаштириш каби лойихаларни киритишимиз мумкин. Бундай тадбирларни амалга ошириш имконияти фақатгина катта молиявий маблағлар мавжуд бўлганда гина яратилиши мумкин. Шунинг учун бугун дунёда Фонdlар каби механизмлар ривожланиб бормоқда. Бундай фонdlарнинг шакллари, вазифаси, шунингдек даражаси турлича бўлиши мумкин. Фонdlар алоҳида ахоли пункти, дарё ҳавзаси ёки давлат миқёсида яратилиши мумкин. Қуйида бундай фонdlарнинг бир неча мисоллари келтириб ўтилган.

Револвер Фонди. Маҳаллий ва ҳудудий маъмурият учун маблағ тақчили бўлган шароитларда самарали молиявий механизмлардан бири ҳисобланади. Бундай фонднинг ғояси узоқ муддатларда ўзини оқладиган, қимматга тушадиган лойихаларда инвистицияни амалга ошириш учун молиявий ресурсларни йиғишидан иборат бўлади. Фонд қисқа муддатда ўзини қопладиган лойиҳаларни мунтазам равишда қайта-қайта инвеститциялаш фондга келиб тушадиган нақд пул оқими ҳисобига янги ресурсларни тўплайди. Револвер Фондилари, қоидага кўра, сувни етказиб бериш учун электор энергияси ва бошқалар ресурслар учун тўловлар қисмини йиғиши ҳисобига шакилланади.

Револвер Фонди маҳаллий маъмуриятнинг ҳисоб рақами каби яратилиши мумкин шу аснода шахар маъмурияти лойиҳанинг эгаси ва шу вақтнинг ўзида Револвер Фонди эгаси ҳисобланади. Револвер Фонди фаолияти пул йиғиши жараёнининг ҳамма иштирокчилари учун шаффоф бўлиши жуда муҳимдир. Бундай ёндашув фонdda бўлган ишончли муносабатни таъминлаш имкониятини беради.

Ҳавзавий режалаштиришда йиғилган фонд маблағи ҳавзавий ташкилотлар билан келишилган ҳолда энг муҳим масаларани ҳал этишга сарфланиши мумкин.

Фонdlарнинг иккинчи тури, ихтисослашган кечикириб бўлмайдиган мавзуга оид масалаларни ҳал қилиш учун яратилаётган бюджетдан ташқари давлат фонdlари ҳисобланади. Бундай фонdlарга экологик фонdlар киритилиб, уларнин вазифаларига табиий муҳитни тиклаш, келтирилган зарарни қоплаш ва шу кабилар киради, Шунингдек сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор-дренаж тизимларини қуриш ва қайта таъмирлаш, моддий техник базасини мустахкамлаш ва шу кабилар мақсадида мелиоратив фонdlар ҳам яратилиши мумкин. Бунга Ўзбекистон республикасида ташкил этилган Мелиорация фондини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор қаратилади. Мамлакатда 2007 йилда

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича фонд ташкил этилган ва 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг Давлат Дастури қабул қилинди. Дастур доирасидаги қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири мелиоратив ишларнинг буюртмачилари ва ижрочиларнинг маъсулятини ошириш ҳамда белгиланган вазифаларни қатъий молиялаштиришнинг ишончли механизмини таъминлаш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини мелиоратив техника таркибини янгилаш ҳисобига суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш мақсад қилинган. Биринчи 4 йил ичидаёқ бажарилган ишлар бир миллион 164 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кучли ва ўртача шўрланган ерлар майдонини 81 минг гектарга камайтириш, шунингдек 360 минг гектардаги ер ости сувларини пасайтириш имконини берди.

Бундай фондларнинг асосий вазифаси фонд ҳисобида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни тўплаш ҳисобланади. Фонд манфаатдор томонлар билан биргаликда атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш бўйича узоқ муддатли ва ўрта муддатли давлат дастурларини ишлаб чиқади.

Бундай фондлар ҳам ҳавзаний режаларини асосий молиялаштирувчи манлардан хисобланиши мумкин. Режаларнинг тадбирлари алоҳида, блоклар билан ёки ихтисослаштирилган дастур ости дастури кўринишида фонддан молиялаштирилиши мумкин. Узоқ муддатли ва катта капитал маблағ талаб қиласидан лойихалар ҳам шундай экологик фондлар томонидан молиялаштирилиши мумкин.

Алтернатив молиялаштиришнинг етакчи механизмларидан бири экотизм хизматлари учун тўловлар ҳисобланади. Марказий Осиёнинг минтақавий экологик маркази мазкур механизмни тадбиқ қилишига йўналтирилган қатор лойихаларни амалга оширмоқда. Марказий Осиёда экотизм хизматлари учун тўловларининг тадбиқ қилишнинг дастлабки тажрибалари 2009 йилда пайдо бўла бошлади. Марказий Осиёдаги экотизимлар хизматлари учун тўловларнинг биринчи шартномаси 2011 йил 5 декабрда Қирғизистонда Чон-Аксув дарёси ҳавзасида имзоланди. Ҳозирда Қозогистонда Тожикистон ва Ўзбекистонда ҳам мазкур механизмни тадбиқ қилиш абробацияси кетмоқда

экотизм хизматлари (ЭХ) – бу ўсимлик, ҳайвонот, микроорганизмлар тирик бўлмаган табиат дунёси билан мавжуд экотизимлар ўртасидаги динамик ўзаро таъсир натижасида инсон томонидан олинадиган мулкдир.

экотизим хизматлари учун тўловлар (ЭХТ) – бу ҳамжамият гурухлари бу яхшилашлар устида иш олиб бораётганларнинг харажатларини тўғридан-тўғри қоплаш схемасидир.

Бунда ЭХТ схемаси доирасида пул тўлаш турлари турлича бўлиши мумкин: пул, товарлар, хизматлар, мукофот, сертификатлар ва бошқалар. ЭХТ лойихаларини амалга ошириш ҳамкорликнинг учта асосий схемалари мавжуд: давлат, хусусий-давлат ва тўлиқ хусусий

ЭХТ механизми ҳисобига экотизим хизматларини “сотувчиси” ва

“харидорини” аниқлаш мумкин бўлган, ҳавзавий режалари тадбирлари амалга оширилиши мумкин.

Марказий Осиёдаги ЭХТ нинг намунаси:

ЭХТ схемасини Чон-Аксуу дарёси ҳавзасида тадбиқ қилиш тажрибаси. Қирғизистон.

Чон-Аксуу дарёси ҳавзаси Иссик-Кўл кўлидан шимолда жойлашган. Унга яйлов ва ўрмонлар билан қопланган тоғли жойлар кириб, у ерларда чорва етиштирилади ва қўлга яқин жойларда қишлоқ хўжалиги ерлари жойлашган бўлиб, дон экинлари, озуқабоб ўсимликлар ва мевалар етиштирилади.

Дарё оқими бўйлаб қуйида жойлашган фермерлар суғориш даврида кўпинча сув етишмаслигига дуч келишади ва оқим бўйлаб юқорида чорва жуда кўп боқилганлиги туфайли дарёда сувда эримаган чўқиндилар юқори даражада бўлиб, бу сув билан таъминлаш қувурларини ифлосланишига олиб келади.

экотизим хизмати: юқори сифатли сув билан барқарор равиша таъминлаш

Шартнома мазмуни ва манфаатдор томонлар:

2011- йил 5- декабрдаги ЭХТ нинг Биринчи битимининг амал қилиш муддати, экотизим хизматлари ҳақиқатдан ҳам талаб этилган сифатда тақдим қилинган ҳолда узайтириш имкониятлари билан бир йиллик муддатга тузилган эди.

Харидорлар:

- Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (суғориш учун сувдан фойдаланувчилар) тўлайдилар;
- Ўрмон хўжалигига: дараҳтлар ва буталарни экишда, деворлар қуришда ва шу каби ҳамкорлиги учун йилига 10 одам/кун
- Яйлов кенгашига: яйловлар сифатини яхшилаш учун йилига 20 одам/кун
- Қўзиқорин терувчилар уюшмаси (ўрмон хўжалигидан фойдаланувчилар) ўрмон хўжалигига тупроқни тайёрланганлиги, дараҳтлар эккани ва шу кабилар учун бир йилда 30 одам/кун қўринишида тўлайдилар
- Туристлар (рекриацион хизматлардан фойдаланувчилар) дарага чиққанларида ҳар бир одамдан 20 сўмдан ва ҳар бир машинадан 50 сўмдан ўрмон хўжалигига нақд пул тўлаши амалга оширилади.

Сотувчилар:

Ўрмон хўжалиги қуйидаги мажбуриятларни олади:

- Дарага чиқиши учун тўланган пулларнинг 10% ни мазкур дарага дараҳтлар экишга ажратилиши;
- Янги кўчатларни тўсиқ билан ўраб қўйиши;
- Табиий ўрмонларни тиклаш учун энг стратегик участкаларни тўсиқ билан ўраб қўйиш;

- Яйлов кенгашлари ва шахар типидаги ахоли яшаш жойлари маъмурияти билан ҳамкорлик қилиш;
- Яйлов кенгаши мажбурятларга эга;
- Яйловларни бошқариш режасини ишлаб чиқиш;
- Яйловдаги максимал юклама бўйича тавсияларга риоя қилиш, алоҳида яйловларга киришни таъминлаш учун инфратузилмани таъминлаш, ўз-ўзини тиклаши учун яйловнинг баъзи участкаларини вақтингчалик тўсиқлар билан ўраб қўйиш;
- Ўрмон участкаларида чорвани боқишини чеклаш ва назорат қилиш.

Воситачи ва мониторинг ташкилоти:

12 кишидан иборат соҳалараро гуруҳ ЭХТ шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш мониторингини амалга оширади. Баҳолаш натижалари асосий ҳамма манфаатдор секторларнинг вакилларидан, 20 та аъзодан ташкил топган лойиҳанинг Мувофиқлаштирувчи Кенгашига кўриб чиқиш ва баҳолаш учун тақдим қилинади.

Молиявий механизм

Тўлов шакллари: ҳамма тўловлар амалий шаклда амалга оширилади.

Эришилган натижалар:

- 1) 2012 йил 7- майда 4 гектар дараҳтзор – 13.000 қўчатлар 32 та қўзиқорин терувчиларнинг вакиллари ва 3 та сувдан фойдаланувчилар томонидан экилди. Мазкур қўчатлар сув бўлишнинг юқори қисмидан ўрмон экотизимининг яхшилашга ёрдам бериши ва мазкур ерларда эрозия юзага келиши эҳтимолини йўқотиши кутилмоқда.
- 2) Ўрмон хўжалиги тамонидан ўрмон ва яйлов ўртасидаги чегарада, ўрмон қисмида бир нечта ”микроқўриқхоналар” яратилган. Мазкур тўсиқ билан ўралган учаскалардан мақсад чорва томонидан кўрсатилётган салбий таъсирни, бу таъсир натижасида тупроқ деградацияси, эрозия, ўсимликлар табиий равишда тикланиши имконияти йўқлигини яйлов эгаларига кўрсатиш ҳисобланади.
- 3) 2012 йил 5-сентябрда ЭХТ шартларини бажарилишининг мониторинг ва баҳолаш бўйича биринчи ташриф ўтказилди.
- 4) 2012 йил 6-сентябрда Мувофиқлаштирувчи Кенгаш шартномани кийинги йилда давом эттиришга Қарор Қилди.

Шундай қилиб, ҳавзавий режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни молиялаштиришни турли манбаларидан фойдаланиб амалга ошириш мумкин. Молиялаштиришнинг ҳамма механизимлари ва усуллари йиғиндиси ҳавзавий режаларни бажаришни кафолатлаш имкониятини беради.

Бироқ ҳавзани режалаштиришда тадбирларни ишлаб чиқиш босқичида қайси таклиф қилинган молиявий механизимларни у ёки бу тадбирларга қўлланилишини олдиндан асослаш зарур.

Ўз ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқишида зарурий ҳаражатлар турлари;
2. Ҳавзавий режаларни амалга оширишида зарурий ҳаражатлар турлари;
3. Ҳавзавий режаларни мониторинг қилишида зарурий ҳаражатлар турлари;
4. Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишини молиялаштиришнинг эҳтимолий манбалари;
5. Ҳавзавий режаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишида молиявий манбаларни жалб этишнинг муқобил усул ва йўллари;
6. Экотизим хизматлари тушунчасининг мазмуни;
7. Экотизим хизматлари учун тўлов нима?

Адабиётлар

1. A Handbook for Integrated Water Resources Management in Basins. THE GWP AND THE INBO. Printed by Elanders, Sweden, 2009. ISBN: 978-91-85321-72-8
2. Ahmed Tayia & Kaveh Madani. Transboundary water conflict resolution mechanisms. Available at <http://www.globalpolicy.org/security/natres/water/2001/1001fpol.htm>
3. Babbitt, Eileen, Diana Chigas, and Robert Wilkinson 2013: Theories and Indicators of Change Briefing Paper: Concepts and primers for conflict management and mitigation.
4. Barreteau, O. (2003). The joint use of role-playing games and models regarding negotiation processes: characterization of associations. *Journal of Artificial Societies and Social Simulation*, 6 (2). Available at <http://jasss.soc.surrey.ac.uk/6/2/3.html>, accessed 13 April 2010.
5. Burt, Murray and Bilha Joy Keiru 2013: "Community water management: Experiences from the Democratic Republic of the Congo, Afghanistan, and Liberia." Washington, DC: The Environmental Law Institute (ELI), United Nations Environment Programme (UNEP).
6. Butts, Kent Hughes 1997: "The Strategic Importance of Water," in *Parameters*, Spring 1997, pp. 65–83.
7. Castro, J. E. (2007). Water governance in the twentieth-first century. *Ambiente e Sociedade*, 10 (2), 97–118.
8. Chellaney, Brahma 2013: "Water, Peace, and War: Confronting the Global Water Crisis." Rowman & Littlefield.
9. Dewulf, A., Craps, M., Bouwen, R., Taillieu, T. and Pahl-Wostl, C. (2005). Integrated management of natural resources: dealing with ambiguous issues, multiple actors and diverging frames. *Water, Science and Technology*, 52, 115–24.
10. Environment Conflict and Cooperation 2010: "Water is transboundary, even at the village level". *Environment Conflict and Cooperation*, ECC Newsletter, October 2010. Available at http://www.ecc-platform.org/index.php?option=com_content&view
11. Geldof, G. D. (1995). Adaptive water management: integrated water management on the edge of chaos. *Water Science and Technology*, 32 (1), 7–13.
12. GWP & INBO (2009) A handbook for Integrated Water Resources Management in Basins. Report of the Global Water Partnership and the International Network of Basin Organizations. Erlander's Publishers, Sweden.
13. Hooper, B (2006) Key performance indicators of river basin management. Alexandria, VA: Institute for Water Resources, US Army Corps of Engineers
14. Impacts, Adaptation and Vulnerability. Contribution of Working Group II to the Fourth Assessment Report of the Intergovernmental Panel on Climate Change, eds. M. L. Parry, O. F. Canziani, J. P. Palutikof, P. J. van der Linden and C. E. Hanson. Cambridge: Cambridge University Press, pp. 173–210.
15. Introduction to the IWRM Guidelines at River Basin Level. © UNESCO 2009
16. ISBN 92-9220-003-8, UNESCO, 2003. Printed in Canada
17. Jean Burton. Integrated Water Resources Management on a Basin Level. A Training Manual. Translated from the French book La gestion intégrée des ressources en eau par bassin. Manuel de formation, Institut de l'énergie et de l'environnement

- pour la Francophonie (IEPF), 2001, 280 pages, ISBN 2-8948-00-5 (www.iepf.org).
18. Kundzewicz, Z. W., Mata, L. J., Arnell, N. W. et al . (2007). Freshwater resources and their management. In Climate Change 2007:
 19. Maktari, A.M.A. (1976) “Islamic water law,” in G. Radosevich et al., editors, Proceedings of the International Conference on Global Water Law Systems. Colorado State University, Natural Resources Journal(July) 33(3): 797–839.
 20. Pahl-Wostl, C. (2007a). Requirements for adaptive water management. In Adaptive and Integrated Water Management. Coping with Complexity and Uncertainty, eds.
 21. Pahl-Wostl, C. (2007b). Transition towards adaptive management of water facing climate and global change. *Water Resources Management*, 21 (1), 49–62.
 22. Percival, Victoria and Thomas Homer- Dixon 1998:“Environmental Scarcity and Violent Conflict:The Case of South Africa,” in *Journal of Peace Research*, Vol. 35, No. 3, pp. 279–298.
 23. Phillips, D.J.H., Allan, J.A., Claassen, M., Granit, J., Jägerskog, A., Kistin, E., Patrick, M., and Turton A. (2008).
 24. Postel, Sandra L. and Aaron T. Wolf 2001: “Dehydrating Conflict,” in *Foreign Policy*, September/October 2001, pp. 60–67.
 25. Shuval, H. “Approaches to resolving the water conflicts between Israel and her neighbors – A regional water-for-peace plan,”*Water International*(September) 17(3): 133–143.
 26. Smith, D.L. (1989) “The rewards of Allah” *Journal of Peace Research*26(4): 385–398.
 27. The TWO Analysis: Introducing a Methodology for the Transboundary Waters Opportunity Analysis. Report 23. Stockholm International Water Institute (SIWI): Stockholm, Sweden.
 28. Toward convergence between theory and practice. Washington, DC: USAID and AMEX International. Available at <https://dec.usaid.gov/dec/content/GetDoc.axd?ctID=ODVhZjk4NWQtM2YyMi00YjRmLTkxNjktZTcxMjM2NDBmY2Uy&rID=MzMzNDI3&pID=NTYw&a ttchmnt=VHJ1ZQ==&rdp=ZmFsc2U=>
 29. Water & conflict. A toolkit for programming. USAID.
 30. Welch, J.R. (1996) “The dry and the drier: Cooperation and conflict in Moroccan irrigation,” in J.B. Mabry, editor, *Canals and Communities: Small Scale Irrigation Systems*. Tucson: University of Arizona Press.
 31. Wolf, Aaron T. 1999: Water and Human Security (AVISO No. 3, June 1999). Victoria, Canada: The Global Environmental Change and Human Security Project. Available at <http://cip.management.dal.ca/publications/>
 32. Wolf, Aaron T. 1999: “Criteria for Equitable Allocations: The Heart of International Water Conflict,” in *Natural Resources Forum*. Vol. 23 #1, February 1999. pp.
 33. Wolf, Aaron T., Alexander Carius, and Geoffrey Dabelko 2005: Managing Water Conflict and Cooperation: State of the World 2005: Chapter 5 “Redefining Global Security.” Washington, DC:The World watch Institute. Available at

http://tbw.geo.orst.edu/publications/abst_docs/wolf_sow_2005.pdf

34. World Bank (2009). Strategic Environmental Assessment-Improving Water Resources Governance and Decision Making: Case Studies, Paper No. 116., Washington, DC, USA
35. Методическое пособие по созданию Бассейновых советов. Проект ПРООН «Разработка национального плана по Интегрированному управлению водными ресурсами и водосбережению в Казахстане». Алматы, 2005 – 48 стр.
36. Планы интегрированного управления водными ресурсами. Учебное пособие и руководство по применению. International Network for Capacity Building in Integrated Water Resources Management. 2005. -103 стр.
37. Пособие по бассейновому планированию. Алма-Аты, РЭЦЦА, 2014, - 40 стр.
38. РЭЦ ЦА (2011). Анализ деятельности в области адаптации к изменению климата в Центральной Азии. Потребности, рекомендации, практики, Алматы.